

МЕНДИРМАН О'ШАЛ

Botirjon Ergashev

Ботиржон Эргашев



БОТИРЖОН ЭРГАШЕВ

МЕНДИРМАН ЎШАЛ...



12+

**“O‘ZBEKISTON NASHRIYOTI”
ТОШКЕНТ – 2021**

УЎК 821.512.133-1

КБК 84(5Ўзб)

Э 74

Нашрга тайёрловчи:

Зоҳиджон ОЛОВ

Масъул муҳаррир:

Шавкат ОДИЛЖОН

Эргашев, Ботиржон

Э 74

Мендириман ўшал... [Матн]: шеърлар / Б. Эргашев. – Т.: “O’zbekiston nashriyoti” ДУК, 2021. – 256 б.

ISBN 978-9943-6522-8-6

2020 йил 23 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Ватанимиз озодлиги курашчиси, довюрак саркарда, миллий қаҳрамон, жаҳон халклари тарихида ўчмас из колдирган Жалолиддин Мангуберди жасоратининг ёш авлодни миллий ғуур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги тарихий аҳамиятини кенг тарғиб қилиш тўғрисида»ги Фармойиши қабул қилинди. Мазкур фармойиши ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги буюк аждодимиз Жалолиддин Мангуберди ҳёти тимсолида ёшларни она юртга садоқат туйгуси билан улғайтириш, мардлик ва матонат бобида юксак мэрраларни эгаллашга ҳамда мамлакатимиз дөвругини ўз истеъоди билан дунёга тараннум этишга чорлаш мақсадида ушбу китобни сиз азизларга тухфа килмоқда.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси таниқли шоир Ботиржон Эргашевнинг шеърлари – дил түғёнлари шеърият ихлосмандларига яхши таниш. Шоирнинг янги шеърий гулдастаси ҳам Сизга манзур бўлишига ишонамиз.

УЎК 821.512.133-1

КБК 84(5Ўзб)

ISBN 978-9943-6522-8-6

© Б. Эргашев, 2021

© “O’zbekiston nashriyoti” ДУК, 2021

БОТИР БАЙТЛАРНИНГ ОЗОД ОҲАНГЛАРИ

Тақдирига ижодкорлик битилган инсон борки, дард билан яшайди. Буни у яратган бадиий ижодида, жумладан, шоир шеърларида, бастакор куй-қўшикларида, расом бўлса ранг-тасвиirlарида ифодалайди. Демокчиманки, уларнинг хаёлот олами уммонлардек тубсиз, осмон қадар юксак ва бепоён. Аммо кўнгил ойнаси ниҳоятда шаффоф, жуда ҳам нафиски, бошқалар илғамаган жиҳатларни лаҳзада англаб, сониялар ичида нимадир яратади. Шеъриятда исми жисмига монанд сўз айтиш, нозик ташбехлар орқали дурдона хулосалар чиқаришга ботир шоир Ботиржон Эргашев ижоди ҳақидаги фикрларимни баён этиш мен учун ҳам осон, ҳам бироз мушкул десам, ишонаверинг. Зеро, унинг шеърлари бир қарашда жуда оддий сўзлардан иборат.

Унинг ижодида ота-она, Ватан, миллат, халқ, уларни ардоклаб яшайдиган инсонлар улуғланади, буни изоҳлаш осон. Аммо уларнинг ҳар сатридан тараладиган инсоф, имон нурлари, қалб түғёнлари, бани Одам руҳиятидаги жумбоклар чуқур ўйга толдиради. Қолаверса, замон билан ҳамнафас, муштарак туйғуларга доялик қиласди. У рўйи заминда рўй берайтган яхши-ёмон ҳодисаларга томошабин бўлиб туролмайди. Фикрларимнинг тасдиғи ўрнида шоирнинг бугунги пандемия шароитида ёзилган, тандирдан узилган нондек хушбўй, баъзи ўринларда дарду ҳасратли

шөйрларидан иборат янги китобидаги ушбу шеърий сатрларни мисол қилиб кўрсатишм мумкин.

*Ташвиши келса, бирдам, бирдона халқмиз,
Ҳақ деб яшар феъли дурдона халқмиз.
Эй, юртдошлар, қадни мазгур тутайлик,
Захматларни енгган мардона халқмиз!*

*Ўтар бу кун ёмон тушга айланиб,
Қолмас сира баҳор қишига айланиб,
Бирлашайлик кўринмас ёвга қарши,
Ҳар биримиз Алномишига айланиб.*

*Гўзал ҳаёт давом этмоғи учун,
Юрт отасин элга даъвати бугун.
Азизларим, биздан темир интизом,
Тонгларимиз шунда асло бўлмас шом!*

Эътиборлиси, бугунги кун нафаси сезилиб турган сатрларни ўқиб туриб, хаёлимда қандайдир хиссиётларга йўғрилган куй-оҳанглар кеза бошлайди, вужудимни жўшқинлик куршаб олгандек бўлади. Шоир билан фикрларимизда, қарашларимизда ҳам ўхшашликлар талайгина. Айниқса, ҳозирги синовли кунларда хаёлимдан ўтган фикрларимни Ботиржоннинг шеърларида ўқигандек бўламан ва унинг сатрлар орқали чекаётган дардига шерик бўлгим келади. Эҳтимол, шунинг учун ҳам анча йиллардан бўён биргаликда яратадётган қўшиқларимиз шеъриятга, санъатга меҳри баланд халқимиз қалбига етиб бориб, уларга манзур бўлаётгандир.

*Биз қудратинг олдида бечорамиз, рост,
Кутимаган кўринмас балони даф эт!
Сонсиз гуноҳлар учун олмагин қасос,
Бизни афв эт, Ягонам, бизларни афв эт!*

*Осиyllарга юборган аждарингми бу,
Ё гофил қалбга санчган ҳанжарингми бу,*

*Нопокликка қарши ё лашкариңми бу,
Бизни афв эт, Ягонам, бизларни афв эт!*

*Афсус, Сени унүтиб, шодон бандангмиз,
Биз нотавон, биз ношуд, нодон бандангмиз,
Фақат ғамда эсловчи – ёмон бандангмиз,
Бизни афв эт, Ягонам, бизларни афв эт!*

*Тушда мактабин күриб болам ухлайди,
Она жоним бағримда бағрин тиғлайди,
Күнгли масжид каби бүш отам ииғлайди,
Бизни афв эт, Ягонам, бизларни афв эт!*

Хозиржавоб шоирнинг дунёда юз бераётган воқеаларга
муносабати ифодаланган шеърларидан яна бирида шундай
мисралар бор:

*Надоматки, Яратганга ёлвориб,
Деёлмасман мургак жонин қайтиб бер,
Улар сени ўлдириди, энди бориб,
Ҳаммасини Аллоҳимга айтиб бер!*

*Айтгин барча шайтонга улфатларни,
Ёш бошингга тушибан ғам-кулфатларни,
Ўлаксалар излаган қалхатларни,
Ҳаммасини Аллоҳимга айтиб бер!*

*Нотинч юртнинг пешонаси шўр ўғли,
Дунё аҳлин зор ииғлатган зўр ўғли,
Эндинина уч ёш эдинг, гўр ўғли,
Ҳаммасини Аллоҳимга айтиб бер!*

Бу мисраларда дунёning қай бир мамлакатларида бўлаёт-
ган кирғин барот урушларда дайди ўққа учраб ҳалок бўлган
норасида гўдакка айтилган оталарча қалб нидоси, нотинч юрак
фарёди бор. Бу каби оғрикли мавзу шоирнинг яна бир «Тинч-
лик учун» деб номланган шеърида шундай баён этилган:

*Мардлик эмас, тинч элга ким солса чанг,
Эң мардона жанг – нафсга қарши жанг.
Оға-иниларим, эй, жигарларим,
Зинхор-зинхор түгри йўлдан адашманг!*

*Чамаларни сўлдирганлар бизданмас,
Гуноҳ жомин тўлдирганлар бизданмас,
Ҳатто хасни босмагайдир чин инсон,
Ноҳақ одам ўлдирганлар бизданмас.*

*Ўт ўйнаган бир кун ёниб кул бўлар,
Хар изига шайтон баковул бўлар.
Киприклардай жисплашаийлик, дўстлар,
Пароканда миллиат ёвга қул бўлар.*

Шеърдаги кескин кечинмалар, дангал хulosалар ўкувчини ўзига тортмай қўймайди, хонандаларни-ку гапирмай. Аслида дунёда шоир кўп, шеърлар ҳам бисёр. Лекин одамларнинг кўнглидаги гапларни топиб ёзиш ҳамма ижодкор ҳам удалай оладиган иш эмас. Ўрни келганда менинг ижодимга ўзгача рух олиб кирган бир шеър ҳақида айтиб ўтмасам бўлмас. Шукурки, биз аждодлари буюк халқмиз. Аждодларимизнинг ҳар бирлари фаҳр-ифтихор билан айтай, тахлам-тахлам китоблар қатига жо бўладиган таърифу тавсифларга муносиб. Мен ҳам уларга бағишлиб, айниқса, миллий қаҳрамонимиз Жалолиддин Мангуберди ҳақида кўшиқ куйлаш ниятимни айтганимда, Ботиржон Эргашев дилимдаги туйғуларим акс этган бир шеър ёзди. Уни ўқир эканман, мусиқаси ўз-ўзидан қуюлиб кела бошлади. Бу ўша – халқмиз юрагидан жой олган, ҳозирда каттаю кичик севиб куйлаётган «Мендириман ўшал» кўшиғи:

*Ватан учун қўксим тоғ, қалқондир шаъним,
Уни деса шамолдай учқур саманим.*

*Бор бўлсам чаманимдир, ўлсам кафаним,
Мангубердилик менга тақдири азал,
Ким юртига содиқ турса, мендирман ўшал...*

Бу шеърни ёшларимиз ёддан билишади, ҳатто 6-7 ёшлардаги болакайлар ҳам хиргойи қилиб юришганини эшишиб қоламан. Шоир учун, санъаткор учун бундан ортиқ баҳт бўлмаса керак. Балки, юракка яқин сатрлар, дилтортар оҳанглар, дегани шудир. Беихтиёр яна куйлай бошлайсиз:

*Юртим ҳар қарич ери оримдан улуг,
Суйган фарзандларимдан, ёримдан улуг,
На-да ор, на-да ёр, боримдан улуг,
Минг жондан бу тупроқнинг ҳар гарди афзал,
Ким уни кўзга сурса, мендирман ўшал...*

Хулоса қилиб айтганда, Ботиржоннинг нафақат шоирлиги, шеърлари, унинг ўзи ҳам инсон сифатида менга жуда қадрли. У билан биргаликда ижод қилиш менга илҳом бағишлийди. Бирор бир яхши, теша тегмаган мавзуда куйламоқчи бўлсам, гўё дилимдагини ўқигандек ўйлаганимдан зиёд шеър қоралаган бўлади. Мен шоир дўстимни янги шеърий тўплами билан кутлар эканман, ушбу китоб муҳтарам ўқувчиларга муборак бўлсин дейман. Ундаги сатрлар ҳар бир қалбга эзгулик нурини олиб киришига ишонаман...

Озодбек НАЗАРБЕКОВ,
*Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири,
Ўзбекистон ва Қорақалпогистон халқ артисти*

МЕНДИРМАН ЎШАЛ...

*Ким юртдан ёвни қувса, мендирман ўшал,
Улугвор ниятларга кор қилмас ажал.*

Мақсуд ШАЙХЗОДА

Ватан онамеросдир, отамеросдир,
Уни жондай асрамоқ мардларга хосдир.
Мангубердиман, мангу айтмоғим ростдир,
«Улугвор ниятларга кор қилмас ажал,
Ким юртидан ёвни қувса, мендирман ўшал!»

Ватан учун кўксим тог, қалқондир шаъним,
Уни деса, шамолдай учқур саманим,
Бор бўлсан чаманимдир, ўлсан кафаним,
Мангубердилик менга тақдири азал –
Ким юргига содик турса, мендирман ўшал!

Юртим ҳар қарич ери оримдан улуғ,
Суйган фарзандларимдан, ёримдан улуғ,
На-да ор, на-да ёр, боримдан улуғ,
Минг жондан бу тупроқнинг ҳар гарди афзал,
Ким уни кўзга сурса, мендирман ўшал!

Ёвнинг хушбўй гули ҳам алафдир менга,
Юртим ҳам гўё Каъба тарафдир менга,
«Турон арслони» бўлмоқ шарафдир менга,
Йигит учун Ватан деб, яшамоқ гўзал,
Ким уни жондай сўйса, мендирман ўшал!

Кун келадир ёвларнинг боғи сўлгайдир,
Ватаним хурлик деган баҳтга тўлгайдир,
Кун келар, энг буюк давлат бўлгайдир,
Миллионлаб Мангуберди бўлар у маҳал,
Қай она ўғил тугса, мендирман ўшал!

МЕНИНГ ДҮСТИМ – ШУ ВАТАН!

Какку узок йиллардан буён бир уй пештоқини макон тутиб, яшаб келаётган мусичага дебди:

– Хой, менга қара, мусича. Бир жойда яшайвериш жонингга тегмадими? Мана, мен каби хоҳлаган жойингда мазза қилиб яшасанг бўлмайдими? Юр мен билан! Гўзалликлардан бирга баҳра оламиз. Бу зерикарли инингни бир кунда унутасан!

Шунда уясида яқинда тухумдан чиқкан полапонларини пинжига олиб ётган мусича каккунинг «олийжаноб» таклифи га хотиржамлик билан жавоб бериди:

– Тўғри, сен ўзингча озод қушсан. Хоҳлаган жойингда хоҳлаганингча яшайверасан. Ҳатто бироннинг уясига тухум қўйиш сен учун уят эмас. Эҳтимол, менинг уям сен учун зерикарлидир. Аммо бу – менинг Ватаним! Ўзим шу жойда туғилдим. Мана, жондан суюкли полапонларим ҳам шу уяда кўз очди. Мен учун улар юксак парвози билан мана шу осмон кўркига айланишини кўришдан ортиқ баҳт йўқ. Шундай экан, бу жойларни ҳеч қачон ташлаб кетмайман.

Тақдирга кўнаман жим,
Эй, дардимга ёт бадан.
Сенинг дўстинг билмам ким,
Менинг дўстим – шу Ватан!

Бўлсин доим кўнглинг тўқ,
Бунда каму кўстим йўқ,
Менинг бошқа дўстим йўқ,
Менинг дўстим – шу Ватан!

Бунда яшаш дард эмас,
Чорловларинг шарт эмас,
Дўстдан кечган мард эмас,
Менинг дўстим – шу Ватан!

Лойидан пайдо таним,
Довруги менинг шаъним,
Душманлари – душманим,
Менинг дўстим – шу Ватан!

Бошимни қотирмасман,
Нафсимга шотирмасман,
Бекорга Ботирмасман,
Менинг дўстим – шу Ватан!



ОНА ТИЛИМ

Онам дея гар сүйса ким,
Сени сүйсин, Она тилим.
Мадхинг учун тургувчи жим
Диллар күйсин, Она тилим.

Сенга боққач қўп «ола кўз»,
Чин дўстинг ҳам бўлмади дўст.
Ҳар сўзида бир ғайри сўз
Тиллар күйсин, Она тилим.

Бу кун қочиб ёвлар тоби,
Бошингда хурлик офтоби.
Юзингга сурилган оби –
Гиллар күйсин, Она тилим.

Қанча каслар йўлинг тўсган,
Йўқ қилишга ҳисса қўшган.
Боғингда ёт бўлиб ўсган –
Гуллар күйсин, Она тилим.

Бу кун қайта туғилгансан,
Шукур айта туғилгансан,
Сени ҳануз олмаган тан –
«Сил»лар күйсин, Она тилим!

Кўрдим, тополмай бир ҳабиб,
Хаста ётдинг, хўп бетабиб,
Сенсиз ўтган ул мустабид –
Йиллар күйсин, Она тилим.

ОРОЛИМ

Аму, Сирни кутиб толган Оролим,
Йиглаб-йиглаб қуриб қолган Оролим.
Сен табиат эмас, одам айбисан,
Ранжиб, юзин буриб олган Оролим.

Тўлгин, лоқайдликларни ютсин қаъринг,
Сени қуритган майда ариқларинг!
Таслим бўлма, кўнглимиш тўлдир, тўлиб,
Кучоғингта қайтсинглар балиқларинг.

Бу бепарво бағримизни тифлайлик,
Дардларингга шифо тилаб йиғлайлик.
Тўлқинларинг шаббодасин соғиндик,
Кел, мавжли кокилинг силаб йиғлайлик.

Юлғунзорлар сўлиб-сўлиб кутмоқда,
Кемаларинг зангга тўлиб кутмоқда.
Кўр ҳассасин йўқотгай бир бора, қайт,
Кумларинг тузга ем бўлиб кутмоқда.

Қайтадан жўш уришингга умид бор,
Қирғоққа тўш уришингга умид бор.
Очмоқдамиш бағрингда булоқлар кўз,
Яна тўлиб туришингга умид бор.

Дийдорингга интиқ кўзлар учун қайт,
Жони фидо ёру дўстлар учун қайт.
Муқаддас меҳроблар ичра ҳаққингга
Чин дилдан айтилган сўзлар учун қайт!

Қаддинг кўтар, бағри куюк денгизим,
Жонларга сен жондай суюк денгизим.
Соҳилингда яна ҳаёт қайнасин,
Буюклигинг кўрсат, буюк денгизим!

ЧЕГАРАЧИ АСКАР МАКТУБИ

Онажон, сизни жуда соғиндим. Ҳар куни хизматдан бүш пайтларимда дарҳол ёстиғим остидан суратингизни олиб, бағримга босиб, кўзларингизга узо-о-о-қ термуламан. Болалигимдан то шу бугунимгача бўлган воқеалар кўз ўнгимдан ўтади. Уйдалигимда, кун тепага кўтарилгунча ҳам мени уйғотмай ҳалак бўлганларингизни эслаб, уялиб кетаман. Ҳарбий хизмат йигитман деганин бундай қусурлардан бутқул тозалар экан.

Онажоним, сизни жуда-жуда соғиндим. Ватанимиз сарҳадларини кўриклар эканман, кўнглимдан «мен онамнинг, онажонимнинг тинчини кўриклияпман», деган ҳис ўтиб туради. Бежизга «Она Ватан» дейишмас экан. Хизмат муддатим тугаса, шартнома асосида ҳарбий хизматимни давом эттироқчиман. Сизнинг оромингиз мен учун бебаҳодир.

Мен Ватанини онам деб суйиб, тинчлиги йўлида огоҳ турган баҳтли ўғлингизман.

Онажон, сатрлар оғушида сизга соғинчли саломимни йўллайман.

Мард Широғи ёғийларни битта ўзи енгган юрт,
Дунёларни Темур ўғлин одил сўзи енгган юрт,
Ёвни ҳатто Тўмарисдай жасур кизи енгган юрт,
Қаддинг баланд, бу кун сени бутун дунё олди тан,
Шундай улуғ аждодлардан бизга мероссан, Ватан!

Бу мустаҳкам чегарамиз – муқаддас оstonамиз,
Остонамиз тинч бўлса гар, тинчdir ота-онамиз.
Чегарачи бўлдик мағрур, ёруғdir пешонамиз,
Бу тупроқнинг ҳар заррасин жон-жонимдан севаман,
Шундай ўтли муҳаббатга лойик эрурсан, Ватан!

Бизга мардлик ўтган ўшал мард аждодлар қонидан,
Сенга содиқ бўлиб элнинг огоҳмиз ҳар онидан,
Қанча дўстлар сени дея кечди ҳатто жонидан,

Чегарачи бўлганимдан мен кўксимни кераман,
Жони фидо мардларингни унутмагайсан, Ватан!

Қишда, майли, корлар ёғсин, ёзда куйдирсын қуёш,
Чегарамиз бўлсин, майли, чўлми ёки тоғу тош,
Қасамёдда собит бўлиб, турамиз бериб бардош,
Уммонлардай жўшар доим қонимизда шону шаън,
Сени жондай асрагаймиз, эй азиз, гўзал Ватан!

Элу юртга садоқатим қўшиғи асло тинмас,
Тинчинг учун кеча-кундуз кўзга уйқу илинмас,
Эл тинч бўлса, чегаранинг мاشаққати билинмас,
Ҳар бир қарич еринг бўстон, ҳар қарич еринг чаман,
Ботир бўлиб талпинганим, топинганимсан, Ватан!



АЙТИБ БЕР!

Суриядаги уруш қурбони бўлган ёш боланинг сўнгги сўзлари бутун жаҳон аҳлини ларзага солди. Шифокорлар оғир яраланган боланинг ҳаётини саклаб қолишга қанча уринмасин, барча ҳаракатлар бехуда кетди.

Эндигина уч ёшга кирган норасида гўё ўлишини сезиб, жон таслим қилар чоғда, кўз ёшлари юзини ювиб шундай деди: «Ҳаммангизнинг устингиздан Аллоҳга арз қиласман. Ҳаммасини Унга айтиб бераман».

Надоматки, Яратганга ёлвориб,
Деёлмасман, мурғак жонин қайтиб бер!
Улар сени ўлдирди, энди бориб
Ҳаммасини Аллоҳимга айтиб бер!

Нотинч юртнинг пешонаси шўр ўғли,
Дунё аҳлин зор йиғлатган зўр ўғли.
Эндигина уч ёш эдинг, гўр ўғли,
Ҳаммасини Аллоҳимга айтиб бер!

Ҳар юракка хайратлардан туғ илиб,
Нима кўрдинг бу дунёда тугилиб?
Яшамасин, десанг мени бўғилиб,
Ҳаммасини Аллоҳимга айтиб бер!

Қанча-қанча ҳаддан ошган бойлар бор,
Бурда нонга интиқ ҳоли войлар бор,
Ғарб аталмиш гуноҳга ғарқ жойлар бор,
Ҳаммасини Аллоҳимга айтиб бер!

Айтгин, барча шайтонга улфатларни,
Ёш бошингга тушган ғам, кулфатларни,
Ўлаксалар излаган калхатларни,
Ҳаммасини Аллоҳимга айтиб бер!

Донолар хор, нодон ўрни тўр бўлди,
Кимки ғўрни енгса, ўша зўр бўлди.
Уч ёшингда етган жойинг гўр бўлди,
Ҳаммасини Аллоҳимга айтиб бер!

Эзгуликни хўп эзгиси борлар – Ғарб,
Осиёни осийликка чорлар Ғарб.
Ғарбдан чиқсан қуёш каби порлар Ғарб,
Ҳаммасини Аллоҳимга айтиб бер!

Фаҳш отли кўнгил кўзи кўрларни,
Гиёҳвандлик дарди юқсан зўрларни,
Динни ниқоб айлаган террорларни,
Ҳаммасини Аллоҳимга айтиб бер!

Докторлар мот қисмат деган «Фарзин»га,
Чора топмай кўксингдаги дарзингга.
Кўшиламан ҳамма-ҳамма арзингга,
Ҳаммасини Аллоҳимга айтиб бер!

Туғилсайдинг ўзбек деган миллатда,
Яшар эдинг миннати йўқ рағбатда.
Хургина жон, энди боргин, жаннатда
Ҳаммасини Аллоҳимга айтиб бер!



ДИЛ ИЗҲОРИМ

Хурсандчилик! Шу биргина сўз инсоннинг умрини гўзалликка буркаб, кўнгилларни фаровон этади. Хурсандчилик бўлса, одамнинг яшагиси келади. У бор жойда, ободлик бўлади, у бор жойга уруш ин қурмайди. Хурсандчилик – бу дунёнинг энг гўзал манзилларига олиб боргувчи ёруғ йўл!

Биз тўққиз фарзанд, яъни олти ўғил, уч қиз илк бор ҳаёт завқини, яшаш хиссини туйганимизда ҳаммадан кўп хурсанд бўлган инсон онам бўлса керак...

Онажоним! Менинг ҳар бир куним, сиз ҳадя этган ҳаётим пойингизга пойандоз бўлсин! Сиз менинг камолимдан хурсандсиз, мен ҳам сиздай меҳридарё аёлнинг фарзанди эканимдан баҳтиёрман! Ҳамма эшитсин деб, бор овозда бир гапни айтаман: «Онажоним, яхшиям сизнинг ўғлингизман!».

Ёзилмагин бўлиб дард, ғам, онамга сен,
Қилаверма жабру ситам, онамга сен.
Бардошини синайверма ҳар лаҳзада,
Тақдир, айлаб тургин карам Онамга сен!

Тўққиз фарзанд туғиб яна юрибди тик,
Мукофотла, юрагига солма ҳадик.
Бирортамиз каззоб бўлиб улғаймадик,
Эвазига бўлгин малҳам Онамга сен!

Ҳалол меҳнат билан чиққан унинг тиши,
Ундан жабр кўрмагандир бирор киши,
Менинг шоир бўлганим ҳам унинг иши,
Хуш дамларни кўргин баҳам Онамга сен!

Бахтинг кўрсат, десанг унга, бизни чорлар,
Менинг баҳтим шулар дея нурдай порлар.
Совға айлаб ҳаётига кўп баҳорлар,
Такрор-такрор юбор кўклам Онамга сен!

Онам борки, бизга шартмас дур-марварид,
Дилларига қувонч солиб, дардин арит!
Отам билан юздан ошсин, қўша қарит,
Ҳар кун қилиб бергин байрам Онамга сен!

МУДХИШ МАНЗАРА

*Шаҳидлар хотираси
музейида*

Илк бора бир қадам ичкари кириб,
Юрагим йўлбарсдек тортди бир наъра.
Бунда пичирлаб ҳам бўлмас гапириб,
Гўзал бино ичра мудхиш манзара.

Кирганлар қолмоқда бир жойда тўхтаб,
Ахир бунда рухлар кезиб юрибди.
Биринчи бўлмада Дажжолга ўхшаб,
Қоп-қора машина боғлиқ турибди.

Барча қилмишлари рангидек зулмат,
Юртим қай кўчасин дайдиб елмаган.
Қани Усмон, қани Қодирий, Фитрат,
Шу мошинда кетиб қайтиб келмаган.

Билмайман суратга тушмоқда қандай,
Одамлар кон босган мошин билан, оҳ.
Тўнғиз гўштин ейиш гуноҳ бўлгандай,
Бу билан расмга тушиш ҳам гуноҳ.

Деворга осилган тасвирлар минглаб,
Уларга термулиб минг бора ўлдим.
Музей ходимасин сўзларин тинглаб,
«Қатли ом»га тушиб қолгандай бўлдим.

Маломат қиласман ўзимга ўзим,
Ҳали юрт корига ярай олмадим.
Қодирий расмига тушганди кўзим,
Унинг кўзларига қарай олмадим.

Хотиржам дилимдан ором йўқолди,
Қумурсқа аламлар ичу ташимда.
Уйимга пиёда қайтдим, лек қолди,
Қасоскор хаёлим қора мошинда.

Бундаям бир ҳикмат бормикан, ё Раб,
Бизга насиб этдинг ҳурлиқдан мастилик.
Аммо Чўлпон кутган замонда яшаб,
Уят, уларга хос яшаб ўтмаслик.



УРУШ ВА ФАЛАБА

Уруш. Эҳ, атиги биргина шу сўз,
Икки жоннинг худбин, нодонлигидир.
Ғалаба. Атиги биргина шу сўз,
Миллионлаб жонларнинг қурбонлигидир.

Уруш – бу биринчи бўлмоққа талаб –
Икки хукмроннинг мусобақаси.
Ғалаба – отасиз қолган минг-минглаб,
Бечора халқимнинг бола-чақаси.

Уруш – бу тўкилган қон ҳисобига
Яшовчи жуфт шайтон, сира тинчимай.
Ғалаба – миллионлаб жон ҳисобига,
Байрамга айланган тўққизинчи май!



ҚАЛҚОН БОЛАМ

Юртимизнинг мана шундай тинч ва осойишта кунларга етиб келишида ўз жонларини қурбон қилган қаҳрамонларни эслаш, уларни дуолар билан ёд этиш ушбу фароғатли дамларда яшаётган бизларга қарзидир.

Ватан учун жон фидо қилган дилбандидан фахрланиб яшаётган онанинг дилсўзларини сизлар ҳам эшитишингизни истадим.

Дофинг эзди юрагимни, полвон болам,
Қадду бўйинг энди менга армон, болам,
Сендей ўғил ўстирганимдан розиман –
Юрти учун кўкси тогдай қалқон болам.

Давраларда ҳамма кўнглим сўрайдилар,
Мард ўғилнинг онаси деб қарайдилар.

Ватан учун жондан кечиб хизмат қилдинг,
Эл йиғласа йигладинг..., у кулса кулдинг,
Юрт тинчлигин гўшангадан устун билдинг,
Ғурурию ор-номуси осмон болам.

Байрамларда мени гулга ўрайдилар,
Мард ўғилнинг онаси деб қарайдилар.

Қалбим фахру ифтихорга тўлиб кетар,
Ҳазон бўлган дил баҳорга тўлиб кетар,
Қанча инсон ном-нишонсиз ўлиб кетар,
Менинг эса номи элда достон болам.

Тушларимда хурлар сочим тарайдилар,
Мард ўғилнинг онаси деб қарайдилар.

Қисқа умринг давомида тўғри бўлдинг,
Юрак-бағринг шиддатлию чўғли бўлдинг,

Бир менимас, бутун элнинг ўғли бўлдинг,
Онанг бўлганлигим менга унвон, болам.

Дўстларинг бор, ҳар кунимга ярайдилар,
Мард ўғилнинг онаси деб қарайдилар.



ДЕҲҚОНЛАРИМ

Энг бежилов шамолда ҳам ҳатто тиним бор,
Аммо тиним билмас сиздай ога-иним бор.
Меҳнат билан умрингизда баҳт бор, унум бор,
Деҳқонларим, тош гуллайди имконингиздан,
Тупроқ дармон олар сизнинг дармонингиздан.

Турфа юртлар, турфа эллар ва минг турфа ҳол,
Қай юртларнинг деҳқонларин кўлида қурол.
Шукурларки, кетмон тутиб яшайсиз ҳалол,
Поклигингиз аён кийган чакмонингиздан,
Ватан обод баланд уйган хирмонингиздан.

Бугдойзорни мавжлантирган дон ҳам сизники,
Дон сизники бўлгач, демак, нон ҳам сизники.
Мехримизга тўла шараф-шон ҳам сизники,
Меҳнат қилиб чиқадирсиз армонингиздан,
Фолиб қайтинг доим марду майдонингиздан.

Сиз меҳнатнинг заҳматини уқмай севасиз,
Рағбатидан ўзингизга сигмай севасиз.
Бу Ватанни далангиздан чиқмай севасиз,
Қасрлардан афзал билган шийпонингиздан,
Бу ҳаммаси чин, покиза иймонингиздан.

Фаҳрдаман бу қун сизнинг шаштингиз кўриб,
Боғлар каби обод дала-даштингиз кўриб,
Беклар ҳавас қиласурган гаштингиз кўриб,
Айирмасин, шундай гўзал давронингиздан,
Деҳқон деган энг савобли унвонингиздан.



ТЕМИРЙҮЛЧИЛАР

Томир ёйиб, меҳр бергандай
Гүё юрак вужудни ўйлаб,
Темир йўллар хизмат учун шай,
Бу кун бутун ўлкамиз бўйлаб.

Сиз-ла халқим муродга етган,
Дилга орзу ёрлиги – бу баҳт.
Томирлардай ёйилиб кетган –
Темир йўллар борлиги – бу баҳт.

Темир йўллар, темирйўлчилар,
Изингиздан чақнайди чақин.
Темир йўллар, темирйўлчилар,
Узогимиз сиз билан яқин.

Тиним билмай ҳар шому саҳар,
Яшайсизлар элга ҳурматда.
Сизлар сабаб қишлоғу шаҳар –
Бирлашгайдир қисқа фурсатда.

Темир йўлнинг низоми бутун,
Олий талаб – тартиб, интизом.
Шу эл учун, азиз юрг учун,
Билмайсизлар туну кун ором.

Узатсак бас, етар қўлимиз,
Бу кун етдик янги замонга.
Шу халқ учун темир йўлнимиз –
Туташмоқда бутун жаҳонга.



ФАВВОРАЛАР

Күнгилларда жўш урган
туйғудир фавворалар,
Дилдан отилган хандон
кулгудир фавворалар.

Ойдан ерга заркокил
ёғдулар сочилганда,
Ердан ойга сачраган
ёгдудир фавворалар.

Тонгнинг чехрасин кўриб
ўчгайдир тун шарпаси,
Булоқ кўзидан қочган
уйқудир фавворалар.

Бири сокин, бошқаси
шаршара оҳангода,
Ёқимли куйлар чалар
чолғудир фавворалар.

Бири камондай эгик,
бири мағрур сочилгай,
Шакли турфа, сўроғ-у
урғудир фавворалар.

Улардан завқ олгани
Ботирлар келса мудом,
Хуркиб ҳар ён сакраган
оҳудир фавворалар.



БОЛАЛАР УЙИ

Болалар уйининг ҳовлисида ўйнаб юрган бир қизалоқ онасини согинган чоғи ерга бўр билан уddaлаганча, катта қилиб онанинг расмини чизиб, расмнинг бағрига ётиб оларкан. Шунда бир зумгина бўлса ҳам онасининг бағрида ётгандек ҳис қиларкан ўзини. Бу воқеанинг менга энг таъсир қилган жиҳати, ўша қизалоқ расмдаги онаси бағрига оёқ кийимини ечиб, сўнг ётаркан.

Дунё дунё бўлибдики, бундан ўтар
Аянчлироқ манзарани кўрган эмас.
Кўз ёшининг уволи бор, бир кун тутар,
Арпа эккан зинҳор буғдой ўрган эмас,

Онангман, деб нега сира келмагайсан,
Кечалари сенсизликдан чўчиб йиғлар.
Унга нега алла айтиб бермагайсан?
Ухлай олмай тиззасини қучиб йиғлар.

Аламлиси, соғинар сен тош юракни,
Она деган ном нелигин биласанми?
Вужудингнинг бир парчаси – бу мурғакни
Шунчалик ҳам меҳрингга зор қиласанми?

Миттигина юракчасин эзиб-эзиб,
Тонгин отиб, кунин қандай ботишин кўр.
Хаёлида эплаганча расминг чизиб,
Суратдаги бағринг ичра ётишин кўр.

Онам келар, дея роса толди бу киз,
Орзуйининг сендан ўзга чўққиси йўқ.
Бу одобни айт, қаердан олди бу киз,
Расмингга ҳам оёқ билан чиққиси йўқ.

Билсанг агар, бу эъзозга нолойиқсан,
Сени она деганларнинг ҳаққи кетар.
Сен кабилар шайтон-ла бир халойиқсан,
Қилмишларинг ўз бошингга бир кун етар.

Тавба қилгин, тавба қилгин, тавба қилгин,
Қаҳдор деган сифати бор Яратганинг.
Йўқса жойи жаҳаннамда дея билгин,
Ўз боласин йўлига зор қаратганинг.



КИТОБГА БЕГОНА БЎЛГАНЛАР...

Китобни кўнглингга шам қилгин,
китобдан ёруғроқ зиё йўқ,
Китобга бегона бўлганлар,
шум нафсга парвона бўлгайдир.

Китобни кўнгилда жам қилгин,
китобда кибр йўқ, риё йўқ,
Китобга бегона бўлганлар,
охир шўр пешона бўлгайдир.

Китобсиз армонни ёпиш йўқ,
армонсиз имкон бой берилмас,
Китобсиз омадни топиш йўқ,
омадсиз зотга той берилмас,
Китобсиз илмга чопиш йўқ,
илмсиз тўрдан жой берилмас,
Китобга бегона бўлганлар,
жойлари остона бўлгайдир.

Китобдай беминнат дўст йўқдир,
бир дўстки, бағрингни ўймайди,
Китобдай интизор кўз йўқдир,
ҳеч қачон меҳриннга тўймайди.
Китобдай сехрли сўз йўқдир,
ўзлигинг англатмай қўймайди,
Китобга бегона бўлганлар,
ўзидан бегона бўлгайдир.



ИБРАТ ОЛГИН

Ўғлим Шокиржонга

Интернет тармоғида елим халтадан ўзига спорт кийими тайёрлаб, кийиб олган афгон боласини кўриб, тўғриси, юрагим ачиб кетди.

Ўзгалардан ибрат олиш йўқ бебурдда,
Яхши кунга шукур қилмай ҳаддан ошар.
Болажоним, олисдаги нотинч юртда
Қанча сендай болакайлар ғамда яшар.

Қорни тўймас, бурда нонга зор, оч-нахор,
Усти юпун, бошпанаси йўқ, бехузур.
Болажоним, сенинг тўртта фаслинг баҳор,
Яратганга такрор-такрор айла шукур.

Отанг бўлиб тўрт ёнингда борман тоғдай,
Бундай тоги қулаб кетган шўрликларнинг.
Онанг туар атрофингда кўркам боғдай,
Бундай боги қуриб битган шўрликларнинг.

Ибрат олгин, бўлма ақли калталардан,
У жонлардан баҳту омад юрибди чет.
Қара, кийим кийган елим халталардан,
Эгнингдаги кийимингнинг қадрига ет.

Сен Ботирнинг ўғлимисан, ҳар жиҳатда
Мардлик сари йўналтиргин жон-жисмингни.
Сен туғилгач, отажонинг пок ниятда
Шокир қўйган, шукур қилсин деб исмингни.

Болажоним, шукур қилиб яша ҳар он!

СҮНГИ ҚҮНФИРОҚ

Жаранг бир хил, аммо таъсир турфа ҳол –
Биринчи қүнғироқ, сүнгги қүнғироқ!
Кеча ёқимлигим бугун сал малол –
Биринчи қүнғироқ, сүнгги қүнғироқ!

Юракларда ажиб ҳадик, ҳаяжон,
Бир ҳолим нурафшон, бири паришон,
Шириң дийдор билан, аламли ҳижрон –
Биринчи қүнғироқ, сүнгги қүнғироқ!

Салом деб келганим, хайр мактабим,
Болалигим кечган сайд мактабим.
Бир куйи баҳт, бири битмас дард қабим –
Биринчи қүнғироқ, сүнгги қүнғироқ!

Гоҳ тошади, гоҳо бўшашар билак,
Қўнғироқдек титрар кўксимда юрак,
Бири шодон, бириси маъюс тилак –
Биринчи қўнғироқ, сүнгги қўнғироқ!

Биз гулмиз, кун кунга узатгувчидир,
Вақт суяр тартибни, тузатгувчидир.
Аввал кутиб, сўнгра кузатгувчидир,
Биринчи қўнғироқ, сўнгги қўнғироқ!

Жарангингда туйдим дуонинг кучин,
Ялиниб тур, порлоқ келажак учун,
Чалиниб тур, порлоқ келажак учун,
Биринчи қўнғироқ, сўнгги қўнғироқ!



ОНА ЕР

Адашмасам, 2017 йил баҳор фаслининг бошлари эди. Бир ҳафта давомида ҳар куни икки-уч марта ер қимирлади. Уй шифтидаги қандил шарақа-шуруқни бошлиши билан ҳаммамиз ўзимизни ташкарига урадик. Бу ҳолдан кўрқиб қолган қизим Зайнаб ҳадик тўла кўзлари жовдидраб савол берди: «Дадажон, ер нега бунчалик кўп қимирляяпти?».

Титрамоқда тинмай она ер,
Деманг зинхор аёз, қишлоардан.
Титратмоқда тинмай она ер,
Бўлаётган совуқ ишлардан.

Айбламайлик шайтону жинни,
Бунда йўқдир унинг гуноҳи.
Титратмоқда она заминни
Норасида гўдаклар охи.

Билмам, шу дам нафсга бериб зеб,
Ватанини кимдир сотгандир.
Тутдай тўкай шундайларни деб,
Ер ҳам тез-тез титраётгандир.

Қаердадир ноқобил фарзанд
Отасига кўтаргандир қўл.
Шундан балки титраш билан банд,
Замин шундан титрамишдир мўл.

Оналарнинг тинглаб оҳини,
Беун уввос солаётгандир.
Жоҳилларнинг тоғ гуноҳини,
Кўтаролмай қолаётгандир.

Шум аёллар баҳт учун локайд,
Фаҳшийликнинг мавжидадирлар.

Билмам, қанча эркаклар шу пайт
Ваҳшийликнинг авжидадирлар.

Бузилмоқда ҳаттоки тушлар,
Елқага хафв ортқиламоқда.
Турфа низо, ҳар хил урушлар,
Ер бўғзидан тортқиламоқда.

Алғов-далғов бўлмоқда олам,
Куримоқда меҳр булоги.
Титрайди ер, одамни одам
Титрамасдан ўлдирган чоғи.

Сўзим кимнинг тегар гашига,
Ё кимгадир бўларман кулгу.
Ернинг тинмай қимирилашига
Мен ожизнинг тахминлари шу.

Гапирмадим тилни ниш қилиб,
Дедим, Ерга озор етмасин.
Жаҳолатдан безиб, ишқилиб,
Ўз ўқидан чиқиб кетмасин!



БОЛАЛИК

Үттиз саккиз йилим – үттиз саккиз тоғ,
Ортимда қолмоқда оқлик, қоралик.
Кеча энг яқиним бугун энг узоқ,
Йилларим болалик, йўлим – болалик.

Остона ҳатласам – кўча бечора,
Ҳамма ўзи билан ўзи овора.
Бугун қурғоқ дала, кечаги бола,
Ёмғирим – болалик, дўлим – болалик.

Йўқсан, узоқларга узо-о-о-к термулиб,
Иzlайман хаёллар ичра кўмилиб.
Бугун ғамларга ғарқ, кеча чўмилиб,
Уст-боши шалаббо, хўлим – болалик.

Аламлар суйкалар қучогин очиб,
Қуёш ҳам нур тутмас, қаҳрини сочиб.
Офтобда қолдириб кетдинг-а қочиб,
Салқиним – болалик, сўлим болалик.

Рости, ташвишлардан жудаям толдим,
Узр, бирозгина вақтингни олдим.
Кеча сойда эдим, сахрова қолдим,
Дарё болалигим, кўлим – болалик.

Катта бўлмоқ завқи айлабон асир,
Улғаймоққа шошиб елибман зир-зир,
Қадрингни билмаган Ботирни кечир,
Эх, ўзимнинг содда, гўлим – болалик.



ОТА ҲАСРАТИ

Кекса отахон қўл телефонини кўрсатгани устахонага кирибди. Устанинг саломига алик оларкан:

– Шу десанг, манави қурғур ишламай қолди, шуни бир кўриб бер, тузалса, тузатиб бер, болам, – деб телефонини узатибди. Уста уни обдан текшириб:

– Ота, телефонингиз бузилмаган, мана, бинойидай ишлаб турибди-ку, – дея ўз телефонига ундан кўнғироқ қилиб, исботлаб ҳам берибди.

Телефонини қайтиб олиб, устахонадан чиқаркан, отахон ўз-ўзига ғудраниб дебди:

– Нега унда болаларим менга кўнғироқ қилмайди?

Хабар олгин қўлларинг бўш пайт, болам,
Бўлма кекса жонимга лоқайд, болам.
Ойда бир сим қоқмасанг бу қутининг
Менга нима кераги бор, айт, болам?!

Ортиб келолмасанг бола-чақангдан,
Келмадинг, деб олмагайман ёқангдан.
Ҳар кунмас, ҳафтада бир бор йўқлаб тур,
Ҳар лаҳза дуода бўлай орқангдан.

Жон омонат бўлиб борар кун сайин,
Софиндим, кел, юз-кўзингдан ўпайн.
Ҳеч бўлмаса фарзандларингни юбор,
Сал қийналиб қолдим онангдан кейин.

Улгайтирдим сени топиб минг илож,
Бошим узра кўтарганман мисли тож.
Сенга паноҳ бўлган тогдай бу кўксим
Бу кун энди меҳрингга жуда муҳтож.

Эзгуликни йўлларингга чироқ қил,
Кел, бир зумга ёлғизликдан йироқ қил.

Эртага борманми, йўқми, билмайман,
Овозинг эшитай, бир қўнгироқ қил.

Хабар олгин қўлларинг бўш пайт, болам,
Бўлма кекса жонимга лоқайд, болам.
Ойда бир сим қоқмасанг бу қутининг
Менга нима кераги бор, айт, болам?!



ОНА ҲАСРАТИ

Отасиз болаларини уйда қолдириб, тирикчилик дардида
узокларда ишлаб, соғинчда қийналиб юрган оналар ҳасрати

Турфа қисмат, турфа пешона,
Тақдир айёр, тақдир жуда шум.
Кимлар учун соғинч бегона
Ва кимлардир соғинчга махкум.

Кўлим ишда, хаёлим сизда,
Яратмасин экан онани.
Деманг, бизнинг тақдиримизда
Ором қани, ҳаловат қани.

Тўлдирай деб эзилар бағир,
Бир кам дунё сира тўлмайди.
Тирикчилик ўлимдан оғир,
Сизлар борсиз, ўлиб бўлмайди.

Сизларни деб овора, сарсон,
Ҳатто ёзда қишлиб юрибман.
Бирорлардан кам қилмай дебон,
Олисларда ишлаб юрибман.

Болажоним, бу миннат эмас,
Ҳасратлардан оғриниб кетдим.
Менга меҳнат ҳеч заҳмат эмас,
Фақат сизни соғиниб кетдим.

Ҳам отаман, ҳам онаман деб,
Эртангизни ўйлаб куяман.
Аёлман деб бермам ўзга зеб,
Суйсам фақат сизни суяман.

Яратгандан сүрайман шу тоб,
Соғинчларга бўлмайин болиш.
Она учун экан зўр азоб,
Болани тинч катта қилволиш.

Келажакка умид boglab, bas,
Юрт корига бўлинг синмас бел.
Бу дунёда армоним қолмас,
«Отангизга раҳмат», деса эл.



ЁШЛИГИМ

Қишлоғимга, ниҳоят, қайтдим,
Мусоғирлик кийимин ечиб.
Соғинчимнинг қўшиғин айтдим
Баландпарвоз сўзлардан кечиб.

Нақл борки, қанча боқсанг ҳам
Бўри ўрмон ичра боқади.
Шаҳар эмас, шу қишлоққинам
Менга жуда-жуда ёқади.

Тор кўчалар, пастак деворлар,
Менга азиз эди-я қандай,
Туюлади манов чинорлар
Ёшлигимни қайтиб бергандай.

Тойчоқ қилиб тут шохларидан
Тупроқларга кўмилар эдик.
Қочиб офтоб нигоҳларидан
Лойқа сувда чўмилар эдик.

Кечалари хаёл бир муддат
Қўзламасди сира олисни.
Ўшанда мен ўйлардим фақат
Толпопуклар таққан Холисни.

Тинмасдик ҳеч, вақтнинг беомон
Совурадик кўкка кулини.
Сакрардик, кор ёғяпти, дебон
Шамол тўйса ўрик гулини.

Ёшикда биз нонни «нанна» деб,
Яланг оёқ кезардик саёқ.
Энди эса нонни танлаб еб,
Энди офтоб кўрмайди оёқ.

Ана, ўша биз ўйнаган бог,
Энди унда ўғлим изчаси.
Ўйнар, ана попукли – қувноқ
Холисимнинг жажжи қизчаси.



ГАР НОЛИСАК...

Зулмат ичра ўтар менинг туну куним,
Мен ҳам сиздай кўргим келар ой-куёшни.
Лек Тақдирдан нолимасдан яшайман жим,
Фарёд солиб, тошга урмам азиз бошни.

Шукур дейман, оёқ-кўлим саломатдир,
Гар нолисам, бу Худога маломатдир.

Минг бор шукур, кўкка етар бўйларимиз,
Хар кун тўйга уланмоқда тўйларимиз,
Тирик жоннинг ризқин берар қодир Худо,
Элга тинчлик сўрар дуогўйларимиз.

Неъматларнинг энг яхшиси ҳаловатдир,
Гар нолисак, бу Худога маломатдир.

Тўрт ёнимда топганим чин ёру дўстлар,
Билинмайди унча-мунча каму кўстлар.
Фарзандларим қулгусини эшитсам бас,
Хотиржамман, кўрмаса ҳам майли кўзлар.

Қалбинг билан кўриш ҳам бир кароматдир,
Гар нолисам, бу Худога маломатдир.

Кимга эрта, кимгадир кеч келгай даврон,
Кимларгадир бу кунлар ҳам бўлган армон.
Синовларга сабр қилмоқ қандай гўзал,
Шунда ўзи қўллар бизни буюк Раҳмон.

Шукур қилмоқ мўминликдан аломатдир,
Гар нолисак, бу Худога маломатдир.

Тақдирим шу, не қилса бош эгадирман,
Ношукурга балки тошдай тегадирман.
Кўзим ожиз бўлса ҳамки, меҳнат билан
Санъат ичра ўз ўрнимга эгадирман.

Кўрмай туриб, дунё кезиш тароватдир,
Гар нолисам, бу Худога маломатдир.

Рози бўлинг, дўстлар, гўзал ҳаёт учун,
Бу дунёга ечим бўлинг, бўлманг тугун.
Дунё шундай, оқшом кўрган одамингни
Қайтиб кўрмай қолишилик ҳам мумкин бугун.

Тирикликнинг ўзи ҳам зўр мукофотдир,
Гар нолисак, бу Худога маломатдир.



МЕХНАТ

Менинг онам меҳнат,
Менинг отам меҳнат.
Меҳнат дегани – мен,
Менинг болам меҳнат!

Меҳнат – менинг орим,
Меҳнат – менинг борим.
Мен уни севаман,
Меҳнат менинг ёрим!

Гўштим меҳнат эрур,
Пўстим меҳнат эрур.
Юзим ёруғ этган –
Дўстим меҳнат эрур!

Меҳнат деса шайман,
Захримни сочмайман!
Агар ўлдирса ҳам
Меҳнатдан қочмайман!

Меҳнат бу фарзимдир,
Ҳеч битмас карзимдир.
Меҳнат пок яшаш-чун
Худога арзимдир!

Меҳнат-ла тўғриман,
Юраги чўғлиман,
Мени меҳнат туқкан –
Мен унинг ўғлиман!



БИЛГАНЛАР

Мангу тирик зотга айланди,
Худо ўзи азиз қилғанлар.
Йирик-йирик зотга айланди,
Зарраларни илғай билғанлар.

Кимдир пусиб омонлик топди,
Кимдир нафс деб ҳар ёнга чопди.
Елкасини вактида ёпди
Дарраларни илғай билғанлар.

Күп чинорлар бўлдилар ўтин,
Ёниб сўнгра бўлдилар тутун.
Лек юрибди ҳануз бус-бутун
Арраларни илғай билғанлар.

Оғир йўллар босдик бегумон,
Ярим йўлда қолди қанча жон.
Етиб келди бу кунга омон
Марраларни илғай билғанлар.



БАХТ

Мұҳаббатим топмоқда якун,
Кувончимга берилди барҳам.
Дийдам қотди ҳаётдан бу кун,
Кўзларимга ёш бўлгин, Шабнам!

Томиримда оқади армон,
Танамда қон қолмади бу чоғ.
Сўнгти дамда кўтарай исён,
Менга қон бўл, Лолақизғалдоқ!

Ишқнинг тафти куйдирмади ҳеч,
Ёр истамас бўлмоққа сирдош.
Кел, фалакдан жиловингни еч,
Мени куйдир, ёндиргин, Куёш!

Севги мендан ўтиromoқда юз,
Бўлсам ҳамки бу туйғуга қул.
Баҳоримга чанг солгин, эй Куз,
Бундан кўра сўлганим маъқул!

Эй Шамоллар, бўлмангиз баҳил,
Сўнгти бор бир орзуга етай.
Чанг-тўзонлар кўтаринг оғир,
Мен тупроққа қўшилиб кетай.

Гумбурла, эй Момақалдириқ,
Чақмоқ, чақна, йиртилсин фалак.
Элга аён бўлсин бир жумбок,
Менда ҳам бор йиртилган юрак.

Эй Ёғирлар, ёғинг тинмасдан,
Тупроғимни сувларга чайинг.
Вафосиз ёр учун ҳам қасддан
Майса бўлиб униб чиқайин.

Ёр йүлини бурсин мен томон,
Күриб, майли, бўлайин караҳт.
Майли, қўйсин қўксимга товон,
Эзид ўтса, шу ҳам менга Баҳт!



МЕН СЕНИ ЯХШИ КҮРАМАН!

Японияда кучли зилзиладан сўнг қутқарувчилар вайроналар остидан бир аёлни топиб олишди. У чўк тушиб, гўё саждага бош кўйгандек кўринарди. Қутқарувчилар бошлиги бир амаллаб қўлини хароба тиркишлари орасидан тикиб, уни ушлаб кўрди. Афсуски, аёл аллақачон жон берган экан.

Бошлиқ жамоасини бошқа вайроналар сари бошларкан, негадир мук тушган аёл қиёфаси кўз ўнгидан кетавермади. У ички сезигига бўйсуниб, яна ўша вайронага қайтди. Тиркишлардан бирини каттароқ очиб, жасадни яхшилаб кўздан кечириш учун қаради. Қаради-ю, «Чақалок, чақалок бор экан!» деб бакирди. Жамоа бошлигининг ҳайқириғини эшитиб, ҳамма у томон югурди. Қутқарувчилар бетон уюмларини четга суриб, аёл жасади остида гулли чойшабга ўралган уч ойлик чақалокни олдилар. Шўрлик она уйи қулаётганда зурриёдини ўз гавдаси билан тўсиб қолган экан. Чакалоқ барчасидан бехабар, осуда ухларди.

Шифокорлар гўдак саломатлигини текшириш учун чойшабни очганда, уяли алоқа телефонини кўрдилар. Воеа гувоҳи бўлган одам борки, телефон экранидаги ёзувни ўқиб, беихтиёр йиғлади. Телефонда шундай сўзлар ёзилганди: «Болам, агар тирик қолсанг, ёдингда тут, мен сени яхши кўраман!».

Қочолмаймиз, биз – қисматга тутқун,
Кўкка етса бас, шу битта нолам.
Гар тирик қолсанг, ёдингда тутгин,
Мен сени яхши кўраман, болам!

Қисмат одамга қўйилган тузоқ,
Шу тузоққа биз илиндик бу чоғ.
Мен учун ҳам сен яшагин узоқ,
Мен сени яхши кўраман, болам!

Гар тирик қолсанг, баҳтларга тўлгин,
Мен етолмаган иқболим бўлгин.

Чин инсон бўлгин, зўр олим бўлгин,
Мен сени яхши кўраман, болам!

Менсиз ҳам кўргин кўп эъзоз, ухла,
Йиғлама, қилмай эътиroz, ухла,
Мен мангу ухлай, сен бироз ухла,
Мен сени яхши кўраман, болам!

Ҳеч кимим йўқ, деб айта кўрмагин,
Мен ёнингдаман, қайда бўлмагин.
Бундай офатни қайта кўрмагин,
Мен сени яхши кўраман, болам!

Сен қуёшдай кул, мен ойдай ботай,
Янги тонг бўлиб сени уйғотай.
Яхши инсон бўл, гўрда тинч ётай,
Мен сени яхши кўраман, болам!



ГУЛ ЭДИМ

Кейинги пайтларда ҳали балоғат ёшига етмаган қизларни эрта турмушга бериб юбориш холатлари тез-тез учраб турибди. Бунинг оқибати чиндан аянчли эканига юзлаб мисоллар келтириш мүмкін. Қуйида сизларга ҳавола этмоқчи бўлган шеър отасининг қистови билан 16 ёшга тўлиб-тўлмай узатилган ва охир-оқибат нобуд бўлган қизнинг ноласи.

Гул эдим, боғимдан эрта уздилар,
Мурғак ҳаётимнинг қасрин буздилар.
Орзу-ҳавасларим дунёча эди,
Бўғзимга нопоклар қўлин чўздилар.
Гул эдим.

Тонгларни шом қиласар нафс бандалари,
Элни бадном қиласар нафс бандалари,
Кўз ёшни шаробдай қуиб ичмоқقا –
Кафтини жом қиласар нафс бандалари.
Гул эдим.

Она – оптимдаги овворагинам,
Йигидан кўз ёши фавворагинам,
Тақдирим ўнглашга минг бор уриниб,
Эриша олмаган бечорагинам.
Гул эдим.

Мен нетай, ҳаётга бокиб улгурмай,
Бахтсизман, баҳт шамин ёқиб улгурмай.
Қумлоқларга сингиб қуриди қанча –
Жилғалар сой томон окиб улгурмай.
Гул эдим.

Дилимдан отилиб чиколмас фарёд,
Сир бўлган севгимни қилдилар барбод.



Ҳақли эдим, севган ёрим васлига,
Етмадим, ёмонлар дастидан минг дод.
Гул эдим.

Бахтимни сотдингиз, жон отажоним,
Гуноҳга ботдингиз, жон отажоним.
Ҳаёт ато қилиб, сўнг хато қилиб –
Қайларга отдингиз, номеҳрибоним?
Гул эдим.



МИНГ РАҲМАТ!

Қайғу улашишда хотамтой Дунё,
Хали бисотида кўпдир ситамлар.
«Бу дунёда агар, – демиш бир даҳо, –
Чанг бўлмаса, минг йил яшар одамлар».

Менга керак эмас минг йиллик ҳаёт,
Балки ортиқчадир ўндан бири ҳам.
Бўлмасам минг йилнинг бир кунида шод,
Ўн асрга қайдан топаман чидам?!

Борига шукур-ей, чангу ғуборнинг,
Серғалва умримга қайраб турар тиш.
Ахир осон эмас бевафо ёрни
Минг йил унутолмай ўрганиб юриш.

Не ўзгарап минг йил шу танам савил,
Руҳимга юк бўлиб юраверса жим.
Нега керак ахир ғанимнинг минг йил
Ғийбат қозонида қайнаб яшашим?!

Бу кун қадру қиммат бўғизланган вакт,
Етмиш ёшли ота фарзандга мазах.
Шу тобда минг ёшни кўзлар қай бадбахт
Ва кимга керакдир минг йиллик дўзах?

Минг ёшга кирмоқни баҳт десалар, о,
Мен воз кечар эдим айнан шу баҳтдан.
Иzzатим борида кетганим аъло,
Кетган яхши қадрим нураб битмасдан.

Яхшиям, баҳтимга мавжуд чанг-ғубор,
Йўқса, ҳолим яна бўлар эди танг.
Ўзингга минг қуллук, эй Парвардигор,
Сенга ҳам минг раҳмат, баракалла, Чанг!

ҚИЗ УЗАТИШ

Күнгилдаги энг ширин аҳд –
қиз узатиш.

Аҳдга етмок учун зўр шаҳд –
қиз узатиш.

Одамзотда интилиш бор
орзу сари,
Манглайда бор яна бир нақд –
қиз узатиш.

Инсон яшар қанча-қанча
вақтлар кечиб,
Вақтлар ичра энг гўзал вақт –
қиз узатиш.

Ўз кўнглингнинг боғи ичра
ўсиб, бир кун,
Ўзга бокқа кўчар дараҳт –
қиз узатиш.

Бу дунёниг тахтин истар
киши билсин,
Одам учун энг баланд тахт –
қиз узатиш.

Ботир, бағринг тарқ этмоғи
шарт бўй етгач,
Энг, энг, энг, энг оғрикли баҳт –
қиз узатиш.



ЎЗГАРИБ КЕТДИ

Учрадинг-у менга бир бор, эй гўзалим,
хәётим ўзгариб кетди.
Мухаббат мадҳин айтарда куй, ғазалим,
баётим ўзгариб кетди.

Бир кўришда кўнглим олдинг ё сеҳрлаб,
ё атай кетдинг ўғирлаб,
Сенинг ёнингга учмоққа хаёл отли –
қанотим ўзгариб кетди.

Яна бир бор учрашишни зор кутарман,
кўрмасам қандоқ ўтарман,
Кутмоқ учун йўқ бардошим, нетай сабру
саботим ўзгариб кетди.

Согинч билан нома ёзсан жоним бериб,
шам мисоли эриб-эриб,
Кўнгил учун бир сатр ҳам парим юрмас,
довотим ўзгариб кетди.

Ҳижронингни енгиб бу кун Ботир бўлдим,
севилмоққа қодир бўлдим,
Исмингга мен ғазал ёзиб, гўзал, ёзиб –
саводим ўзгариб кетди.



НЕ БАХТ...

Не бахтки, тақдирнинг қалам
ҳам қоғози биланман,
Дил торимни созлаб,
маърифатнинг сози биланман.

Адабиёт одобин ёд айламоқ
чин мақсудим,
Гоҳи ошкор, гоҳи мавҳум,
гоҳи рози биланман.

Бу гӯшада жамулжамдир,
завқи тенг катта-кичик,
Faфлат аёзи биланмас,
хикмат ёзи биланман.

Навоийнинг навоси бор,
Ҳофизнинг хонишлари,
Шоҳ Бобурнинг Ҳинддан келар
хуш овози биланман.

Фузулийнинг файзи бунда,
камтар лутфи-ла Лутфий,
Румий каби аслиятда
улуг қози биланман.

Хайёмнинг бир рубоийси,
минг айёмга сабабдур,
Китоб – қадаҳ, май ғазалдур,
ишик мижози биланман.

Нуқиб Машраб асоси-ла
асослар халққа Ҳақни,

Нетай, гоҳи Маҳмудхондай
Балҳ дорбози биланман.

Гёtedan сўз бошланиб,
тугар гоҳо Пушкинда,
Тарихнинг бир олам нурли
пойандози биланман.

Бадиҳалар ёзилганда
устозларга дил боғлаб,
Эркин Воҳид, Абдуллонинг
шўх парвози биланман.

Бул ижод, Соқий Ҳаётнинг,
боқий шеърият учун –
Айлаган ниёзи бўлса,
шул ниёзи биланман.



ОНА

Она, кўпдир сизни ранжитган пайтим,
Мен каби нотавон, саркашдан узр.
Гоҳо сиздан азиз бўлди бир байтим,
Гоҳ сизни унутиб, изладим хузур.

Тақдир тўпдай тепди, айблайман кимни,
Учиб сиздан анча узоққа тушдим.
Сизнинг пойингизда турган баҳтимни,
Ўз пойимдан излаб тузоққа тушдим.

Йўлак бўлсам арзир йўлингизга мен,
Аммо корингизга қачон ярадим.
Бошимни силаган қўлингизга мен,
Дастхатга чўзилган қўлдай қарадим.

Кишлоқда дуодан эзгу ўй қилиб,
Пойтахтда баҳт қасрим куриб қўйибсиз.
Ҳар йил пахта териб, ҳар йил тўй қилиб,
Пайғамбар ёшига кириб қўйибсиз.

Ўзимча кўчада бекман, тўраман,
Лек сиздан қувончни аритган мениман.
Ўзимни жудаям ёмон кўраман,
Она, сизни эрта қаритган мениман.

Нега тиз чўкмоқни кўрмаяпман эп,
Ахир сизсиз менинг шону шаъним йўқ.
Юрибсиз, ўғлимни эл танийди деб,
Мен ҳали ўзимни таниганим йўқ.

Етар, сиз томонга юрмас қадамнинг,
Изини тиндириб ташлайман, она.
Етар, мадҳингизни ёзмас қаламни,
Керакмас, синдириб ташлайман, она.

ЭЙ ТОНГ!

Дарё мавжи етсин соҳилигача,
Зухро етмок учун Тохиригача.
Эй тонг, мени уйғотиб юбормай тур,
Тушимни кўрайин охиригача.
Эй тонг!

Ҳаёт асли айрилиқдан иборат,
Ҳеч йўқ тушда қурай ишқий иморат.
Эр-йигитнинг туши ўнгга ишорат,
Тушимни кўрайин охиригача.
Эй тонг!

Уйғонсам, шуълангнинг майин сасида,
Сандиқ қолиб кетар сув ўртасида.
Улар учрашсинлар баҳт ўрдасида,
Тушимни кўрайин охиригача.
Эй тонг!

Зухрони деб, шўрлик сандиқда ётири,
Уйғотма ёрига етгунча Тохир.
Қоработир бўлиб қолмасин Ботир,
Тушимни кўрайин охиригача.
Эй тонг!



ЎЗИНГ ЎЗГАРМАСАНГ – ОЛАМ ЎЗГАРМАС

Чархи дунё айланар ўша-ўша,
Манзил томон шайланар ўша-ўша,
Дилга мос дил сайланар ўша-ўша,
Аҳволим ўнгланмас, деб нолима, бас,
Ўзинг ўзгармасанг, олам ўзгармас!

Янгиланаар ҳар кун бу эски ўлан,
Бир чалпак ёғилмас кўқдан, минг тилан!
«Алмийсок»да аҳдлашганмиз Ҳақ билан,
Сиёҳ қуриб бўлган, қалам ўзгармас,
Ўзинг ўзгармасанг, олам ўзгармас!

Ҳаёт гўзал, кезай десанг кезгулик,
Бахтлар талай, сезай десанг сезгулик,
Борар еринг ёвузлики, эзгулик,
Йўллар кўпdir, аммо кадам ўзгармас,
Ўзинг ўзгармасанг, олам ўзгармас!

Гоҳо ростинг, гоҳ ҳазил-хузулинг бор,
Дунё шундай – гоҳ дард, гоҳ хузуринг бор,
Бир ўзингнинг минг нуқсон, қусуринг бор,
Касаллик турфа хил, малҳам ўзгармас,
Ўзинг ўзгармасанг, олам ўзгармас!

Кўзингни оч, майли, хечдан кўра кеч,
Ўз дилингнинг тугунларин ўзинг еч!
Ўзгартиromoқ истамни оламни ҳеч,
Дейсан куйиб, нега нолам ўзгармас,
Ўзинг ўзгармасанг, олам ўзгармас?!

Мехрли бўл, бўлсин ишқдан дилинг чўг,
Мехр текин, муҳаббатнинг нархи йўқ,
Ботирмисан, ким бўлсанг ҳам фарқи йўқ,
У-бу дема, у ҳам, бу ҳам ўзгармас,
Ўзинг ўзгармасанг, олам ўзгармас!

ФАСЛЛАР ЖАНГИ...

Кузнинг сарық рангин гуппа-гуппалаб,
Туни билан оқقا белаб чиқар қор.
Қилмаса ҳам ҳеч ким бу ишни талаб,
Кун келгач, қорни ҳам эритар баҳор.

Баҳорни саратон ёқиб муттасил,
Кузга тутар яна олам олтинранг.
Түрт буюк саркарда мисол түрт фасл,
То қиёмат қадар қиласар шундай жанг.



ТОҒЛАР

Баҳор келганида яшнаб бетиним,
Куз келғач, хазонга айланар боғлар.
«Донолар дунёни кузатарлар жим»,
Индамай яшайди донишманд тоғлар.

Хасталар инграйди, хорман, деб хасдан,
Беҳад ҳаддан ошар ношукур соғлар.
Миллион йил ўтса ҳам пинак бузмасдан,
Индамай яшайди донишманд тоғлар.

Йўқсиллар тинмайди бор бўлмоқ учун,
Борлар истаганча қўнглини чоғлар.
Қордан бағри бутун, селдан бағри хун,
Индамай яшайди донишманд тоғлар.

Висолдан, ҳижрондан ўртанар ошиқ,
Булбулга ҳasadни бас қилмас зоғлар.
Арслону жайронга тенг бағри очик,
Индамай яшайди донишманд тоғлар.

Жилғалар қўшилгач тошар сой бўлиб,
Нодонлар жам ерда қазилар чоҳлар.
Лолага, янтоққа бирдай жой бўлиб,
Индамай яшайди донишманд тоғлар.

Улардан ибрат ол, қудрат ол ҳар дам,
Ботирсан, бир ғамга чекма минг оҳлар.
Бошида чақмоқлар килич чопса ҳам,
Индамай яшайди донишманд тоғлар.



МУҲАББАТ ВА АҚЛ

*Муҳаббатнинг биринчи нафаси
ақлнинг охирги нафасидир.*

Антони БРЕД

Кун сал ёнбошласа, хуруж қилас тун,
Қайғу пайдо бўлса, ғойибдир шодлик,
Муроса бор жойга йўламайди хун,
Хиёнат бор жойда бўлмас ободлик.

Баҳорнинг ўрнини эгаллади Ёз,
Қароқчи Куз кутар Ёз карвонини.
У олтин ранги-ла айласа пардоз,
Киш келар Кузакнинг сўраб жонини.

Демакки, ҳар ненинг кушандаси бор,
Булар хусусинда элда кўп нақл.
Нафс гули гулласа сўлар гули ор,
Муҳаббат туғилса, ўлади Ақл.

Бу туйғу ҳукмрон бўлган кўнгилда,
Ақлга заррача қолмайди тоқат.
Булбулнинг хаёли ҳамиша гулда,
Унга телба бўлиб яшамоқ роҳат.



КИМ БҮЛДИМ?

Үзингсан азалий, абадий борим,
Тақдириң олдида фақат жим бўлдим.
Марҳаматинг чексиз, Парвардигорим –
Кеча ким эдим-у, бугун ким бўлдим?

Қанча қилганларим бўлгач бесамар,
Хатто яқинларим ҳазар қилдилар,
Сен назар қилгандинг, назар қилдилар –
Кеча ким эдим-у, бугун ким бўлдим?

Меҳнатим рўёбга ошиб турибди,
Дўстлар қирғоғидан тошиб турибди,
Нигоҳлар мен томон шошиб турибди,
Кеча ким эдим-у, бугун ким бўлдим?

Тунлар ўтмишимга бўйлаб қоламан,
Гоҳ фарзандларимга сўйлаб қоламан,
Ё ширин тушми, деб ўйлаб қоламан,
Кеча ким эдим-у, бугун ким бўлдим?

Кудратинг олдида таслимман, қулман,
Ҳимматинг олдида бир ҳовуч кулман,
Сен қўллаб турмасанг бир чақа пулман,
Кеча ким эдим-у, бугун ким бўлдим?

Адаштириб қўйма тўғри йўлимдан,
Доминг ушлаб юрсин икки қўлимдан.
Шукур, омад бердинг ўнгу сўлимдан,
Кеча ким эдим-у, бугун ким бўлдим?

Сен бердинг илкимда тутган боримни,
Энди доғлаб қўймай шаъним, оримни,
Унутиб қўймайин пойдеворимни,
Кеча ким эдим-у, бугун ким бўлдим?

Бошим осмондадир, меҳрим шу ерга,
Номардлик хос эмас исмики эрга,
Нафим тегиб қолди, минг шукур элга,
Кеча ким эдим-у, бугун ким бўлдим?

Менга хурмат бердинг, об қўймасанг бас,
Ҳадикда юраман ҳар зум, ҳар нафас,
Бугун қўплар менга қилмоқда ҳавас,
Кеча ким эдим-у, бугун ким бўлдим?

Бошимни эгаман Сенинг пойингда,
Бир умр турайин айтган жойингда,
Мастман бугун шундай баҳт саройингда,
Кеча ким эдиму, бугун ким бўлдим?

Тангрим, манманликни мендан узок қил,
Имонни нафсимга ҳар дам тузок қил.
Шу сўзни бир умр менга сўроқ қил –
Кеча ким эдим-у, бугун ким бўлдим?



АЁЛИНГИЗ

Дўстлар, камол тиласангиз,
камолингиз – аёлингиз,
Кўзгуга ҳеч боқманг, если
жамолингиз – аёлингиз.

Сизга боғлиқ унинг барча
аччиқ-чучук феъл-автори,
Гоҳи майин шаббода, гоҳ
шамолингиз – аёлингиз!

Дилингизда не-не савол
борки, унинг жавоби бор,
Лек дунёда бир бежавоб
саволингиз – аёлингиз!

Аёл – жумбок, бу жумбоқни
мардлар ечар севиб-севиб,
Йўқса, лазиз онлар увол,
уволингиз – аёлингиз.

Эсни йиғинг, кўча-кўйда
дайди қилмай хаёлларни,
Шу тақдирга кўнинг, ширин
хаёлингиз – аёлингиз.

Аллоҳ чевар, ҳар вужуднинг
ўзига мос либос бичгай,
Барча қилган яхши-ёмон
аъмолингиз – аёлингиз!

Эй ботирлар, Ҳақ сизга бир
ҳалол неъмат берган бўлса,
Унутмангиз, ўшал битта
ҳалолингиз – аёлингиз!

ХАБАРИНГ ЙЎҚ

Васлинг куни деб ёнса ҳам жони омонинг бор
ёrim, хабаринг йўқ,
Муштоқ бўлибон йўлингга ранги сомонинг бор,
асло назаринг йўқ.

Гулгун юзингга мафтун ўлиб қолмади тоқат,
кўнглимда фароғат,
Десамки, ёрит, мен каби зулмат осмонинг бор,
афсус қамаринг йўқ.

Сочинг торини боғлаб олиб жонима маҳкам,
мен ошиғи бекам,
Юрсам шодумон ўқ отди, қоши камонинг бор,
аммо зааринг йўқ.

Кундуз боқайин гул юзингга десамки такрор,
бўлганча умидвор,
Мундок қарасам, шоминг аён, ҳам хуфтонинг бор,
нечун сахаринг йўқ?

Нозинг алами жондан ўтиб қонга уланди,
сўнг айлади банди,
Ғамзанг майида жонни ўртовчи нордонинг бор,
қанду шакаринг йўқ.

Ҳолимни кўриб кетсин десанг, чиқиб жон каби,
чақсанг чаён каби,
Ёrim, Ботирни ўлдирмоққа минг имконинг бор,
гарчи заҳаринг йўқ.



ФИДОЙИЛИК

Соҳибини суйгувчи
кул – фидойилик,
Ўчогидан учмаган
кул – фидойилик.

Ҳар ким ҳам ўз ерин
обод этавермас,
Чаманини яшнатган
гул – фидойилик.

Йўқотгач ўз кўзи
очиб кўрганини,
Бошқа ёрни истамас
тул – фидойилик.

Исминг Ботир, бу
фидойи деганимас,
Жисминг ботир бўлгани
шул – фидойилик!



БОР БҮЛСАНГ...

Бўйинг Шоҳимардон тоғига қиёс,
Икки қошинг унда сакраган оху.
Икки юзинг бири ой, бири қуёш,
Бир кўзинг – Сирдарё, бириси – Аму.

Кипригинг тўрига илинар ҳар жон,
Дудогинг бол қайнар чашмага соҳил.
Зулфларинг нигоҳлар ўқига нишон,
Ипак йўли мисол узундир кокил.

Кўнглинг тоғ ҳавоси каби мусаффо,
Орзуинг ўхшали – беғубор оқ тонг.
Юрагинг соатдай урар бехато,
Тошкент курантидай кўксингдаги бонг.

Қадаминг етган жой – чаманзор, гулзор,
Хаёлларим унда мафтун капалак.
Сен йўқ жойлар – сахро, сен йўқ дам – озор,
Бор бўлсанг фалакман, йўқ бўлсанг йўлак.



ХОТИРА

Хотира – қалбимнинг тор хужрасида
Мудраб ётган кекса, улуғ мўйсафид.
Негадир баҳорнинг тонг нафасида
Уйгониб, борлигин қиласида таъкид.

Ногаҳон нотаниш жойлардан чиқиб,
Таниш қиёфалар учрайди гоҳо.
Ҳурлик келар ёққа илҳақ, кўз тикиб,
Интизор туроди Қодирий бобо.

Юрак типирчилар, раҳмимни емас,
Синиб кетгудайин кўксим қафаси.
Шўх эсган шаббода шаббода эмас,
У Усмон Носирнинг ўқсик нафаси.

Хотира – ўтмишнинг қайтиши деган –
Нафис ташбеҳлардан порлагувчи баҳт.
Хотира – тириклар нишонлайдиган
Ва руҳлар шод бўлар энг муборак вақт!



МАҚТАНАМАН...

Яратганга дейман шукур, боласиман шул онанинг,
Юзларидан тарапар нур, боласиман нур онанинг,
Алафларга ёт бўлган ул боласиман гул онанинг,
Ажинлари кўзларимга кўрингайдир мисли чаман,
Мен онамни мақтамайман, онам билан мақтанаман.

Маъюс тортса юрагимга аламларнинг тифи ботар,
Кулганида нигоҳида энг мунааввар тонглар отар,
Дуолари эртам учун дилда умидлар уйғотар,
Бағри Ватан, унга томон учадирман мисли саман,
Мен онамни мақтамайман, онам билан мақтанаман.

Имони соф, виждони пок, мустаҳкамдир зътиқоди,
Авлодга жонкуяр яна унутилмас аждод ёди,
Оналар бор, тилларидан шоди кириб, чиқар боди,
Ҳар сўзининг новвотлигин ўзи менга ғуруру шаън,
Мен онамни мақтамайман, онам билан мақтанаман.

Шукри бир он тўхтамайди, Ҳақ зикридан бир дам толмас,
Ношукурлар ҳасратини ўчиргайдир, қулоқ солмас.
Ботирларни туғиб қўйдим, деб ўзидан кетиб қолмас,
Ҳамма буни тан олади, ҳамма унга бергайдир тан,
Мен онамни мақтамайман, онам билан мақтанаман.



НАВРЎЗДА

Чехрасида күёш кулар
оламнинг Наврўзда,
Кўнглида баҳт гуллайди
ҳар одамнинг Наврўзда.

Турфа гулу кўчатларни
орқалаб саҳардан –
Боғбонлиги тутиб кетар
отамнинг Наврўзда.

Бошгинамни силаб дуо
қилсалар кўлидан,
Сумалакнинг иси келар
онамнинг Наврўзда.

Баҳор васфин куйласам гар
қўлимга соз олиб,
Авж пардаси кўтарилгай
ноламнинг Наврўзда.

Ўрик гулин шаббодаси
деразам очади,
Ўзгаради кўрки ҳовли,
хонамнинг Наврўзда.

Огоҳ бўлиб яшайди юрт
тинчидан Ботирлар,
Кўзларида кувонч порлар
боламнинг Наврўзда.



ҮРТАСИДА

Худо урган яшайди
нафс ўрдасида,
Худо суйган тож билан
тахт ўртасида.

Дард ўртаси даргоҳидир
ҳасадгүйнинг,
Ҳавас аҳлин хонаси
баҳт ўртасида.

Кимдир юз йил яшаб йўқдай
ва ё кимдир,
Асрларга татир оз
вақт ўртасида.

Жон фидолар аро кўплар
яшар, гўё
Чирмовуқлар ўсган
дараҳт ўртасида.

Сахийликда Хотамга дарс
берарлар бор,
Бахиллар бор доимо
накд ўртасида.

Ботирсан, Ҳақ йўлидан ҳеч
ортга қайтма,
Юрма ҳадик билан
караҳт ўртасида.



АЁЛ

Күмсиз сахрони ҳеч сахро деб бўлмас,
Сувсиз дарёни ҳеч дарё деб бўлмас,
Дунё аёл билан ёқимли, тотли –
Аёлсиз дунёни дунё деб бўлмас.
Аёл дегани бу – боғ тўла гулдир,
Аёл – азиз она, опа-сингилдир.

Жисмидан фарзандга жон ато этар,
Рўзғорим – борим, деб жон фидо этар,
Ёри жоним десин, боласи онам –
Захматни енгмоққа шу сўзлар етар.
Аёл дегани бу – гардсиз кўнгилдир,
Аёл – азиз она, опа-сингилдир.

Аёл ҳар юмушни дўндириб яшар,
Бошига баҳт қушин кўндириб яшар,
Уни ожиз демант, заифа демант,
Борни бор, йўғини йўндириб яшар.
Аёл дегани бу – ёруғ манзилдир,
Аёл – азиз она, опа-сингилдир.

Хусни кечаларни нурафшон этган,
Доим сабри билан муродга етган,
Яралган бўлса ҳам қовурғамиздан,
Бу кун жонимизга айланиб кетган.
Аёл бу дунёда ягона тилдир,
Аёл – азиз она, опа-сингилдир.



МЕНДАН КЕЙИН

Нолам шу – чекмасин болам
ранжу алам мендан кейин,
Икки олам түкмай жолам,
унсин лолам мендан кейин.

Яратганинг ҳукмин инкор
этиб, зинхор бўлмасин хор,
Узилмасин ҳидоятга
боғлиқ толам мендан кейин.

Хуркак имон мисли жайрон,
кетса кўнгил уйи вайрон,
Тун кўрмасин боламдаги
ёруг хонам мендан кейин.

Обод уйим, озод қуйим
бўлмасин бир уюм буюм,
Давом этса йўқдир даъвом
ўтли нолам мендан кейин.

Хўп хавотир яшар Ботир
кимки уни қилмас хотир,
Бало эмас, бола бўлсин
барча болам мендан кейин.



КЕЛУР

Садоқат ишқ оташида
жони омондан келур,
Хазон фасли хижронларда
ранги сомондан келур.

Жононларга бахт атодир
ул гариб жонлар сабаб,
Жонларга ҳам аслида жон,
үшал жонондан келур.

Ошиқ ахли рози барча
ишқий жабру ситамга,
Хокисорлик унга ердан,
кенглик осмондан келур.

Мұхаббатнинг шеваси ҳеч
миллату эл танламас,
Чунки у тилларда пайдо эмас,
Раҳмондан келур.

Нафс ўти қайнатмаса гар,
илохий ишқ чашмасин,
Ошиқларга бахт еру кўк,
ҳам тўрт томондан келур.

Севаман деб рост айтмоқлик,
ҳар кима ўлмас насиб,
Ботир, бу сўз фақат Худо
суйган забондан келур.



УҚУБАТ

Уқубат солиб бошларга,
Шайтон созини чалар,
Чүмилади күз ёшларга,
Нафсига қул кимсалар,
Дардлари пул кимсалар.

Хеч қачон рост сўйламас,
Эзгуликка бўйламас,
Юрт шаънини ўйламас,
Нафсига қул кимсалар,
Дардлари пул кимсалар.

Баҳоринг хазон айлар,
Севгингни арzon айлар,
Орзунг армон айлар,
Нафсига қул кимсалар,
Дардлари пул кимсалар.

Ўғлин қўшиб қулларга,
Қизин сотиб пулларга,
Оғу сепар гулларга,
Нафсига қул кимсалар,
Дардлари пул кимсалар.

Алданма, илондек чақар,
Огоҳ бўл! Сўзлари ёқар,
Одам сотиб, бола боқар,
Нафсига қул кимсалар,
Дардлари пул кимсалар.

Кечирса бўлар урса мушт,
Одамга хос ҳатто уруш,
Одаммасдир, одамфуруш –
Нафсига қул кимсалар,
Дардлари пул кимсалар.

АЁЛЛАР ЁМОН

Ширин хаёлимни түзгитар шамол,
шамоллар ёмон,
Билмам ёрим кимни суради хаёл,
хаёллар ёмон.

Янги ой эслатар ёрнинг қошини,
шўх қарошини,
Унинг икки қоши иккита ҳилол,
ҳилоллар ёмон.

Ой юзин оқ булат тўсган кечада,
кўрдим кўчада,
Ёрим юзларини тўсибди рўмол,
рўмоллар ёмон.

Севасизми, десам чиқиб йўлидан,
тутиб қўлидан,
Кўрқаман, жавобсиз қолса бу савол,
саволлар ёмон.

Аёл кўнгли нозик, ҳажрида ҳар кун,
бўлсам бағри хун,
Ошиқлигим унга келмасми малол,
малоллар ёмон.

Ёр бепарво ўтса айлаб хавотир,
кўрқмагин, Ботир,
Жим юриб жонидан севади аёл,
аёллар ёмон.



ЭЙ ГУЛДАҲАНИМ

Эй гулдаҳаним, васлинг учун майли берай жон,
хеч айламагин ноз,
шод бўлмасин ағёр,
Бир бокишингга ёзиб берай ғазалу достон
ҳам чалиб берай соз,
ҳам айтайнин алёр.

Ман ошиқ ўлиб, оҳ демадим хижронларингда
соғинчинг эзса ҳам,
қадримга ет, санам.

Ҳар дам сени деб ер бўламан, сен эса осмон,
гул юзингда пардоз,
менда қолмади ор.

Оҳ, зулфларингнинг торларига илиниб қолди
нетайки нигоҳим,
ё шуми гуноҳим?

Гар гуноҳ бўлса кечиргин-у, айла бенуқсон,
кўп кўнглим ичра роз,
сенга этай изҳор.

Яхши биласан, ошиқ дилим чашмаи зилол,
хоҳласанг ичиб юр,
истасанг кечиб юр.

Не десанг дегин, барчасига розиман, жонон,
қилмайман эътиroz,
ҳатто берсанг озор.

Кўксимни босиб юрагимда қолдир изларинг,
қадаминг менга баҳт,
аламинг менга баҳт.

Бил, Ботир учун севги улуғ, ошиқлик унвон
мехринг айлама оз,
бер кўлингни, дилдор.

СЕВГИ НИМА?

Севги нима, ҳар кимда турфа жавоб,
Қуёшнинг заминга боққани – севги.
Севги нима, қирларни қилгач тавоғ,
Жилғаларнинг сойга оққани – севги.

Севги нима, удир ҳарорат асли,
Севгидир ҳар дилга унинг юққани.
Севги нима, севги жасорат асли,
Нозик гиёҳ ерни ёриб чиққани.

Севги нима, кўксинг ичра пинҳона,
Ёр, деб уриб турган юрақдир севги.
Севги нима, севги меҳрибон она,
Ва унинг қўлида гўдакдир севги.

Севги нима, боғларга бўлиб чиммат,
Кўзларимни қувнатган севги – япроқ.
Севги нима, севги олтиндан қиммат,
Киндик қонинг тўкилган азиз тупроқ.

Севги нима, севги дилдаги чақин,
Севги – ширин туйғуларга ибтидо.
Севги – бизга ўзимиздан-да яқин,
Бизни севиб, севдирган қодир Худо!



МЕН СЕНИ СЕВАМАН

«Мен сени севаман», бу бир жумла, гап,
Учта сўздан ҳосил қилинган маъно.
Сананг, ўн тўрт ҳарф турибди саф-саф,
Ва унинг ортида мингта муаммо.

Мингта муаммони ҳал қиласа бўлар,
Барибир кўнгилнинг жоми тўлмайди.
«Мен сени севаман» дейилмаса гар,
Ишонинг, бу дунё дунё бўлмайди.



МАЛИКАЛАРГА ХОС

Дилни ёқишиларинг
маликаларга хос,
Қошлар қокишиларинг
маликаларга хос.

Мани ҳайронлигим
ғарибга ўхшайди,
Ўтли боқишиларинг
маликаларга хос.

Сани висолингга
етишмоқ осонмас,
Нозли чақишиларинг
маликаларга хос.

Нафис кафтларингни
хино билан безаб
Чизган нақшларинг
маликаларга хос.

Мани хаёлимни
тўлдириб сой каби,
Мағрур оқишиларинг
маликаларга хос.

Бош устига бир жуфт
товус патларини,
Гулдай тақишиларинг
маликаларга хос.

Ботирни ҳажрингда
кул бўлишин кутдинг,
Ёрим, хоҳишиларинг
маликаларга хос.

АХТАРАРМИШ

Ошиқлар висолга
имкон ахтарармиш,
Гүёки ойини
осмон ахтарармиш.
Жайроннинг йўлини
сайёд пойлагандай,
Ҳар ошиқ кўнгилни
ҳижрон ахтарармиш.
Ҳижрондан бу жонни
бардош асрагайдир,
Сабри йўқ ошиқни
гумон ахтарармиш.
Гумонлар юракка
солар ўз ғуборин,
Гард ҳам ўз-ўзига
макон ахтарармиш.
Ёрини изламоқ
Одам Атодандир,
Шундан ошиқ ёрин
ҳамон ахтарармиш.
Дардга нишон бўлдим,
йўқдир қоши камон,
Ҳануз нишонини
камон ахтарармиш.
Жонлар жононини
истармиш ҳар маҳал,
Жонларни ҳам ҳар он
жонон ахтарармиш.
Ҳижронлар ваҳмига
ўтмас Ботирлигинг,
Улар ишқ йўлида
курбон ахтарармиш.

КОКИЛЛАРИ ТОЛИМ-ТОЛИМ

Ёрим ортга қайтмай, аҳдидан қайтди,
Малол келганимни бемалол айтди.

Бегонамас, онамнинг юзи эди,
У тоғдаги тоғамнинг қизи эди.

Ўзим аҳмоқ, уруғ-аймоқни севдим,
Қаймоқ қолиб, момақаймоқни севдим.

Ёрнинг шундай аҳди аҳдсизлигидир,
Менсиз топган баҳти баҳтсизлигидир.

Рости, мени қилди оёқ ости ёр,
Мени оёқ ости қилди, рости, ёр.

Юзим қаро ёр холидай – ҳолим шу,
Кокиллари толим-толим – золим шу.

Ишқ бобида ўта хасис экан ёр,
Хасисликда мутахассис экан ёр.

Бебаҳралиқ билан мен баҳрамандман,
Балки шундай – бандалик билан бандман.

Аlam миниб олган хаёл отимга,
Эга чиқмоқчидай хаёлотимга.

Ношукурликмас, ўсмадай ўсмадим,
Тарихга тариқча ёлғон қўшмадим.

Ёрим ортга қайтмай аҳдидан қайтди,
Малол келганимни бемалол айтди.

БОШҚАСИ БЕКОР

Мани дардимга табибсанки,
сандан бошқаси бекор,
Малҳамингбоп бир хастаманки,
мандан бошқаси бекор.

Ёр ширин сўз айтса ошиқнинг
тунида тонглар отар,
Талхи ҳижрон они ширин
сухандан бошқаси бекор.

Билурман, жонима роҳатижондир
даргоҳинг ҳар дам,
Гулсевар булбул чаман дер,
чамандан бошқаси бекор,

Дерлар, булбулга афзалдур
тикон олтин қафаслардан,
Ман учун ҳам ўшал сан бор
Ватандан бошқаси бекор.

Манга ишқ мавжинг авж айла,
то вужудимда жон мавжуд,
Жонсиз жасадга бир энлик
кафандан бошқаси бекор.

Ботир юрак ҳам дарз кетар,
дарс бермасанг муҳаббатдан,
Муҳаббат асли олий фан,
бу фандан бошқаси бекор.



МУМКИН...

Сени севиб қолмоқлик мумкин,
Ёзиш мумкин васфингга ғазал.
Минглаб ошиқ ҳажрингда тун-кун,
Бўзламоғи мумкиндир, гўзал.

Сендан юриш мумкиндир йироқ,
Қилмаслик ҳам мумкиндир ҳавас.
Нафратланиш мумкиндир, бироқ
Эътиборсиз қолдириб бўлмас.



СОҒИНЧ НИМА ЎЗИ?

Соғинч нима ўзи, кўринмас тоғми,
Елкам узра менга оғир қарайди?!
Соғинч нима ўзи, ўткир тароқми,
Жон томирларимни тирнаб тарайди?!

Юрак йўқ кўксимда урган юракдай,
Бир кунда қадринг минг билиниб қолди.
Дарахтга илиниб қолган варракдай,
Чехранг хаёлимга илиниб қолди.

Келмасанг уч кунда бўламан абгор,
Севгилим, ҳолимга боқмагин лоқайд.
Соғинч – дард, бу дардга битта чора бор –
Узоқ қолиб кетма, ёнимга тез қайт!

АТАЙЛАБ

Олис йўлдан сани, дилбар,
кўргани келдим атайлаб,
Забун ҳолим ила ҳолинг
сўргани келдим атайлаб.

Чимрилар ман томон ҳар дам
икки қошинг ўроғи, ёр,
Шу ўроғ-ла ишқ ҳосилим
ўргани келдим атайлаб.

Кун бўйи баҳт порлаб, эй воҳ,
толиқса агар тун бўйи,
Кипригингда баҳт уйқусин
кўргани келдим атайлаб.

Нозу карашманг ярашгай
озори манга маъқулдур,
Сабрнинг косаси янглиғ
тўлгани келдим атайлаб.

Ошиқларинг кўплигидан
олмагайдурман хавотир,
Сан учун бир умрлик ёр
бўлгани келдим атайлаб.

Санга етмоқ учун, жонон,
туғилдим ошиқ бўлиб мен,
Ўлдирса ишқ Ботир бўлиб
ўлгани келдим атайлаб.



ҚОШИ КАМОНЛАРДАН

Ошиқ дилим чандиги
 қоши камонлардандир,
Қоши камонлар жабри
 анча замонлардандир.

Орзу бор экан инсон
 яшар етмоқ учун ҳам,
Манзилгача бу йўллар
 фақат армонлардандир.

Манзилга ким муносиб,
 кимдир ундан бенасиб,
Етмоққа умидворлик
 гўзал иймонлардандир.

Йўл заҳмати, ёр ҳажри
 оширгай ишқ қийматин,
Демак, баҳт қадри ёрмас,
 асли хижронлардандир.

Чин муҳаббат тухфаси
 икки дунёга етгай,
Булар Тақдир кўтарган
 баланд хирмонлардандир.

Соҳиби ишқ бошингга
 солса турли синовлар,
Ботир, бош эг, бу фармон
 улуг фармонлардандир.



ҚИЙНОҚ

Хайр, орзу, хайр, мақсадлар,
Хайр, майли, эй ишкүй туғён.
Бизлар бўлдик тирик жасадлар,
Кел, лоқайдлик, келақол, армон.

Келяпсанми, дўстим надомат,
Хўрсиникини ҳайдаб бўғзимга.
Елкамга чиқ, эгилсин қомат,
Киshan сол бу ўтли сўзимга.

Афсусларга буткул ғарқ килгин,
Бахтни қўмсаб отланган Дилни.
Ҳижронгинам, тифинг-ла тилгин,
Севдим деган бу шаккок Тилни.

Азизим, тош, юрибсан қайдা,
Менга зарур бўлдинг бу палла?!
Юрагимни кўксимдан ҳайда,
Ва ўрнини ўзинг эгалла!

Эй қария Бардош, алвидо,
Паймонанг ҳам тўлганга ўхшар.
Шунча кутдик, бўлмади вафо,
Мухаббат ҳам ўлганга ўхшар.

Бардошгинам, ўлавер, майли,
Қасд айлади Севги жонингга.
Шу бадкирдор Севгим туфайли,
Ишончим ҳам борар ёнингга.

Лоқайдлик, кел, ишингни бошла,
Кулгумга санч аямай бигиз.
Сўнг юзимдан супуриб ташла,
Ўрнига муз суратини чиз!

Рахм-шафқат, мендан кетинг тез,
Газаб келар, күтариб түкмок.
Кўнглимнинг кенг кўчаси шу кез,
Бўлмоқдадир хатарли сўқмок.

Самимилик юзини доғлаб
Эй Сохталик, босинг ғубор-чанг.
Эзгуликнинг қўлларин боғлаб,
Оёгимнинг тагига ташланг.

Бевафонинг жабри жонимга
Тамға бўлиб қолди босилиб.
Айрилик, кел, менинг ёнимга,
Кел, бўйнимга қолгин осилиб.

Келажак, сен ўчир бешафқат,
Хотирамнинг қора ҳуснини.
Ўтмишдан из қолдирма, фақат
Ўчирма бир Унинг исмини.



ЎХШАТМАСА, УЧРАТМАС...

Магур тогда магур сор,
 ўхшатмаса учратмас,
Мендей сўз демайсан, ёр,
 ўхшатмаса учратмас.

Юлдузлар кўз узмасдан
 оига парвона ҳар тун,
Сени деб мен ҳам бедор,
 ўхшатмаса, учратмас.

Дайди шамоллар йўлин
 ҳар дам тўсар қоялар,
Ҳислар нозингдан безор,
 ўхшатмаса учратмас.

Мажнунтол эгар бошин
 бепарво анҳорларга,
Мен ҳам йўлингда беор,
 ўхшатмаса учратмас.

Гул яшнайди чаманда,
 фиғонлар чекар булбул,
Сен шодумон, мен абгор,
 ўхшатмаса учратмас.

Ой-куёш, юлдузларнинг
 осмони бор бағри кенг,
Ботир учун ўзинг бор,
 ўхшатмаса учратмас.



ҚИЗФОН

Ёққан ёмғир дема осмондан,
Унинг асли – баҳри уммондан.
Дўстим, рашкни золимлик дема,
Кўнгилдаги рашк ҳам имондан.

Онангдан ҳам сўралишинг бор,
Опангдан ҳам сўралишинг бор,
Синглингни ҳам бўш қўйиб қўйма,
Ўз ипингга ўралишинг бор.

Вафоли ёр сўрагин доим,
Сулув бўлсин, бўлсин мулойим,
Имонга бой ширин қиз сўра,
Сўраганинг берар Худойим.

Онадай пок изингни қизғон,
Опанг – ёруғ юзингни қизғон,
Синглинг – кўнгил боғингнинг гули,
Аёлингни, қизингни қизғон!

Борингни ҳар даврага қўшма,
Ёрингни ҳар даврага қўшма,
Қизинг енгил-елпи киймасин,
Орингни ҳар даврага қўшма!

Бунга масъул этилдик бизлар,
Биздан қолсин покиза излар.
Дўстим, билиб қўй, ўз маҳрамин
Қизғонмайди фақат тўнғизлар!



ОМАД

*Айтишадики, барвақт турган одамнинг омади чопади,
йўқ, барвақт турганда кайфияти яхши бўлган
одамнинг омади чопади.*

Марселл АШАР

Эрталабки соат тўққиз,
Кўшни уйдан овоз келди:
– Ётавермай тур, эй хўқиз,
Ўликлар ҳам туриб бўлди!

Ўгил тураг «уф» тортганча,
Йўқса ҳали ётар эди.
Шундай ўтган кунлар қанча,
Ҳар тонг шундай отар эди.

Ишлаш учун ҳафсала йўқ,
Ўғил сабрин жоми тўлган.
Онасига дер уриб дўқ:
– Сиз тенгилар ўлиб бўлган.

Қарғиш отли малъун сўзлар
Тутиб кетар маҳаллани.
Бу уйда уйқули кўзлар,
Эшикмаган ҳеч аллани.

Шу жойдадир барча дайди,
Баракаси йўқ даромад.
Бу эшикка йўламайди
Пок дил излаб юрган Омад.

Дадам тураг субхи содик,
Бомдод намозига шошиб.
«Ризқ киар» деб, турса очик –
Дарвозамиз қўяр очиб.

Омад деган олижаноб,
Чиқишимайди разил билан.
Дадам тонгдан қиласар хитоб,
Онамларга ҳазил билан:

«Қани, Сора, менга қара,
Үрнингдан тур, буёққа юр.
Идишда сув, юз-кўлинг юв,
Гапирма кўп, бўласан тўп».

Уйқу қочар шу лаҳзадан,
Кулгу билан бошланар кун.
Балки Омад қилди Ватан,
Уйимизни шунинг учун!

Худо берган бу омонат –
Омад яхши одамники.
Мени кучиб юрган Омад,
Асли ота-онамники.



СҮНГИ СҮЗИНГ

Күзларингни унутиб кўйдим,
Эслаб бўлмай қолди юзингни.
Кўп уриниб бағримни ўйдим,
Лек унутмам сўнгги сўзингни.

Қошинг қандай, эслай олмайман,
Қайси рангга бўярдинг лабинг.
Сочинг қандай, ислай олмайман,
Лек ёдимда охирги гапинг.

Кулар эдинг қандай, ҳайронман,
Ёдимда йўқ нигоҳларинг ҳам.
Лек унуга олмай вайронман,
Ўша сўнгги сўзингни, санам.

Юришларинг қандай эди-я,
Ха, айтганча, исминг нимайди?
Хотирамни шум вақт еди-я,
Бироқ сўнгги гапинг қийнайди.

Ёдимда йўқ сенга тегишли,
Бирор нарса ё бирор ҳолат.
Аммо ҳамон чаёндай нишли,
Ўша сўзинг азоблар фақат.

Айтган эдинг: – Бевафолик – дард,
Аммо сиз бу дарддан ўлмайсиз.
Сиз мен билан бўлишингиз шарт,
Бошқа билан баҳтли бўлмайсиз.

Оҳ, бу гапинг қарғишга ўхшар,
Ҳадик мени қамчилар тинмай.
«Захар»ларинг, айт, қачон тўхтар,
Юрагимга томчилар тинмай.

Ўша сўзинг куйдирди мени,
Илон каби бағрим қилди ин.
Унутганим сингари сени,
Сўзингни ҳам унатай, омин.

УЧРАГАЙДИР

Кўкни кўзлаган учқур
учоққа учрагайдир,
Пасткаш баланд оловли
ўчоққа учрагайдир.

Ақли бутун зотларнинг
ризқи ҳам тўлиқ бўлгай,
Бўм-бўш бошлар мағзи йўқ
пўчоққа учрагайдир.

Текин луқма биргина
тузоқда бўлгай, ионон,
Кимки текинхўр, бир кун
тузоққа учрагайдир.

Қахри зўрга дўст эрур
қаҳратон қаҳрлилар,
Мехри бор қалб меҳрибон
кучоққа учрагайдир.

Баҳорингда не эксанг,
ўрилгай кузингда шу,
Бунда янгишган ўзи
ўроққа учрагайдир.

Ҳисоб-китобли умр
омонат ҳар инсонга
Бунда ҳар жон жавобгар,
сўроққа учрагайдир.

Неки иш қилсанг, Ботир,
бажар ўз вақтин билиб,
Бевакт қичқирган хўроз
пичоққа учрагайдир!

АБАДИЙ АРМОН

*Шам одамларга ёргалик бериб, ўзи ёниб тугайди
Носуридин РАБГУЗИЙ*

Орзуларга ёстиқдир кунда,
Жаллод Армон шимаради енг.
Орзуларим қўлсиздир бунда,
Армонларнинг қулочлари кенг.

Кўлидаги чақмоқдек қилич,
Талпинади Орзу жонига.
Йўқдир бирор умид, бир илинж,
Армон чанқоқ унинг қонига.

Беҳол инграр покиза Орзу,
Қисматига беролмасдан дош.
Эзгуликнинг дея ҳоли шу,
Қалтирайди ҳаттоки Бардош.

Жон ҳовучлаб турибди Юрак,
Қиличнинг шум исёnlаридан.
Бир зарбада қораяр Фалак.
Хур Орзунинг оқ қонларидан.

Шахид кетди Орзуим шўрлик,
У Юрагим фарзанди эди.
Бепушт Армон қилганча зўрлик,
Бечоранинг бошини еди.

Бу Ҳаётнинг Армон туфайли,
Йўқдай юрган битта Бориман.
Орзу мендан ҳамиша айри,
Мен Армоннинг хизматкориман.



Манглайимда битик бу ситам
Ва битилган юришлик омон.
Тақдиримнинг сарлавҳаси ҳам –
Армон, Армон, абадий Армон.

Ғамдан асло асрамам жонни,
Майли, бўлсин каму кўстларим.
Мен чалғитиб турай Армонни,
Сиз Орзуга етинг, дўстларим!



САМИМИЙ ИСТАК

Бир даврада менга қадаҳ узатилди. Мен умуман ичмаслигимни айтдим. У инсон ҳайратдан ёқасини ушлагудек бўлиб, «Ие, ичмасдан қандай ёзасиз, шоир, илҳом ичганда зўр кела-ди, дейишади-ку?», деб қолди... «Бўлмаган гап», дедим ранжиб. Озгина ширакайф бўлиб олган даврадошимиз, «Ботиржон, хафа бўлманг-у, ичмаслигингизга, тўғриси, ҳайрон қолдим. Чунки шоир деса, хаёлимга шиша, шиша деса, шоир келадиган бўлиб қолган, деди. Мен у инсонга ҳаддидан ошаётганлигини айтиб, чегарадан чиқмаслигини эслатдим. У узр сўради, аммо дилим ғашлигича қолди.

Мен шеърни, шеъриятни тузук-куруқ тушунмайдиган бу инсондан ранжимадим. Ҳақиқатга тик қараб айтсак, қайсиdir даражада у ҳақ эди.

Ҳаббоб бин Арат (р.а) Расулуллоҳ (С.А.В)дан шундай нақл этади: «Ичкилик ичишдан сақланинг. Чунки ичкиликнинг ёмонлиги бошқа ёмонликларга манба бўлади. Худди токнинг бошқа дарахтлар устига чирмалиб чиқиб, эгаллаб олганидек».

Ҳазрат пайғамбаримиз (С.А.В) айтдилар: «Ҳузуримга Жаброил келиб шундай деди: «Эй Муҳаммад, Аллоҳ таоло шаробни, уни сикқани ва сикдирганни, ичганни, ташиғанни ва унга ёрдам берганни, сотганни, сотиб олганни, ичувчига берганни, ичкилик сотиладиган ва тарқатиладиган ерларни (майхона ва шу кабиларни) лъянат этди».

Шундай экан, сўз аҳлини, ижодкор устозларим, ака-укала-рим, дўстларимни Яратганинг лъянатига қолишлирини зинхор истамайман.

Мааст қиласидиган ичимликлар ҳаммаси ҳаром!

Бу менинг гапиммас, Аллоҳ қаломи,
Мааст айлар ичкилик қилинди ҳаром.
У мавжуд давралар – шайтоннинг доми,
У ичилган онлар – иблисга ором.

Покиза ризқни ҳам еса ўша чоғ,
Барибир юқмайди егани, э воҳ.

Худонинг қайтарган амалин қилмоқ –
Унга осий бўлди дегани, э воҳ.

Ҳаққа осий бўлган ўша ҳолатда,
Кимнингки, шеърию қиссаси бордир.
Аниқ ишонаман – ўша ижодда,
Аллоҳмас, шайтоннинг ҳиссаси бордир.

Англаган учрамас балои зарбга,
Буни тушунмаган нафсиға асир.
Яна ишонаман, имонли қалбга,
Унинг ёзганлари қилмагай таъсир.

Худо у асадардан файзни кўтараар,
Кўп ўтмай «совийди», қолар «муз»ликда.
Асли нопокликдан кўрса ҳам «зарар»,
Лек халқни айблар саводсизликда.

Бизга сўз санъати айлади насиб,
Сўзбонликни берди сўзнинг Соҳиби.
Демак, майхўрликни қилмайлик касб,
Сўздан узилмасин имоннинг или.

Тану жонга бўлсин тақвомиз малҳам,
Масту аластликнинг тушмасин доғи.
Дарё-дарё қилиб ичганларнинг ҳам,
Кўрдик, бирортасин чиқмади шохи.

Ғамга етаклайди нопоклик нуқул,
Қалам аҳлин Ҳақ деб юрсин қадами.
Одоб доирасида юргани маъқул,
Адабиёт шахси, адаб одами.

Тақдирдошларимга сўрайин паноҳ,
Тилай, икки дунё юрсинлар омон.
Ичкиликдан қайтсин, астагфируллоҳ,
Худо урса ёмон, сўз урса ёмон!

ШОИР

Дўстим, кулоғингга айтар гапим бор,
Ўзингга дўстни сен шоирдан изла.
Сенласанг, ўзингни сенлагин такрор,
Ва лекин шоирни эъзозла, сизла.

Эй гўзал, қарама, шарт эмас кўзгу,
Шоир багишловин бир бор ўқиб бер!
Сўз билан расмингни шундай чизган у,
Асли энг чиройли суратинг – шу шеър.

Ёнидан ўтмагин бепарво, лоқайд,
У сенинг энг азиз ҳамдам, ҳабибинг.
Дардингни тортиномай, бориб унга айт,
Давойинг ўшанда, ўша табибинг.

Шул сабаб бунчалар бўлмай такаббур,
Шеър билан нафас ол, шеър билан ютин.
Умрингдан топайин десанг гар ҳузур,
Шоирга дўст бўлгин, шеърга дўст тутин.

Мажнуншиор шоир Ҳаққа ёлборар,
Лайли – илҳом пари унга доядир.
Ёзаётган маҳал юксалиб борар –
Шеърнинг ҳар бир сатри пиллапоядир.

Шу ҳам ишми, дея боқма беписанд,
Шоирлик бўлмасин сенга кулгилик.
Шоир қалб элининг дарди билан банд,
Ҳар шеъри у учун битта кўргулик.



ЗАҲМАТ ТУҒИЛАДИ...

Истеҳзолар – сохта, кибор жаноблар,
Мазах билан банддир ўттиз икки тиш.
Бунда чидамларга ўзини тоблар,
Заҳматга ҳомиладор қизғин – она Иш.

Заҳмат туғилади ҳали, ҳадемай,
Парвариш қиласи уни минг дардлар.
Курашар бир бора толиқдим демай,
Мажнун – машаққатлар, Лайли – меҳнатлар.

Заҳмат туғилади, ғанимлар, дўстлар,
Тугилган ондаёқ чиқар сўзлари.
Очилар йўргакдан ҳар куртак кўзлар,
Улар – ҳақиқатнинг олмос кўзлари.

Бу Юрак – Ташвишгоҳ, олинг хавотир,
Сизнинг ташвишингиз бир четда қолар.
Барибир туғилар бу Заҳмат – ботир,
Ишонинг, ишёқмас, эй Истеҳзолар!



ЕТАР...

*Мурувват барча бермакдир, емак йўқ,
Футувват барча қилмакдир, демак йўқ.
Алишер НАВОИЙ*

Етар, Ботир, кам гапир, ўт амалга,
Иш гирдини қамрабон ол қамалга.

Кўп гапинг кўрсатиб қўйгай пучингни,
Мехнат билан намоён эт кучингни.

«Куруқ қошиқ оғиз йиртар» – бу ҳақ гап,
Фақат сўзлаб заҳматга бермагин чап.

Бўғзингдан олмасин гапинг ишқилиб,
Бироқ, одам ўлган эмас иш қилиб.

Сенда кўп жонзотда йўғи – ақл бор,
«Кўп гап эшакка юк» деган нақл бор.

Гапдан қорин тўймагайдир ҳеч қачон,
Лекин жондан тўйдиргайдир бегумон.

Осон ўсган неки бор, у тез сўлар,
Жон койитсанг, умринг хайрли бўлар.

Оқ қофознинг кўрки хуснихат билан,
Одамзотнинг ҳурмати меҳнат билан.

Тилим узун бўлсин десанг шуни бил,
Қайда бўлма, гапингни калтароқ қил!

Ҳамма билар – икки карра икки тўрт,
Гапни бас қил, тез амалий ишга ўт!

ТИЛАК...

Бир қашшок рўзғорнинг жон или
Яна ҳам тортилди беомон.
Чунки бу хонадон соҳиби,
Хаётдан кўз юмди ногаён.

Аёли қисматга бериб тан,
Эрига жаннатдан жой сўрар.
Беш яшар боласи онадан
Зорланиб, нон сўрар, чой сўрар.

– Онажон, у жаннат қандай жой,
Қийинлик қилмасми дадамга?

– Тойчоғим, у ерда ҳамма бой,
Очлик хавф солмайди одамга.

– Ростданми, очмасми ҳеч қорни,
У ерда юрарми типпа-тик?
Жаннатда роса кўп нон борми,
Нон бўлса, бизлар ҳам ўлайлик?!

– Жон болам, ўлмагин, мингта кир,
Улғайгин, сен тезроқ бўл катта!
Зўр инсон бўлсанг гар беназир,
Яхши кун келади албатта.

Ҳалолдан бадавлат бўлсанг гар,
Шўх бўлар сўнг ғамгин куйимиз.
Бекиёс баҳтларга тўлсанг гар,
Жаннатга айланар уйимиз!

Ўтинчим – куймагин ҳеч мандек,
Болангнинг отаси ўлмасин!
Фарзандим нонга зор бўлгандек,
Фарзандинг нонга зор бўлмасин!

ОМОНИМ БАҲОР

Куртаккўзлар билан боқар ширин хаёlli,
Қиши бағридан омон чиққан омоним баҳор.
Астагина нозлар билан булутрўмопли –
Қуёш бўлиб юзин очар жононим баҳор,
Қиши бағридан омон чиққан омоним баҳор.

Турфа чечакларга буркар ариқ лабини,
Сезган каби ошиқларнинг нозик таъбини.
Гоҳи шаррос ёмғир бўлиб айтар гапини,
Мажнунтолли кўркам, яшил айвоним баҳор,
Қиши бағридан омон чиққан омоним баҳор.

Япроқ ёзган новда мисол яшнайди диллар,
Дил яшнагач гўзал бўлар барча манзиллар.
Тоғ – бошидан қор аримай, бағрида гуллар,
Чаман-чаман сўзли, ширин забоним баҳор,
Қиши бағридан омон чиққан омоним баҳор.

Она юртим, ота юртим жамолидир бу,
Ел мисоли шўх фарзандлар камолидир бу,
Кўнгли кўклам элнинг ҳаққи ҳалолидир бу,
Пойандозим, vale қадри осмоним баҳор,
Қиши бағридан омон чиққан омоним баҳор.

Уйғон, дилим, уйғон, тилим, уйғонгин, нолам,
Уйғон, юрак, уйғон, тилак, уйғонди олам,
Уйғонди тоғ, кўз очди боғ, мудрама, болам,
Болаликдай қисқа давру давроним баҳор,
Қиши бағридан омон чиққан омоним баҳор.



УМРИМ КИТОБИ

Варақ-варақ ўтади ҳар кун,
Умрим – китоб, ҳар боби йилим.
Кунларимдан ёришмас нечун,
Вужудимнинг офтоби – дилим?

Ҳаётимдан тополмай маъно,
Чиқиб кетгим келади жондай.
Анварман деб чақирсам, Раъно –
Мехробимдан чиқар чаёндай.

Умр надир, яшамоқ надир,
Турфадир ҳар кимнинг жавоби.
Ўқилмасдан титилмоқдадир,
Худо ёзган – умрим китоби.



ЎЗИМ ҲАҚИМДА...

Захматларда шаънимни,
Йиллаб йиққан Одамман.
Гапи ростдир ғанимнинг –
Чангдан чиққан Одамман.

Кўймаса ҳам шум армон,
Охир топдим шуҳрат-шон,
Асли юзи заъфарон –
Рангдан чиққан Одамман.

Тортмай ҳеч кимнинг таъби,
Жойим эди жар лаби.
Кераксиз буюм каби –
Зангдан чиққан Одамман.

Кеча эдим ёлгиз, ток,
Бугун ҳар ёним ўртоқ,
Мен бир қисмати чўлоқ –
Лангдан чиққан Одамман.

Бахт сабримга берди тан,
Омадлар айтди ўлан,
Тинмай йўқчилик билан,
Жангдан чиққан Одамман.

Менинг кечган умрим шу,
Энди кенглиқ даврим бу,
Ботир бўлсам ҳам тору –
Тангдан чиққан Одамман.



ТИЛАГИМ ШУДИР

Болаларимнинг онасига

Ким учундир бу дунё роҳат, кимга қайғудир,
Фам кўрмадим ҳеч, буни, майли, бутун эл билсин.
Шу ҳаётда сен билан яшаб, тилагим шудир –
Сени менга таништирганлар жаннатга кирсин.

Сен-ла ўтган ҳар лаҳзамда хуш – наводадирман,
Мен фақат баҳтли инсон яшар дунёдадирман,
Сочларингни силаб ҳар куни дуодадирман –
Сени менга таништирганлар жаннатга кирсин.

Кувонаман сендей дилдорга ёр бўлганимдан,
Яна сени гул ҳаётингда бор бўлганимдан,
Куймам энди ўз севганимга зор бўлганимдан,
Сени менга таништирганлар жаннатга кирсин.

Тақдиридан ким рози бўлса – ўша мен, ёrim,
Кимнинг баҳтдан пардози бўлса – ўша сен, ёrim,
Кўзларингга қараб айтаман, сўнгги икрорим –
Сени менга таништирганлар жаннатга кирсин.



ЁЛФИЗ АЁЛЛАР

Ҳеч ким ўз жонига ёмонликни раво кўрмайди, аммо билибми, билмайми, ўзларини азоблар қаърига отаётганлар ҳам талайгина. Аёл – бу машаққатлар чигилини ечувчи, керак бўлса, бу йўлда жондан кечувчи улкан матонат эгасидир. Бироқ шундай муқаддас номни хиралаштираётган, бир эрнинг кўнглига йўл топа олмай, қайнона-қайнотанинг келиним ҳам қизим-ку, деб берган танбеҳини ҳазм қила олмай, жондан азиз оиласидан, турмушидан, ширин-ширин фарзандлар оромидан кечиб, ўз кўнглининг қўчасида юрган аёллар ҳар қадамда учраб турибди. Уларнинг бирига ака, бирига ука, яна бошқасига дўст сифатида инсоф сўраб айтаман... Кўзингизни очинг, яхши кунингизни олдиндан изламанг, уни ортда қолдириб кетяпсиз. Тез ортингизга... Оилангизга... Фарзандларингизга қайтинг.

Унутманг, ёт, бегона шердан, ёмон эр афзал.

Қалбимни чўқийди кузғун – саволлар,
Наҳотки, сизда йўқ ширин хаёллар?
Чақиннинг умрича дунёда сизга –
Ёлғизлик яхшими, ёлғиз аёллар!?

Ойдай чиройингиз дардларга малҳам,
Лек унга қувониб юрманг сира ҳам,
Меъёридан ошса ёқмас шира ҳам,
Ёлғизлик яхшими, ёлғиз аёллар!?

Сизлар асли баҳтнинг пойдеворисиз,
Бутун бир миллатнинг шаъни, орисиз,
Нечун дилингизнинг дилозорисиз,
Ёлғизлик яхшими, ёлғиз аёллар!?

Ҳамма рўзғорда ҳам каму кўст бўлар,
Шул дам доно аёл – ширин сўз бўлар,
Шунда баҳт сизларга доим дўст бўлар,
Ёлғизлик яхшими, ёлғиз аёллар!?

Эрни эр қилгувчи, мушфик ёр бўлинг,
Бироз оғир бўлинг, хокисор бўлинг,
Умрингиз ўтмоқда тез, хушёр бўлинг,
Ёлғизлик яхшими, ёлғиз аёллар!?

Атрофга бир боқинг – нақд кўринади,
Турмушки аёлда аҳд кўринади,
Йиғласа ёшида баҳт кўринади,
Ёлғизлик яхшими, ёлғиз аёллар!?

Ўзингиз бир ёнда, ёрингиз бир ён,
Аро йўлда қолган фарзандлар гирён,
Ҳатто ёлғизликни сўймайди чаён,
Ёлғизлик яхшими, ёлғиз аёллар!?

Ёлғизлик биргина – Яратганга хос,
Сиздан қизингизга баҳт бўлсин мерос,
Ёлғизликка кўниб қолманг, илтимос,
Ёлғизлик яхшими, ёлғиз аёллар!?

Ҳеч ёқмади, деманг ёзган бу байтинг,
Турмуш деб аталган баҳт томон қайтинг!
Кўзларимга қараб ростини айтинг,
Ёлғизлик яхшими, ёлғиз аёллар?!

Ёлғизлик яхшимас, азиз аёллар!



ВАТАН НИМА?

Ватан нима, кўнгилнинг шу саволи ҳам Ватан,
Жавоб учун ҳар ён учган хаёли ҳам Ватан.

Ватанлардан бир лаҳзага узр сўраб айтай,
Бу Ватаннинг эсиб турган шамоли ҳам Ватан.

Ватан деса, ер майдони кўринмасин кўзга,
Унинг файзи, унинг кўрку жамоли ҳам Ватан.

Бу Ватанда инсон учун жондан ширин не бор?
Жондан ширин фарзандларнинг камоли ҳам Ватан.

Ўғлим Темур бобосидай мард бўлса, Ватан тинч,
Қизгинамнинг онам берган рўмоли ҳам Ватан.

Дарбадарга нон ҳам увол, ҳатто жони увол,
Аслида энг уволларнинг уволи ҳам Ватан.

Бу боғларни боғ қилгунча шафтолидай пишдик,
Тош отмасдан тотинг уни, зардоли ҳам Ватан.

Ботир, ҳурлик пешонамиз терларидан бунёд,
Шундай экан, ҳалол элнинг ҳалоли ҳам Ватан.



ШИФОКОРЛАРГА...

Қайсиdir зўравон қонатди бурнинг,
Яна бир муштумзўр кўр қилди кўзинг.
Қолмай бораётган эди ўз ўрнинг,
Ўтмаётган эди ҳеч кимга сўзинг.

Оғзида тили бор ҳар қанақа кас
Сени истаганча қилди ҳақорат.
Билардим, бу қилмиш ўринли эмас,
Билардим, топталар эди адолат.

Охи тутар бағри куюк зотларнинг,
Эл бошига келди бир «тождор бало».
Ибн Сино каби буюк зотларнинг,
Авлодин хўрлатиб қўймайди Худо.

Бу кун сендей азиз, сендей улуғвор –
Бирор бир инсон йўқ ер юзида, рост.
Бутун башарият сендан умидвор,
Бу дарддан сен сабаб бўлгайдир халос.

Ҳар зумда ўзингни хавфга қўйибон,
Юқумли ёғийга чиқяпсан қарши!
Сен элга ўзингни қалқон қилган он,
Сенга қалқон бўлсин Аллоҳнинг арши!

Замбаракка кўксин тутган мард каби,
Ёнидан жилмайсан огир беморнинг.
Ҳар бир дардмандингнинг пичирлар лаби:
«Сизлар неъматисиз Парвардигорнинг».

Ҳақ гап, бу таърифни олгайдирман тан
Сен содик, сен событ, сен энг вафодор.
Аллоҳ марҳамати эрурсан чиндан,
Эй, сен улуғ дардкаш, буюк шифокор!

Жонинг аямайсан, берасан боринг,
Меҳринг малҳам бўлиб дардларга етсин!
Дўст-душман олдида барча bemоринг,
Юзинг ёруғ айлаб тузалиб кетсин!

Жимжитлик қабристон ичра ярашар,
Яна қўча-кўйга чиқсин одамлар.
Фарзандлар ойнадан интиқ қаравашар,
Бўм-бўш мактабларга қайтсин қадамлар.

Даф бўлсин заминни қамраган қутку,
Йўқолсин жонларга қасд қилган бу дард,
Жам бўлиш баҳт экан, қалбларда қайғу,
Яна масжидларга тўлсин жамоат.

Элнинг бир бўлгани – ёвнинг ўлгани,
Кўпнинг дуосида хайру ҳикмат бор!
Сен борсан – шу асли кўнгил тўлгани,
Эй, сен улуғ дардкаш, буюк шифокор!



БИЗЛАРНИ АФВ ЭТ!

Биз қудратинг олдида бечорамиз, рост,
Кутилмаган кўринмас балони даф эт!
Сонсиз гуноҳлар учун олмагин қасос,
Бизни афв эт, Ягонам, бизларни афв эт!

Тожу тахт, дунёталаш одамзод учун,
Балонинг ҳам тождорин юбординг бу кун.
Аҳволимиз аянчли, ҳолимиз юпун,
Бизни афв эт, Ягонам, бизларни афв эт!

Осиyllарга юборган аждарингми бу,
Ё ғофил қалбга санчган ҳанжарингми бу,
Нопокликка қарши ё лашкарингми бу,
Бизни афв эт, Ягонам, бизларни афв эт!

Чигал дунё ишларин ечолмас бир бек,
Давосиз дардга сенсиз қўёлмайди чек,
Тўғри, ажалдан асло қочиб бўлмас, лек,
Бизни афв эт, Ягонам, бизларни афв эт!

Ерда уловлар, кўкда учоқлар қани,
Тўй-байрамга аталган ўчоқлар қани,
Меҳр билан очилган кучоқлар қани?
Бизни афв эт, Ягонам, бизларни афв эт!

Афсус, Сени унутиб, шодон бандангмиз,
Биз нотавон, биз ношуд, нодон бандангмиз,
Фақат ғамда эсловчи – ёмон бандангмиз,
Бизни афв эт, Ягонам, бизларни афв эт!

Тушда мактабин кўриб болам ухлайди,
Онажоним бағримда бағрин тиглайди,
Кўнгли масжид каби бўш отам йифлайди,
Бизни афв эт, Ягонам, бизларни афв эт!

Буни сенсиз эплолмас моҳирларинг ҳам,
Тақдир деб жим, ҳар нега қодирларинг ҳам,
Ботирлигин унуди ботирларинг ҳам,
Бизни афв эт, Ягонам, бизларни афв эт!

Дардлар ёшариб борар, орзулар кариб,
Бу кун суратлар гўзал, сийратлар гариб,
Хузурингга бош урдик, нажот ахтариб,
Бизни афв эт, Ягонам, бизларни афв эт!



РАХМАТ АЙТИБ ЯШАГИН, БОЛАМ!

Яратгани биз бандаларини яратиб, ризқини ҳам турли ёкларга сочиб юборган экан. Ўша сочилган ризқимизни териб, яшаб юрибмиз, Ўзига шукур!

Оилада тўқиз фарзандмиз – олти ўғил, уч қиз. Катта акам ва бир укам биз туғилиб ўсган – Фарғона вилояти, Бешариқ туманидаги Қашқар қишлоғида ота-онам билан бирга туришади. Энг катта опам иттифоқ пайтида Бешариқ туманига шундок қўшни бўлган Тожикистон Республикасининг Сўғд вилояти Конибодом туманига турмушга чиқиб, мустақилликдан кейин турмуш ўртоги ва икки нафар фарзанди билан Россия Федерацияси фуқаролигини қабул қилган. Ҳозир Тюменда истиқомат қилишади. Мен бир укам билан Тошкент вилояти Зангиота туманида яшаймиз. Опам билан синглим Тошкентда бир хона-донга келин бўлишган – овсин. Шокиржон исмли укам 1997 йил Чирчик шаҳридаги ҳарбий қисмларнинг бирида хизмат вақтида 18 ёшида оламдан ўтган. Демак, энг кенжатойимиз – укам Баҳодир қолди. Ҳайрон бўлаётгандирсиз, нега яқинлари хақида гапириб қолди, деб.

«Сардоба» сув омбори фожиаси сабаб ҳавфсиз ҳудудларга кўчирилган оиласалар ичидаги менинг кенжада укам Баҳодирнинг оиласи ҳам бор. Уч нафар вояга етмаган фарзанди билан Сирдарё вилояти Оқолтин туманидан Жиззах вилоятининг Гагарин шаҳрига эвакуация қилинди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, у ер ҳам хатардан холи эмаслиги ойдинлашгач, уларни уйимга чақириб олдим. Укамнинг оиласини кутиб олдик. Уч фарзандининг кўзидағи қўркувни қўриб, очиги, чидолмадим.

Дарҳол фарзандларим таълим оладиган Зангиота туманидаги 41-ўрта мактаб ўқитувчиси Саодат опага қўнғироқ қилиб, «дардим»ни айтдим. Уч нафар жияним 41-мактабнинг онлайн дарсларида bemalol ўқийверадиган ўқувчиларига айланышди.

Бу воқеаларни ота-онамга билдирамадик. Иложи бўлса, телевизорни тагида ўтири, «Ахборот»ни вақтинча кўрсат-

май, бошқа каналларга қўйиб тур, Сардоба ҳақида эшитиб, кенжатойининг ороми бузилганини билиб қолишимасин, деб кишлоқдаги укамга ва унинг тўнгич ўғлига қаттиқ тайинладик.

Кенжа укам билан келинимнинг мунғайиб колганини кўриб, тўғриси, қандай овутишни билмайман. «Ҳа, ташвишланаверма, узоғи билан бир ҳафтада ҳаммаси изига тушиб кетади», деган гапни қайтаравериб, сийқасини чиқардим.

Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришта «комин» дейди. Мана бугун орадан тўрт кун ҳам ўтмай, улар яшайдиган ҳудуд обод қилиниб, ҳамма уй-уйига қайтаётганинг хушхабари келди ва укам оиласи билан уйларига қайтишди.

Кетар пайтида фарзандларига қизиқарли бадиий китоблар бериб, хайллашар эканман, уларнинг кўзларига қарадим. Биринчи кундаги даҳшатли кўркувдан асар ҳам қолмаганди.

Яратганга беадад шукрлар бўлсин! Юрт отасига минг раҳмат, миллион раҳмат! Биз ўйлагандан ҳам тезроқ фурсатларда жабрдийдаларнинг мушкулини осон қилишга киришилди. Яна оз вакълар ичидаги муаммолар бутунлай бартараф этилиб, оғатдан азият чеккан юртдошларимиз ҳам укам сингари ўз уйларига қайтишади. Халқимиз бежизга айтмаган, қушнинг ҳам ини бузилмасин, деб.

Болажоним, кўзларингдан айланайин,
Доим шундай чақнаб тургин, порлаб тургин.
Кўркув нима, билмай яша бундан кейин,
Уйларингга доим бизни чорлаб тургин!

Боринглар, деб айтганинг рост бўлсин, болам,
Карантинлар тугайверсин, борамиз, бас.
Ўз уйингга қайтганинг рост бўлсин, болам,
Биладирман, менинг уйим уйлик қилмас.

Халқ бирлашди, кўрдинг, борин кўрди баҳам,
Қара, хайру саховатнинг кўплигини!
Ҳамма ёқни вайрон қилган тошқинлар ҳам
Буза олмас, меҳр-шафқат кўпригини.

Ватан учун хизмат қилғин ёна-ёна,
Күрмаганинг – оғатлардан огох бўлдинг!
Ҳар бир ишда бир ҳикмат бор, шу баҳона,
Халқимизнинг мардлигига гувоҳ бўлдинг!

Кўрдинг мана, қайтмоқдасиз уч кундаёқ,
Таъм кирмасдан қолди шукр, ёв ошига.
Болажоним, юзга кир, гам кўрмай ҳар чоғ,
Рахмат айтиб яша ғамхўр Юргбошига!



ИККИ МИНГ ЙИГИРМА...

Икки минг йигирма, эх, сичқон йили,
Дилларни кемириб ташладинг жуда.
Балки узайгандир кимнингдир тили,
Бунда дўстлар кўнглин ғашладинг жуда.

«Йигирма-йигирма» чиройли рақам,
Кўринишдан гўзал, хуш эди тусинг.
Хузуримиз сари кўйдинг бир қадам
Ва ҳар ёнга юқди тождор вирусинг.

Кўзимизни очди қирқ кунлик – чилла,
Уйга қамаб қўйдинг башариятни.
Ҳаёт гўзал бўлар фақат пок дил-ла,
Унга жо айласак эзгу ниятни.

Қанча иқтисоди юксак давлатни
Кўрдик, неча жонни этдилар увол.
Англамоқда, поклик енгар бу дардни,
Уни қира олмас бирор бир курол.

Икки минг йигирма – эй, серғалва йил,
Баҳоринг ҳам бу гал баҳор бўлмади.
Бўлди сабримизнинг косаси чил-чил,
Бироқ, сенинг жабринг жоми тўлмади.

Кўпdir сал ташвишдан сингувчи эллар,
Синмас халқмиз, гарчи турфа «ёв» келди.
Вирусинг даф бўлмай, бўрону селлар
Ва тошқин аталмиш шум синов келди.

Етар, ярим йилинг барбод бўлгани,
Барибир бу ҳолга топамиз илож.
Давринг иборатми дардан, баҳт қани,
Қолган вақтинг ичра кел, чехрангни оч!

Барибир енгамиз ҳар қандай дардни,
Чунки Оллоҳ биз-ла, биз ҳам У томон.
Ҳар қандай хавф-хатар енголмас мардни,
Ҳар қандай синовдан ўтармиз омон.

Дард тортган ҳар битта фукаросига,
Меҳрин тўшамоқда бориб Юртбоши.
Офатдан ғам чеккан халқ орасига
Бирга яшамоқда бориб Юртбоши.

Бир-бирига бағри куюк эканин,
Халқимиз кўрсатди бани одамга.
Буюк аждодлардек буюк эканин,
Бу кун исбот этди бутун оламга.

Фахр этиб айтаман, бор шундай халқим,
Олижаноблиги таҳсинга лойик!
Қандай бўлса, шундай қиласман талқин,
Биз улуғ халқ бўлдик – улуғ халойик!

Баралла айтишдан чарчамас тилим,
Эзгулик жомининг кулоли халқим!
Унинг феъли билан бир менинг феълим,
Юртимнинг «ядровий қуроли» халқим!

Икки минг йигирма – ярим хулоса,
Шўринг қурғур, бироз кўпайди тузинг!
Бир юзинг тун бўлди, Худо хохласа,
Нурларга тўлгайдир иккинчи юзинг!



ГҮЗАЛ ҲАЁТ

Ташвиш келса, бирдам, бирдона халқмиз,
Хақ деб яшар феъли дурдона халқмиз.
Эй, юртдошлар, қадни мағрур тутайлик,
Заҳматларни енгган мардона халқмиз!

Үтар бу кун ёмон тушга айланиб,
Қолмас сира баҳор қишигга айланиб,
Бирлашайлик күринмас ёвга қарши,
Ҳар биримиз Алпомишигга айланиб.

Гүзал ҳаёт давом этмоғи учун,
Юрган отасин элга даъвати бугун.
Азизларим, биздан темир интизом,
Тонгларимиз шунда асло бўлмас шом!

Дуо килар тинмай ота-оналар,
Бу кун ростга айланди афсоналар.
Тез кунда қад ростлар айтинг, қай юртда,
Бизникайдай улкан шифохоналар?!

Сабр кучин кўрсатинг уйда қолиб,
Бу дардлардан шунда бўлгаймиз голиб.
Мехнатдадир шифокорлар туну кун,
Юрган шифохоналар қувват олиб.

Дилда вафо, садоқатлар кўпайди,
Муруватлар, саховатлар кўпайди.
Хаста жонлар тузалмоқда кун сайин,
Умидбахш зўр жасоратлар кўпайди.

Кутлуг йўллар ёруғ манзилга бошлар,
Аждодлардан мерос буюк бардошлар,
Бир мушт бўлиб, битта мақсад йўлида,
Иродамиз кўрсатайлик, юртдошлар!

Синовлардан факат нодон қочгайдир,
Доно ҳикмат эшикларин очгайдир,
Асил мард эл оғир кунда синалгай,
Мардга Оллоҳ раҳмат нуриң сочгайдир!

Гүзал ҳаёт давом этмоғи учун,
Юрт отасин элга даъвати бугун.
Азизларим, биздан темир интизом,
Тонгларимиз шунда асло бўлмас шом!

Гүзал ҳаёт давом этмоғи учун,
Сабру сабот кўрсатар халқнинг кучин.



ҮЙГОН, ЎҒЛИМ, ТУР, ЎҒЛИМ!

Озод ўғлим, хур ўғлим,
Хар онинг ҳузур, ўғлим.
Шаҳдингдан кун ёришсин,
Юзи ёруғ, нур, ўғлим,
Үйғон, ўғлим, тур, ўғлим!

Эл бўлса йигит жони,
Сел каби жўшар қони,
Ватан, деса дунёни
Икки четга сур, ўғлим,
Үйғон, ўғлим, тур, ўғлим!

Авлоднинг баҳтга моси,
Аждодларга энг хоси.
Бибихоним момоси –
Бобоси Темур, ўғлим,
Үйғон, ўғлим, тур, ўғлим!

Нафс ипин узар бўлсанг,
Баҳт ичра сузар бўлсанг,
Бир эскинг бузар бўлсанг,
Аввал ўнта қур, ўғлим,
Үйғон, ўғлим, тур, ўғлим!

Бизнинг илм мактаби,
Бўлган дунё матлаби.
Бухорий бобонг каби
Қилгин тафаккур, ўғлим,
Үйғон, ўғлим, тур, ўғлим!

Улугбек осмонидан,
Юлдуз бўл ой ёнида.
Беруний уммонида
Бўл марварид, дур, ўғлим,
Үйғон, ўғлим, тур, ўғлим!

Эл корига бўлсанг шай,
Сени кафтимда тутай.
Бобонг Манғубердидай,
Ўзни тут мағрур, ўғлим,
Ўйғон, ўғлим, тур, ўғлим!

Юртбошимиздек ёниб,
Ҳар кундан яша қониб,
Йўлларингни уйғониб,
Юксакликка бур, ўғлим,
Ўйғон, ўғлим, тур, ўғлим!

Боқ, юртнинг боғ-чўлида,
Барча бир ўнг-сўлида,
Эзгуликнинг йўлида,
Эл ортидан юр, ўғлим,
Ўйғон, ўғлим, тур, ўғлим!

Яша юртни шаъним, деб,
Ҳар ерин чаманим, деб,
Ҳайқириб Ватаним, деб,
Эт фахру ғуур, ўғлим,
Ўйғон, ўғлим, тур, ўғлим!

Ҳар кунинг бир иморат,
Бўлсин баҳтдан иборат,
Пойдевори адолат –
Бўлса, қандинг ур, ўғлим,
Ўйғон, ўғлим, тур, ўғлим!

Биз – ўтмиш, сен – келажак,
Умринг баҳтга тўлажак.
Ўзгинамнинг бўлажак –
Навоий, Бобур ўғлим,
Ўйғон, ўғлим, тур, ўғлим!

ИНСОН ҲИССИЁТИ

Бузилдими ёзниң ҳам таъби,
Ҳарорати бунча бежилов?
Күкда қуёш аждаҳо каби,
Уфурмоқда тинимсиз олов.

Бирок күнглим сарҳадлари муз,
Қахратонга бўяр қонимни.
Ҳижрон отли шум Аямажуз,
Қорбўронга тутар жонимни.

Кўчага ўт қўяр саратон,
Сал кам эллик даража иссик.
Жуда қизиқ жонзот-да Инсон,
Ҳиссиёти ундан ҳам қизиқ.

Ўнта қуёш ўт сочин агар,
Аrimайди күнглиминг қиши.
Юрагимдан музни эритар,
Фақат ёрнинг бир жилмайиши.



СЕВАМАН

Сенинг нурли юзингдан
офтобланиб севаман,
Бу офтобинг забтидан
хўп тобланиб севаман.

Ишқимнинг ишкомида
пишди узум орзулар,
Узум – шароб, қонимдир,
шаробланиб севаман.

Ионмассан сўзимга,
севгимга ишонмассан,
Сенинг наздингда, балким,
сарабланиб севаман.

Менинг ҳар оним ғазал,
достондир ҳар сониям,
Ҳар куни боплаб-боблаб,
китобланиб севаман.

Тик боққанча қалбимни
тутадирсан саволга,
Кўзингга дош бермай, жим
жавобланиб севаман.

Дардан Ботирман, гўзал,
шодон сева олмайман,
Бил, сени жон-жонимдан
азобланиб севаман.



ТҮРТЛИКЛАР

Бемаксаднинг юрган йўли чувалган ипдай,
У йўлларга бизнинг қадам тўғри келмайди.
Эгри жойлар буқриларга бўлар қолипдай,
Қийшиқ жойга тўғри одам тўғри келмайди.

* * *

Сойдан сув сачрагайдир, селдан лой бўлур ато,
Донолардан заковат, нодондан фақат хато.
Ҳар кимнинг ўз илкида пок-нопок яшамоғи,
Ё пайтава, ё салла бўлганидай бир мато.

* * *

Шамолга тик боқма, кўзларингни юм,
Йўқса, кўзларингга сочилгайдир қум.
Ҳар ерда ҳар сўзга оғиз очмагин –
Ўз сўзинг – ўзингта ўқилган ҳукм!

* * *

Биз бутун бир ер шарига айланамиз, деб,
Тупроқ зарраси бир жон, бир тан бўлгандир.
Шу заминнинг кўркига бўлиб оро, зеб,
Гуллар гул шаъни учун «Гулшан» бўлгандир.

* * *

Осмон жимжит, депсинади ер,
Бири чўкар, бири юксалар.
Ёшлиар тезроқ вақт ўтсайди, дер,
Вақт ўтмаса, дейди кексалар.

* * *

Ўчиб қолди юрагимда умид деган шам,
Висолининг чорасини кўрсатмай кетди.
Аҳду паймонининг тўлиб паймонаси ҳам,
Оппоғойим қорасини кўрсатмай кетди.

* * *

Болаликда жуда шўх эдик,
Дод, дод, дод, дод, дод, дерди онам.
Тунлари ҳам ўчмас чўғ эдик,
Ёт, ёт, ёт, ёт, ёт, дерди онам.
Ёт бўлиб кетдик.

* * *

Ишқ бургуги дил овига турар экан шай,
Хаёлларим сенга кетгач, сўнг келиб қолдинг.
Ишқ бургуги тилган дилга шифолар тилаб,
Чап кўксимнинг ҳисларига ўнг келиб қолдинг.

* * *

Оппоқ этагини тутмоқда қоғоз,
Қалам-ла кўнглингни тўккин, у тўлсин!
Шеър ёзсанг, дилдан минг парчаланиб ёз,
Ўқиб, парчаланган диллар бут бўлсин!

* * *

Таъмагирнинг меҳри зиёфатгача,
Хоиннинг дўстлиги хиёнатгача.
Нимагадир ҳакғўй узоққа бормас,
Ноҳақликнинг умри қиёматгача.







BOTIR BAYTLARNING OZOD OHANGLARI

Taqdiriga ijodkorlik bitilgan inson borki, dard bilan yashaydi. Buni u yaratgan badiiy ijodida, jumladan, shoir she'rlarida, bastakor kuy-ko'shiqlarida, rassom bo'lsa rang-tasvirlarida ifodalaydi. Demoqchimanki, ularning xayolot olami ummonlardek tubsiz, osmon qadar yuksak va bepoyon. Ammo ko'ngil oynasi nihoyatda shaffof, juda ham nafiski, boshqalar ilg'amagan jihatlarni lahzada anglab, soniyalar ichida nimadir yaratadi. She'riyatda ismi jismiga monand so'z aytish, nozik tashbehlar orqali durdona xulosalar chiqarishga botir shoir Botirjon Ergashev ijodi haqidagi fikrlarimni bayon etish men uchun ham oson, ham biroz mushkul desam, ishonavering. Zero, uning she'rlari bir qarashda juda oddiy so'zlardan iborat.

Uning ijodida ota-onा, Vatan, millat, xalq, ularni ardoqlab yashaydigan insonlar ulug'lanadi, buni izohlash oson. Ammo ularning har satridan taraladigan insof, imon nurlari, qalb tug'yonlari, bani Odam ruhiyatidagi jumboqlar chuqur o'yga toldiradi. Qolaversa, zamon bilan hamnafas, mushtarak tuyg'ularga doyalik qiladi. U ro'yi zaminda ro'y berayotgan yaxshi-yomon hodisalarga tomoshabin bo'lib turolmaydi. Uning ichida goho shod, gohida iztirob chekib yashaydi. Fikrlarimning tasdig'i o'rnida, shoirning bugungi pandemiya sharoitida yozilgan, tandirdan yangi uzilgan nondek xushbo'y, ba'zi o'rinnarda dard-u hasratli she'rlaridan iborat yangi kitobidagi ushbu she'riy satrlarni misol qilib ko'rsatishim mumkin.

*Tashvish kelsa, birdam, birdona xalqmiz,
Haq deb yashar fe 'li durdona xalqmiz.
Ey, yurtdoshlar, qadni mag 'rur tutaylik,
Zahmatlarni yenggan mardona xalqmiz!*

*O 'tar bu kun yomon tushga aylanib,
Qolmas sira bahor qishga aylanib,
Birlashaylik ko 'rinmas yovga qarshi,
Har birimiz Alpomishga aylanib.*

*Go 'zal hayot davom etmog 'i uchun,
Yurt otasin elga da 'vati bugun.
Azizlarim, bizdan temir intizom,
Tonglarimiz shunda aslo bo 'lmas shom!*

E'tiborlisi, bugungi kun nafasi sezilib turgan satrlarni o'qib turib, xayolimda qandaydir hissiyotlarga yo'g'rilgan kuy-ohanglar keza boshlaydi, vujudimni jo 'shqinlik qurshab olgandek bo'ladi. Shoir bilan fikrlarimizda, qarashlarimizda ham o'xshashliklar talaygina. Ayniqsa, hozirgi sinovli kunlarda xayolimdan o'tgan fikrlarimni Botirjonning she'rlerida o'qigandek bo'laman va uning satrlar orqali chekayotgan dardiga sherik bo'lgim keladi. Ehtimol, shuning uchun ham ancha yillardan buyon birgalikda yaratayotgan qo'shiqlarimiz she'riyatga, san'atga mehri baland xalqimiz qalbiga yetib borib, ularga manzur bo'layotgandir.

*Biz qudrating oldida bechoramiz, rost,
Kutilmagan ko 'rinmas baloni daf et!
Sonsiz gunohlar uchun olmagin qasos,
Bizni afv et, Yagonam, bizlarni afv et!*

*Osiylarga yuborgan ajdarlingmi bu,
Yo g 'ofil qalbga sanchgan hanjaringmi bu,
Nopoklikka qarshi yo lashkaringmi bu,
Bizni afv et, Yagonam, bizlarni afv et!*

*Afsus, Seni unutib, shodon bandangmiz,
Biz notavon, biz noshud, nodon bandangmiz,
Faqat g'ama eslovchi – yomon bandangmiz,
Bizni afv et, Yagonam, bizlarni afv et!*

*Tushda maktabin ko 'rib bolam uxlaydi,
Onajonim bag'rimda bag 'rin tig 'laydi,
Ko 'ngli masjid kabi bo 'sh otam yig 'laydi,
Bizni afv et, Yagonam, bizlarni afv et!*

Hozirjavob shoirning dunyoda yuz berayotgan voqealarga munosabati ifodalangan she'rlaridan yana birida shunday misralar bor:

*Nadomatki, Yaratganga yolvorib,
Deyolmasman murg 'ak jonin qaytib ber,
Ular seni o 'ldirdi, endi borib,
Hammasini Allohimga aytib ber!*

*Aytgin barcha shaytonga ulfatlarni,
Yosh boshingga tushgan g 'am-kulfatlarni,
O'laksalar izlagan kalxatlarni,
Hammasini Allohimga aytib ber!*

*Notinch yurtning peshonasi sho 'r o 'g 'li,
Dunyo ahlin zor yig 'latgan zo 'r o 'g 'li,
Endigina uch yosh eding, go 'r o 'g 'li,
Hammasini Allohimga aytib ber!*

Bu misralarda dunyoning qay bir mamlakatlarida bo'layotgan qirg'inbarot urushlarda daydi o'qqa uchrab, halok bo'lgan norasida go'dakka aytilgan otalarcha qalb nidosi, notinch yurak faryodi bor. Bu kabi og'riqli mavzu shoirning yana bir «Tinchlik uchun» deb nomlangan she'rida shunday bayon etilgan:

*Mardlik emas, tinch elga kim solsa chang,
Eng mardona jang – nafsga qarshi jang.
Og 'a-inilarim, ey, jigarlarim,
Zinhor-zinhor to 'g 'ri yo 'ldan adashmang!*

*Chamanlarni so 'ldirganlar bizdanmas,
Gunoh jomin to 'ldirganlar bizdanmas,
Hatto xasni bosmagaydir chin inson,
Nohaq odam o 'ldirganlar bizdanmas.*

*O 't o 'ynagan bir kun yonib kul bo 'lar,
Har iziga shayton bakovul bo 'lar.
Kipriklarday jipslashaylik, do 'stlar,
Parokanda millat yovga qul bo 'lar.*

She'rdagi keskin kechinmalar, dangal xulosalar o'quvchini o'ziga tortmay qo'ymaydi, xonandalarni-ku gapirmay. Aslida dunyoda shoir ko'p, she'rilar ham bisyor. Lekin odamlarning ko'nglidagi gaplarni topib yozish hamma ijodkor ham uddalay oladigan ish emas. O'rni kelganda mening ijodimga o'zgacha ruh olib kirgan bir she'r haqida aytib o'tmasam bo'lmas. Shukurki, biz ajdodlari buyuk xalqımız. Ajdodlarimizning har birlari faxr-iftixor bilan aytay, taxlam-taxlam kitoblar qatiga jo bo'ladigan ta'rifu tavsiflarga munosib. Men ham ularga bag'ishlab, ayniqsa, milliy qahramonimiz Jaloliddin Manguberdi haqida qo'shiq kuylash niyatimni aytganimda, Botir Ergashev dilimdag'i tuyg'ularim aks etgan bir she'r yozdi. Uni o'qir ekanman, musiqasi o'z-o'zidan quyulib kela boshladi. Bu o'sha – xalqımız yuragidan joy olgan, hozirda katta-yu kichik sevib kuylayotgan «Mendirman o'shal» qo'shig'i:

*Vatan uchun ko 'ksim tog ', qalqondir sha 'nim,
Uni desa shamolday uchqur samanim.
Bor bo 'lsam chamanimdir, o 'lsam kafanim,
Manguberdilik menga taqdiri azal.
Kim yurtiga sodiq tursa, mendirman o 'sha...*

Bu she'rni yoshlariimiz yoddan bilishadi, hatto 6–7 yoshlardagi bolakaylar ham xirgoyi qilib yurishganini eshitib qolaman. Shoир uchun, san'atkor uchun bundan ortiq baxt bo'lmasa kerak. Balki, yurakka yaqin satrlar, diltortar ohanglar, degani shudir. Beixtiyor yana kuylay boshlaysiz:

*Yurtim har qarich yeri orimdan ulug',
Suygan farzandlarimdan, yorimdan ulug',
Na-da or, na-da yor, borimdan ulug',
Ming jondan bu tuproqning har gardi afzal,
Kim uni ko 'zga sursa, mendirman o 'shal...*

Xulosa qilib aytganda, Botirjonning nafaqat shoirligi, she'rlari, uning o'zi ham inson sifatida menga juda qadrli. U bilan birgalikda ijod qilish menga ilhom bag'ishlaydi. Biror bir yaxshi, tesha tegmagan mavzuda kuylamoqchi bo'lsam, go'yo dilimdagini o'qigandek, o'ylaganimdan ziyod she'r qoralagan bo'ladi. Men shoир do'stimni yangi she'riy to'plami bilan qutlar ekanman, ushbu kitob kitobsevarlarga ham muborak bo'lsin deyman. Undagi satrlar har bir qalbga ezgulik nurini olib kirishiga ishonaman...

Ozodbek NAZARBEKOV,
*O'zbekiston Respublikasi Madaniyat vaziri,
O'zbekiston va Qoraqalpog'iston xalq artisti*

MENDIRMAN O'SHAL...

*Kim yurtdan yovni quvsə, mendirman o'shal,
Ulug'vor niyatlargə kor qilmas ajal.*

Maqsud SHAYXZODA

Vatan onamerosdir, otamerosdir,
Uni jonday asramoq mardlarga xosdir.
Manguberdiman, mangu aytmog'im rostdir,
«Ulug'vor niyatlargə kor qilmas ajal,
Kim yurtidan yovni quvsə, mendirman o'shal!»

Vatan uchun ko'ksim tog', qalqondir sha'nim,
Uni desa, shamolday uchqur samanim,
Bor bo'lsam chamanimdir, o'lsam kafanim,
Manguberdilik menga taqdiri azal –
Kim yurtiga sodiq tursa, mendirman o'shal!

Yurtim har qarich yeri orimdan ulug',
Suygan farzandlarimdan, yorimdan ulug',
Na-da or, na-da yor, borimdan ulug',
Ming jondan bu tuproqning har gardi afzal,
Kim uni ko'zga sursa, mendirman o'shal!

Yovning xushbo'y guli ham alafdir menga,
Yurtim ham go'yo Ka'ba tarafdir menga,
«Turon arsloni» bo'lmoq sharafdir menga,
Yigit uchun Vatan deb, yashamoq go'zal,
Kim uni jonday suysa, mendirman o'shal!

Kun keladir yovlarning bog'i so'lgaydir,
Vatanim hurlik degan baxtga to'lgaydir,
Kun kelar, eng buyuk davlat bo'lgaydir,
Millionlab Manguberdi bo'lar u mahal,
Qay ona o'g'il tug'sa, mendirman o'shal!

MENING DO'STIM – SHU VATAN!

Kakku uzoq yillardan buyon bir uy peshtoqini makon tutib, yashab kelayotgan musichaga debdi:

– Hoy, menga qara, musicha. Bir joyda yashayverish joningga tegmadimi? Mana, men kabi xohlagan joyingda mazza qilib yashasang bo'lmaydimi? Yur men bilan! Go'zalliklardan birga bahra olamiz. Bu zerikarli iningni bir kunda unutasan!

Shunda uyasida yaqinda tuxumdan chiqqan polaponlarini pinjiga olib yotgan musicha kakkuning «oliyjanob» taklifiga xotirjamlik bilan javob beribdi:

– To'g'ri, sen o'zingcha ozod qushsan. Xohlagan joyingda xohlaganingcha yashayverasan. Hatto birovning uyasiga tuxum qo'yish sen uchun uyat emas. Ehtimol, mening uyam sen uchun zerikarlidir. Ammo bu – mening Vatanim! O'zim shu joyda tu-g'ildim. Mana, jondan suyukli polaponlarim ham shu uyada ko'z ochdi. Men uchun ular yuksak parvozi bilan mana shu osmon ko'rkiga aylanishini ko'rishdan ortiq baxt yo'q. Shunday ekan, bu joylarni hech qachon tashlab ketmayman.

Taqdirga ko'naman jim,
Ey, dardimga yot badan.
Sening do'sting bilmam kim,
Mening do'stim – shu Vatan!

Bo'lsin doim ko'ngling to'q,
Bunda kam-u ko'stim yo'q,
Mening boshqa do'stim yo'q,
Mening do'stim – shu Vatan!

Bunda yashash dard emas,
Chorlovlaring shart emas,
Do'stdan kechgan mard emas,
Mening do'stim – shu Vatan!

Loyidan paydo tanim,
Dovrug'i mening sha'nim,
Dushmanlari – dushmanim,
Mening do'stim – shu Vatan!

Boshimni qotirmasman,
Nafsimga shotirmasman,
Bekorga Botirmasman,
Mening do'stim – shu Vatan!



ONA TILIM

Onam deya gar suysa kim,
Seni suysin, Ona tilim.
Madhing uchun turguvchi jim
Dillar kuysin, Ona tilim.

Senga boqqach ko‘p «ola ko‘z»,
Chin do‘sting ham bo‘lmadi do‘st.
Har so‘zida bir g‘ayri so‘z
Tillar kuysin, Ona tilim.

Bu kun qochib yovlar tobi,
Boshingda hurlik oftobi.
Yuzingga surilgan obi –
Gillar kuysin, Ona tilim.

Qancha kaslar yo‘ling to‘sgan,
Yo‘q qilishga hissa qo‘shgan.
Bog‘ingda yot bo‘lib o‘sgan –
Gullar kuysin, Ona tilim.

Bu kun qayta tug‘ilgansan,
Shukur ayta tug‘ilgansan,
Seni hanuz olmagan tan –
«Sil»lar kuysin, Ona tilim!

Ko‘rdim, topolmay bir habib,
Xasta yotding, xo‘p betabib,
Sensiz o‘tgan ul mustabid –
Yillar kuysin, Ona tilim.



OROLIM

Amu, Sirni kutib tolgan Orolim,
Yig‘lab-yig‘lab qurib qolgan Orolim.
Sen tabiat emas, odam aybisan,
Ranjib, yuzin burib olgan Orolim.

To‘lgin, loqaydliklarni yutsin qa’ring,
Seni quritgan mayda ariqlaring!
Taslim bo‘lma, ko‘nglimiz to‘ldir, to‘lib,
Quchog‘ingga qaytsinlar baliqlaring.

Bu beparvo bag‘rimizni tig‘laylik,
Dardlaringga shifo tilab yig‘laylik.
To‘lqinlaring shabbodasin sog‘indik,
Kel, mavjli kokiling silab yig‘laylik.

Yulg‘unzorlar so‘lib-so‘lib kutmoqda,
Kemalaring zangga to‘lib kutmoqda.
Ko‘r hassasin yo‘qotgay bir bora, qayt,
Qumlaring tuzga yem bo‘lib kutmoqda.

Qaytadan jo‘sh urishingga umid bor,
Qirg‘oqqa to‘sh urishingga umid bor.
Ochmoqdamish bag‘ringda buloqlar ko‘z,
Yana to‘lib turishingga umid bor.

Diydoringga intiq ko‘zlar uchun qayt,
Joni fido your do‘sstar uchun qayt.
Muqaddas mehroblar ichra haqqingga
Chin dildan aytigan so‘zlar uchun qayt!

Qadding ko‘tar, bag‘ri kuyuk dengizim,
Jonlarga sen jonday suyuk dengizim.
Sohilingda yana hayot qaynasan,
Buyukliging ko‘rsat, buyuk dengizim!

CHEGARACHI ASKAR MAKTUBI

Onajon, sizni juda sog‘indim. Har kuni xizmatdan bo‘sh paytlarimda darhol yostig‘im ostidan suratingizni olib, bag‘rimga bosib, ko‘zlarizingizga uzo-o-o-q termulaman. Bolaligimdan to shu bugunimgacha bo‘lgan voqealar ko‘z o‘ngimdan o‘tadi. Uydaligimda, kun tepaga ko‘tarilguncha ham meni uyg‘otolmay halak bo‘lganlaringizni eslab, uyalib ketaman. Harbiy xizmat yigitman deganni bunday qusurlardan butkul tozalar ekan.

Onajonim, sizni juda-juda sog‘indim. Vatanimiz sarhadlarini qo‘riqlar ekanman, ko‘nglimdan «men onamning, onajonimning tinchini qo‘riqlayapman», degan his o‘tib turadi. Bejizga «Ona Vatan» deyishmas ekan. Xizmat muddatim tugasa, shartnoma asosida harbiy xizmatimni davom ettirmoqchiman. Sizning oromingiz men uchun bebahodir.

Men Vatanini onam deb suyib, tinchligi yo‘lida ogoh turgan baxtli o‘g‘lingizman.

Onajon, satrlar og‘ushida sizga sog‘inchli salomimni yo‘llayman.

Mard Shirog‘i yog‘iyarlarni bitta o‘zi yenggan yurt,
Dunyolarni Temur o‘g‘lin odil so‘zi yenggan yurt,
Yovni hatto To‘marisday jasur qizi yenggan yurt,
Qadding baland, bu kun seni butun dunyo oldi tan,
Shunday ulug‘ ajdodlardan bizga merossan, Vatan!

Bu mustahkam chegaramiz – muqaddas ostonamiz,
Ostonamiz tinch bo‘lsa gar, tinchdir ota-onamiz.
Chegarachi bo‘ldik mag‘rur, yorug‘dir peshonamiz,
Bu tuproqning har zarrasin jon-jonimdan sevaman,
Shunday o‘tli muhabbatga loyiq erursan, Vatan!

Bizga mardlik o‘tgan o‘shal mard ajdodlar qonidan,
Senga sodiq bo‘lib elning ogohmiz har onidan,
Qancha do‘stlar seni deya kechdi hatto jonidan,
Chegarachi bo‘lganimdan men ko‘ksimni keraman,
Joni fido mardlaringni unutmagaysan, Vatan!

Qishda, mayli, qorlar yog'sin, yozda kuydirlsin quyosh,
Chegaramiz bo'lzin, mayli, cho'lmi yoki tog'-u tosh,
Qasamyodda sobit bo'lib, turamiz berib bardosh,
Ummonlarday jo'shar doim qonimizda shonu sha'n,
Seni jonday asragaymiz, ey aziz, go'zal Vatan!

El-u yurtga sadoqatim qo'shig'i aslo tinmas,
Tinching uchun kecha-kunduz ko'zga uyqu ilinmas,
El tinch bo'lsa, chegaraning mashaqqati bilinmas,
Har bir qarich yering bo'ston, har qarich yering chaman,
Botir bo'lib talpinganim, topinganimsan, Vatan!



AYTIB BER!

Suriyadagi urush qurboni bo‘lgan yosh bolaning so‘nggi so‘zlari butun jahon ahlini larzaga soldi. Shifokorlar og‘ir yaralangan bolaning hayotini saqlab qolishga qancha urinmasin, barcha harakatlar behuda ketdi.

Endigina uch yoshga kirgan norasida go‘yo o‘lishini sezib, jon taslim qilar chog‘da, ko‘z yoshlari yuzini yuvib shunday dedi: «Hammangizning ustingizdan Allohga arz qilaman. Hammasini Unga aytib beraman».

Nadomatki, Yaratganga yolvorib,
Deyolmasman, murg‘ak jonin qaytib ber!
Ular seni o‘ldirdi, endi borib
Hammasini Allohingga aytib ber!

Notinch yurtning peshonasi sho‘r o‘g‘li,
Dunyo ahlin zor yig‘latgan zo‘r o‘g‘li.
Endigina uch yosh eding, go‘r o‘g‘li,
Hammasini Allohingga aytib ber!

Har yurakka hayratlardan tug‘ ilib,
Nima ko‘rding bu dunyoda tug‘ilib?
Yashamasin, desang meni bo‘g‘ilib,
Hammasini Allohingga aytib ber!

Qancha-qancha haddan oshgan boylar bor,
Burda nonga intiq holi voylar bor,
G‘arb atalmish gunohga g‘arq joylar bor,
Hammasini Allohingga aytib ber!

Aytgin, barcha shaytonga ulfatlarni,
Yosh boshingga tushgan g‘am, kulfatlarni,
O‘laksalar izlagan kalkatlarni
Hammasini Allohingga aytib ber!

Donolar xor, nodon o‘rnii to‘r bo‘ldi,
Kimki g‘o‘rnii yengsa, o‘sha zo‘r bo‘ldi.

Uch yoshingda yetgan joying go'r bo'ldi,
Hammасini Allohimga aytib ber!

Ezgulikni xo'p ezgisi borlar – G'arb,
Osiyonи osiylikka chorlar G'arb.
G'arbdan chiqqan quyosh kabi porlar G'arb,
Hammасini Allohimga aytib ber!

Fahsh otli ko'ngil ko'zi ko'rlarni,
Giyohvandlik dardi yuqqan zo'rlarni,
Dinni niqob aylagan terrorlarni,
Hammасini Allohimga aytib ber!

Doktorlar mot qismat degan «Farzin»ga,
Chora topmay ko'ksingdagi darzingga.
Qo'shilaman hamma-hamma arzingga,
Hammасini Allohimga aytib ber!

Tug'ilsayding o'zbek degan millatda,
Yashar eding minnati yo'q rag'batda.
Hurgina jon, endi borgin, jannatda
Hammасini Allohimga aytib ber!



DIL IZHORIM

Xursandchilik! Shu birgina so‘z insonning umrini go‘zallikka burkab, ko‘ngillarni farovon etadi. Xursandchilik bo‘lsa, odamning yashagisi keladi. U bor joyda, obodlik bo‘ladi, u bor joyga urush in qurmaydi. Xursandchilik – bu dunyoning eng go‘zal manzillariga olib borguvchi yorug‘ yo‘l! Biz to‘qqiz farzand, ya’ni olti o‘g‘il, uch qiz ilk bor hayot zavqini, yashash hissini tuyganimizda hammadan ko‘p xursand bo‘lgan inson onam bo‘lsa kerak...

Onajonim! Mening har bir kunim, siz hadya etgan hayotim poyingizga poyandoz bo‘lsin! Siz mening kamolimdan xursandsiz, men ham sizday mehridaryo ayolning farzandi ekanimdan baxtiyorman! Hamma eshitsin deb, bor ovozda bir gapni aytaman: «Onajonim, yaxshiyam sizning o‘g‘lingizman!».

Yozilmagin bo‘lib dard, g‘am, onamga sen,
Qilaverma jabru sitam, onamga sen.
Bardoshini sinayverma har lahzada,
Taqdir, aylab turgin karam Onamga sen!

To‘qqiz farzand tug‘ib yana yuribdi tik,
Mukofotla, yuragiga solma hadik.
Birortamiz kazzob bo‘lib ulg‘aymadik,
Evaziga bo‘lgan malham Onamga sen!

Halol mehnat bilan chiqqan uning tishi,
Undan jabr ko‘rmagandir biror kishi,
Mening shoir bo‘lganim ham uning ishi,
Xush damlarni ko‘rgin baham Onamga sen!

Baxting ko‘rsat, desang unga, bizni chorlar,
Mening baxtim shular deya nурday porlar.
Sovg‘a aylab hayotiga ko‘p bahorlar,
Takror-takror yubor ko‘klam Onamga sen!

Onam borki, bizga shartmas dur-marvarid,
Dillariga quvonch solib, dardin arit!
Otam bilan yuzdan oshsin, qo‘sha qarit,
Har kun qilib bergin bayram Onamga sen!

MUDHISH MANZARA

Shahidlar xotirasi muzeyida

Ilk bora bir qadam ichkari kirib,
Yuragim yo‘lbarsdek tortdi bir na’ra.
Bunda pichirlab ham bo‘lmas gapirib,
Go‘zal bino ichra mudhish manzara.

Kirganlar qolmoqda bir joyda to‘xtab,
Axir bunda ruhlar kezib yuribdi.
Birinchi bo‘lmada Dajjolga o‘xshab,
Qop-qora mashina bog‘liq turibdi.

Barcha qilmishlari rangidek zulmat,
Yurtim qay ko‘chasin daydib yelmagan.
Qani Usmon, qani Qodiriy, Fitrat,
Shu moshinda ketib qaytib kelmagan.

Bilmayman suratga tushmoqda qanday,
Odamlar qon bosgan moshin bilan, oh.
To‘ng‘iz go‘shtin yenish gunoh bo‘lganday,
Bu bilan rasmga tushish ham gunoh.

Devorga osilgan suratlar minglab,
Ularga termulib ming bora o‘ldim.
Muzey xodimasin so‘zlarin tinglab,
«Qatli om»ga tushib qolganday bo‘ldim.

Malomat qilaman o‘zimga o‘zim,
Hali yurt koriga yaray olmadim.
Qodiriy rasmiga tushgandi ko‘zim,
Uning ko‘zlariga qaray olmadim.

Xotirjam dilimdan orom yo‘qoldi,
Qumursqa alamlar ich-u tashimda.
Uyimga piyoda qaytdim, lek qoldi,
Qasoskor xayolim qora moshinda.

Bundayam bir hikmat bormikan, yo Rab,
Bizga nasib etding hurlikdan mastlik.
Ammo Cho‘lpon kutgan zamonda yashab,
Uyat, ularga xos yashab o‘tmaslik.

URUSH VA G'ALABA

Urush. Eh, atigi birgina shu so‘z,
Ikki jonnaing xudbin, nodonligidir.
G‘alaba. Atigi birgina shu so‘z,
Millionlab jonlarning qurbanligidir.

Urush – bu birinchi bo‘lmoqqa talab –
Ikki hukmronning musobaqasi.
G‘alaba – otasiz qolgan ming-minglab,
Bechora xalqimning bola-chaqasi.

Urush – bu to‘kilgan qon hisobiga
Yashovchi juft shayton, sira tinchimay.
G‘alaba – millionlab jon hisobiga,
Bayramga aylangan to‘qqizinchi may!



QALQON BOLAM

Yurtimizning mana shunday tinch va osoyishta kunlarga yetib kelishida o‘z jonlarini qurbon qilgan qahramonlarni eslash, ularni duolar bilan yod etish ushbu farog‘atli damlarda yashayotgan bizlarga qarzdir.

Vatan uchun jon fido qilgan dilbandidan faxrlanib yashayotgan onaning dilso‘zlarini sizlar ham eshitishingizni istadim.

Dog‘ing ezdi yuragimni, polvon bolam,
Qaddu bo‘ying endi menga armon, bolam,
Senday o‘g‘il o‘stirganimdan roziman –
Yurti uchun ko‘ksi tog‘day qalqon bolam.

Davralarda hamma ko‘nglim so‘raydilar,
Mard o‘g‘ilning onasi deb qaraydilar.

Vatan uchun jondan kechib xizmat qilding,
El yig‘lasa yig‘lading..., u kulsa kulding,
Yurt tinchligin go‘shangadan ustun bilding,
G‘ururi-yu, or-nomusi osmon bolam.

Bayramlarda meni gulga o‘raydilar,
Mard o‘g‘ilning onasi deb qaraydilar.

Qalbim faxru iftixorga to‘lib ketar,
Xazon bo‘lgan dil bahorga to‘lib ketar,
Qancha inson nom-nishonsiz o‘lib ketar,
Mening esa nomi elda doston bolam.

Tushlarimda hurlar sochim taraydilar,
Mard o‘g‘ilning onasi deb qaraydilar.

Qisqa umring davomida to‘g‘ri bo‘lding,
Yurak-bag‘ring shiddatli-yu cho‘g‘li bo‘lding,
Bir menimas, butun elning o‘g‘li bo‘lding,
Onang bo‘lganligim menga unvon, bolam.

Do‘srlaring bor, har kunimga yaraydilar,
Mard o‘g‘ilning onasi deb qaraydilar.

DEHQONLARIM

Eng bejilov shamolda ham hatto tinim bor,
Ammo tinim bilmas sizday og‘a-inim bor.
Mehnat bilan umringizda baxt bor, unum bor,
Dehqonlarim, tosh gullaydi imkoningizdan,
Tuproq darmon olar sizning darmoningizdan.

Turfa yurtlar, turfa ellar va ming turfa hol,
Qay yurtlarning dehqonlarin qo‘lida quro.
Shukurlarki, ketmon tutib yashaysiz halol,
Pokligingiz ayon kiygan chakmoningizdan,
Vatan obod baland uygan hirmoningizdan.

Bug‘doyzorni mavjlantirgan don ham sizniki,
Don sizniki bo‘lgach, demak, non ham sizniki.
Mehrimizga to‘la sharaf-shon ham sizniki,
Mehnat qilib chiqadirsiz armoningizdan,
G‘olib qayting doim mardu maydoningizdan.

Siz mehnatning zahmatini uqmay sevasiz,
Rag‘batidan o‘zingizga sig‘may sevasiz.
Bu Vatanni dalangizdan chiqmay sevasiz,
Qasrlardan afzal bilgan shiyponingizdan,
Bu hammasi chin, pokiza iymoningizdan.

Faxrdaman bu kun sizning shashtingiz ko‘rib,
Bog‘lar kabi obod dala-dashtingiz ko‘rib,
Beklar havas qilar surgan gashtingiz ko‘rib,
Ayirmasin, shunday go‘zal davroningizdan,
Dehqon degan eng savobli unvoningizdan.



TEMIRYO'LCHILAR

Tomir yoyib, mehr berganday
Go'yo yurak vujudni o'ylab.
Temir yo'llar xizmat uchun shay,
Bu kun butun o'lkamiz bo'ylab.

Siz-la xalqim murodga yetgan,
Dilga orzu yorligi – bu baxt.
Tomirlarday yoyilib ketgan –
Temir yo'llar borligi – bu baxt.

Temir yo'llar, temiryo'lchilar,
Izingizdan chaqnaydi chaqin.
Temir yo'llar, temiryo'lchilar,
Uzog'imiz siz bilan yaqin.

Tinim bilmay har shomu sahar,
Yashaysizlar elga hurmatda.
Sizlar sabab qishlog'u shahar –
Birlashgaydir qisqa fursatda.

Temir yo'lning nizomi butun,
Oliy talab – tartib, intizom.
Shu el uchun, aziz yurt uchun,
Bilmaysizlar tunu kun orom.

Uzatsak bas, yetar qo'limiz,
Bu kun yetdik yangi zamonga.
Shu xalq uchun temir yo'limiz –
Tutashmoqda butun jahonga.



FAVVORALAR

Ko'ngillarda jo'sh urgan
tuyg'udir favvoralar,
Dildan otilgan xandon
kulgudir favvoralar.

Oydan yerga zarkokil
yog'dular sochilganda,
Yerdan oyga sachragan
yog'dudir favvoralar.

Tongning chehrasin ko'rib
o'chgaydir tun sharpasi,
Buloq ko'zidan qochgan
uyqudir favvoralar.

Biri sokin, boshqasi
sharshara ohangida,
Yoqimli kuylar chalar
cholg'udir favvoralar.

Biri kamonday egik,
biri mag'rur sochilgay,
Shakli turfa, so'rog'-u
urg'udir favvoralar.

Ulardan zavq olgani
Botirlar kelsa mudom,
Hurkib har yon sakragan
ohudir favvoralar.



BOLALAR UYI

Bolalar uyining hovlisida o'ynab yurgan bir qizaloq onasini sog'ingan chog'i yerga bo'r bilan uddalagancha, katta qilib onaning rasmini chizib, rasmning bag'riga yotib olarkan. Shunda bir zumgina bo'lsa ham onasining bag'rida yotgandek his qilarkan o'zini. Bu voqeaneing menga eng ta'sir qilgan jihatni, o'sha qizaloq rasmdagi onasi bag'riga oyoq kiyimini yechib, so'ng yotarkan.

Dunyo dunyo bo'libdiki, bundan o'tar
Ayanchliroq manzarani ko'rgan emas.
Ko'z yoshining uvoli bor, bir kun tutar,
Arpa ekkan zinhor bug'doy o'rgan emas,

Onangman, deb nega sira kelmagaysan,
Kechalari sensizlikdan cho'chib yig'lar.
Unga nega alla aytib bermagaysan?
Uxlay olmay tizzasini quchib yig'lar.

Alamlisi, sog'inar sen tosh yurakni,
Ona degan nom neligin bilasanmi?
Vujudingning bir parchasi – bu murg'akni,
Shunchalik ham mehringga zor qilasanmi?

Mittigina yurakchasin ezib-ezib,
Tongin otib, kunin qanday botishin ko'r.
Xayolida eplagancha rasming chizib,
Suratdagi bag'ring ichra yotishin ko'r.

Onam kelar, deya rosa toldi bu qiz,
Orzuyining sendan o'zga cho'qqisi yo'q.
Bu odobni ayt, qaerdan oldi bu qiz,
Rasmingga ham oyoq bilan chiqqisi yo'q.

Bilsang agar bu e'zozga noloyiqsan,
Seni ona deganlarning haqqi ketar.

Sen kabilar shayton-la bir xaloyiqsan,
Qilmishlaring o‘z boshingga bir kun yetar.

Tavba qilgin, tavba qilgin, tavba qilgin,
Qahhor degan sifati bor Yaratganning.
Yo‘qsa joyi jahannamda deya bilgin,
O‘z bolasin yo‘liga zor qaratganning.



KITOGBA BEGONA BO'LGANLAR...

Kitobni ko'nglingga sham qilgin,
kitobdan yorug'roq ziyo yo'q,
Kitobga begona bo'lganlar,
shum nafsga parvona bo'lgaydir.
Kitobni ko'ngilda jam qilgin,
kitobda kibr yo'q, riyo yo'q,
Kitobga begona bo'lganlar,
oxir sho'r peshona bo'lgaydir.

Kitobsiz armonni yopish yo'q,
armonsiz imkon boy berilmas,
Kitobsiz omadni topish yo'q,
omadsiz zotga toy berilmas,
Kitobsiz ilmga chopish yo'q,
ilmsiz to'r dan joy berilmas,
Kitobga begona bo'lganlar,
joylari ostona bo'lgaydir.

Kitobday beminnat do'st yo'qdir,
bir do'stki, bag'ringni o'ymaydi,
Kitobday intizor ko'z yo'qdir,
hech qachon mehringga to'ymaydi.
Kitobday sehrli so'z yo'qdir,
o'zliging anglatmay qo'ymaydi,
Kitobga begona bo'lganlar,
o'zidan begona bo'lgaydir.



IBRAT OLGIN

O'g'lim Shokirjonga

Internet tarmog‘ida yelim xaltadan o‘ziga sport kiyimi tayyorlab,
kiyib olgan afg‘on bolasini ko‘rib, to‘g‘risi, yuragim achib ketdi.

O‘zgalardan ibrat olish yo‘q beburdda,
Yaxshi kunga shukur qilmay haddan oshar.
Bolajonim, olisdagi notinch yurtda
Qancha senday bolakaylar g‘amda yashar.

Qorni to‘ymas, burda nonga zor, och-nahor,
Usti yupun, boshpanasi yo‘q, behuzur.
Bolajonim, sening to‘rtta fasling bahor,
Yaratganga takror-takror ayla shukur.

Otang bo‘lib to‘rt yoningda borman tog‘day,
Bunday tog‘i qulab ketgan sho‘rliklarning.
Onang turar atrofingda ko‘rkam bog‘day,
Bunday bog‘i qurib bitgan sho‘rliklarning.

Ibrat olgin, bo‘lma aqli kaltalardan,
U jonlardan baxtu omad yuribdi chet.
Qara, kiyim kiygan yelim xaltalardan,
Egningdagi kiyimingning qadriga yet.

Sen Botirning o‘g‘limisan, har jihatda
Mardlik sari yo‘naltirgin jon-jismingni.
Sen tug‘ilgach, otajoning pok niyatda
Shokir qo‘ygan, shukur qilsin deb ismingni.

Bolajonim, shukur qilib yasha har on!

SO'NGGI QO'NG'IROQ

Jarang bir xil, ammo ta'sir turfa hol –
Birinchi qo'ng'iroq, so'nggi qo'ng'iroq!
Kecha yoqimligim bugun sal malol –
Birinchi qo'ng'iroq, so'nggi qo'ng'iroq!

Yuraklarda ajib hadik, hayajon,
Bir holim nurafshon, biri parishon,
Shirin diydor bilan, alamli hijron –
Birinchi qo'ng'iroq, so'nggi qo'ng'iroq!

Salom deb kelganim, xayr maktabim,
Bolaligim kechgan sayr maktabim.
Bir kuyi baxt, biri bitmas dard kabim –
Birinchi qo'ng'iroq, so'nggi qo'ng'iroq!

Goh toshadi, goho bo'shashar bilak,
Qo'ng'iroqdek titrar ko'ksimda yurak,
Biri shodon, birisi ma'yus tilak –
Birinchi qo'ng'iroq, so'nggi qo'ng'iroq!

Biz gulmiz, kun kunga uzatguvchidir,
Vaqt suyar tartibni, tuzatguvchidir.
Avval kutib, so'ngra kuzatguvchidir,
Birinchi qo'ng'iroq, so'nggi qo'ng'iroq!

Jarangingda tuydim duoning kuchin,
Yalinib tur, porloq kelajak uchun,
Chalinib tur, porloq kelajak uchun,
Birinchi qo'ng'iroq, so'nggi qo'ng'iroq!



ONA YER

Adashmasam, 2017 yil bahor faslining boshlari edi. Bir hafta davomida har kuni ikki-uch marta yer qimirladi. Uy shiftidagi qandil sharaqa-shuruqni boshlashi bilan hammamiz o'zimizni tashqariga urardik. Bu holdan qo'rqib qolgan qizim Zaynab hadik to'la ko'zlarini jovidirab savol berdi: «Dadajon, yer nega bunchalik ko'p qimirlayapti?».

Titramoqda tinmay ona yer,
Demang zinhor ayoz, qishlardan.
Titramoqda tinmay ona yer,
Bo'layotgan sovuq ishlardan.

Ayblamaylik shayton-u jinni,
Bunda yo'qdir uning gunohi.
Titratmoqda ona zaminni
Norasida go'daklar ohi.

Bilmam, shu dam nafsga berib zeb,
Vatanini kimdir sotgandir.
Tutday to'kay shundaylarni deb, –
Yer ham tez-tez titrayotgandir.

Qaerdadir noqobil farzand
Otasiga ko'targandir qo'l.
Shundan balki titrash bilan band,
Zamin shundan titramishdir mo'l.

Onalarning tinglab ohini,
Beun uvvos solayotgandir.
Johillarning tog' gunohini,
Ko'tarolmay qolayotgandir.

Shum ayollar baxt uchun loqayd,
Fahshiylikning mavjidadirlar.

Bilmam qancha erkaklar shu payt,
Vahshiylikning avjidadirlar.

Buzilmoqda hattoki tushlar,
Yelkaga xavf ortqilamoqda.
Turfa nizo, har xil urushlar,
Yer bo‘g‘zidan tortqilamoqda.

Alg‘ov-dalg‘ov bo‘lmoqda olam,
Qurimoqda mehr bulog‘i.
Titraydi yer, odamni odam
Titramasdan o‘ldirgan chog‘i.

So‘zim kimning tegar g‘ashiga,
Yo kimgadir bo‘larman kulgu.
Yerning timmay qimirlashiga
Men ojizning taxminlari shu.

Gapirmadim tilni nish qilib,
Dedim, Yerga ozor yetmasin.
Jaholatdan bezib, ishqilib,
O‘z o‘qidan chiqib ketmasin!



BOLALIK

O‘ttiz sakkiz yilim – o‘ttiz sakkiz tog‘,
Ortimda qolmoqda oqlik, qoralik.
Kecha eng yaqinim bugun eng uzoq,
Yillarim bolalik, yo‘lim – bolalik.

Ostona hatlasam – ko‘cha bechora,
Hamma o‘zi bilan o‘zi ovora.
Bugun qurg‘oq dala, kechagi bola,
Yomg‘irim – bolalik, do‘lim – bolalik.

Yo‘qsan, uzoqlarga uzo-o-o-q termulib,
Izlayman xayollar ichra ko‘milib.
Bugun g‘amlarga g‘arq, kecha cho‘milib,
Ust-boshi shalabbo, ho‘lim – bolalik.

Alamlar suykalar quchog‘in ochib,
Quyosh ham nur tutmas qahrini sochib.
Oftobda qoldirib, ketding-a qochib,
Salqinim – bolalik, so‘lim bolalik.

Rosti, tashvishlardan judayam toldim,
Uzr, birozgina vaqtingni oldim.
Kecha soyda edim, sahroda qoldim,
Daryo bolaligim, ko‘lim – bolalik.

Katta bo‘lmoq zavqi aylabon asir,
Ulg‘aymoqqa shoshib yelibman zir-zir,
Qadringni bilmagan Botirni kechir,
Eh, o‘zimning sodda, go‘lim – bolalik.



OTA HASRATI

Keksa otaxon qo'l telefonini ko'rsatgani ustaxonaga kiribdi.
Ustaning salomiga alik olarkan:

– Shu desang, manavi qurg'ur ishlamay qoldi, shuni bir ko'rib ber, tuzalsa, tuzatib ber, bolam, – deb telefonini uzatibdi. Usta uni obdan tekshirib:

– Ota, telefoningiz buzilmagan, mana, binoyiday ishlab turibdi-ku, – deya o'z telefoniga undan qo'ng'iroq qilib, isbotlab ham beribdi.

Telefonini qaytib olib, ustaxonadan chiqarkan, otaxon o'z-o'ziga g'udranib, debdi:

– Nega bo'lmasa, bolalarim menga qo'ng'iroq qilmaydi.

Xabar olgin qo'llaring bo'sh payt, bolam,
Bo'lma keksa jonimga loqayd, bolam.
Oyda bir sim qoqmasang bu qutining,
Menga nima keragi bor, ayt, bolam?!

Ortib kelolmasang bola-chaqangdan,
Kelmading, deb olmagayman yoqangdan.
Har kunmas, haftada bir bor yo'qlab tur,
Har lahza duoda bo'lay orqangdan.

Jon omonat bo'lib borar kun sayin,
Sog'indim, kel, yuz-ko'zingdan o'payin.
Hech bo'lmasa farzandlaringni yubor,
Sal qiynalib qoldim onangdan keyin.

Ulg'aytirdim seni topib ming iloj,
Boshim uzra ko'targanman misli toj.
Senga panoh bo'lgan tog'day bu ko'ksim
Bu kun endi mehringga juda muhtoj.

Ezgulikni yo'llaringga chiroq qil,
Kel, bir zumga yolg'izlikdan yiroq qil.

Ertaga bormanmi, yo‘qmi, bilmayman,
Ovozing eshitay, bir qo‘ng‘iroq qil.

Xabar olgin qo‘llaring bo‘sh payt, bolam,
Bo‘lma, keksa jonimga loqayd, bolam.
Oyda bir sim qoqmasang bu qutining
Menga nima keragi bor, ayt, bolam?!



ONA HASRATI

Otasiz bolalarini uyda qoldirib, tirikchilik dardida uzoqlarda
ishlab, sog‘inchda qiynalib yurgan onalar hasrati

Turfa qismat, turfa peshona,
Taqdir ayyor, taqdir juda shum.
Kimlar uchun sog‘inch begona
Va kimlardir sog‘inchga mahkum.

Qo‘lim ishda, xayolim sizda,
Yaratmasin ekan onani.
Demang, bizning taqdirimizda
Orom qani, halovat qani.

To‘ldiray deb ezilar bag‘ir,
Bir kam dunyo sira to‘lmaydi.
Tirikchilik o‘limdan og‘ir,
Sizlar borsiz, o‘lib bo‘lmaydi.

Sizlarni deb ovora, sarson,
Hatto yozda qishlab yuribman.
Birovlardan kam qilmay debon,
Olislarda ishlab yuribman.

Bolajonim, bu minnat emas,
Hasratlardan og‘rinib ketdim.
Menga mehnat hech zahmat emas,
Faqat sizni sog‘inib ketdim.

Ham otaman, ham onaman deb,
Ertangizni o‘ylab kuyaman.
Ayolman deb bermam o‘zga zeb,
Suysam faqat sizni suyaman.

Yaratgandan so'rayman shu tob,
Sog'inchlarga bo'lmayin bolish.
Ona uchun ekan zo'r azob,
Bolani tinch katta qilvolish.

Kelajakka umid bog'lab, bas,
Yurt koriga bo'ling sinmas bel.
Bu dunyoda armonim qolmas,
«Otangizga rahmat», desa el.



YOSHLIGIM

Qishlog‘imga, nihoyat, qaytdim,
Musofirlik kiyimin yechib.
Sog‘inchimning qo‘srig‘in aytdim
Balandparvoz so‘zlardan kechib.

Naql borki, qancha boqsang ham
Bo‘ri o‘rmon ichra boqadi.
Shahar emas shu qishloqqinam
Menga juda-juda yoqadi.

Tor ko‘chalar, pastak devorlar,
Menga aziz edi-ya qanday,
Tuyuladi manov chinorlar
Yoshligimni qaytib berganday.

Toychoq qilib tut shoxlaridan
Tuproqlarga ko‘milar edik.
Qochib oftob nigohlaridan
Loyqa suvda cho‘milar edik.

Kechalari xayol bir muddat
Ko‘zlamasdi sira olisni.
O‘shanda men o‘ylardim faqat
Tolpopuklar taqqan Xolisni.

Tinmasdik hech, vaqtning beomon
Sovurardik ko‘kka kulini.
Sakrardik qor yog‘yapti, debon
Shamol to‘ksa o‘rik gulini.

Yoshlikda biz nonni «nanna» deb,
Yalang oyoq kezardik sayoq.
Endi esa nonni tanlab yeb,
Endi oftob ko‘rmaydi oyoq.

Ana, o'sha biz o'ynagan bog',
Endi unda o'g'lim izchasi.
O'ynar, ana popukli – quvnoq
Xolisimning jajji qizchasi.



GAR NOLISAK...

Zulmat ichra o'tar mening tun-u kunim,
Men ham sizday ko'rgim kelar oy-quyoshni.
Lek Taqdirdan nolimasdan yashayman jim,
Faryod solib, toshga urmam aziz boshni.

Shukur deyman, oyoq-qo'lim salomatdir,
Gar nolisam, bu Xudoga malomatdir.

Ming bor shukur, ko'kka yetar bo'ylarimiz,
Har kun to'yga ulanmoqda to'ylarimiz,
Tirik jonning rizqin berar qodir Xudo,
Elga tinchlik so'rар duogo'ylarimiz.

Ne'matlarning eng yaxshisi halovatdir,
Gar nolisak, bu Xudoga malomatdir.

To'rt yonimda topganim chin yor-u do'stlar,
Bilinmaydi uncha-muncha kam-u ko'stlar.
Farzandlarim kulgusini eshitsam bas,
Xotirjamman, ko'rmasa ham mayli ko'zlar.

Qalbing bilan ko'rish ham bir karomatdir,
Gar nolisam, bu Xudoga malomatdir.

Kimga erta, kimgadir kech kelgay davron,
Kimilargadir bu kunlar ham bo'lgan armon.
Sinovlarga sabr qilmoq qanday go'zal,
Shunda o'zi qo'llar bizni buyuk Rahmon.

Shukur qilmoq mo'minlikdan alomatdir,
Gar nolisak, bu Xudoga malomatdir.

Taqdirim shu, ne qilsa bosh egadirman,
Noshukurga balki toshday tegadirman.

Ko‘zim ojiz bo‘lsa hamki, mehnat bilan
San’at ichra o‘z o‘rnimga egadirman.

Ko‘rmay turib, dunyo kezish tarovatdir,
Gar nolisam, bu Xudoga malomatdir.

Rozi bo‘ling, do‘sstar, go‘zal hayot uchun,
Bu dunyoga yechim bo‘ling, bo‘lmang tugun.
Dunyo shunday, oqshom ko‘rgan odamingni
Qaytib ko‘rmay qolishlik ham mumkin bugun.

Tiriklikning o‘zi ham zo‘r mukofotdir,
Gar nolisak, bu Xudoga malomatdir.



MEHNAT

Mening onam mehnat,
Mening otam mehnat.
Mehnat degani – men,
Mening bolam mehnat!

Mehnat – mening orim,
Mehnat – mening borim.
Men uni sevaman,
Mehnat mening yorim!

Go'shtim mehnat erur,
Po'stim mehnat erur.
Yuzim yorug' etgan –
Do'stim mehnat erur!

Mehnat desa shayman,
Zahrimni sochmayman!
Agar o'ldirsa ham
Mehnatdan qochmayman!

Mehnat bu farzimdir,
Hech bitmas qarzimdir.
Mehnat pok yashash-chun
Xudoga arzimdir!

Mehnat-la to'g'riman,
Yuragi cho'g'liman,
Meni mehnat tuqqan –
Men uning o'g'liman!



BILGANLAR

Mangu tirik zotga aylandi,
Xudo o'zi aziz qilganlar.
Yirik-yirik zotga aylandi,
Zarralarni ilg'ay bilganlar.

Kimdir pusib omonlik topdi,
Kimdir nafs deb har yonga chopdi.
Yelkasini vaqtida yopdi
Darralarni ilg'ay bilganlar.

Ko'p chinorlar bo'ldilar o'tin,
Yonib so'ngra bo'ldilar tutun.
Lek yuribdi hanuz bus-butun
Arralarni ilg'ay bilganlar.

Og'ir yo'llar bosdik begumon,
Yarim yo'lda qoldi qancha jon.
Yetib keldi bu kunga omon
Marralarni ilg'ay bilganlar.





BAXT

Muhabbatim topmoqda yakun,
Quvonchimga berildi barham.
Diydam qotdi hayotdan bu kun,
Ko‘zlarimga yosh bo‘lgin, Shabnam!

Tomirimda oqadi armon,
Tanamda qon qolmadi bu chog‘.
So‘nggi damda ko‘taray isyon,
Menga qon bo‘l, Lolaqizg‘aldoq!

Ishqning tafti kuydirmadi hech,
Yor istamas bo‘lmoqqa sirdosh.
Kel, falakdan jilovingni yech,
Meni kuydir, yondirgin, Quyosh!

Sevgi mendan o‘girmoqda yuz,
Bo‘lsam hamki bu tuyg‘uga qul.
Bahorimga chang solgin, ey Kuz,
Bundan ko‘ra so‘lganim ma’qul!

Ey Shamollar, bo‘lmangiz baxil,
So‘nggi bor bir orzuga yetay.
Chang-to‘zonlar ko‘taring og‘ir,
Men tuproqqa qo‘silib ketay.

Gumburla, ey Momaqaldiroq,
Chaqmoq, chaqna, yirtilsin falak.
Elga ayon bo‘lsin bir jumboq,
Menda ham bor yirtilgan yurak.



Ey Yomg'irlar, yog'ing tinmasdan,
Tuprog'imni suvlarga chaying.
Vafosiz yor uchun ham qasddan
Maysa bo'lib unib chiqayin.

Yor yo'lini bursin men tomon,
Ko'rib, mayli, bo'layin karaxt.
Mayli, qo'ysin ko'ksimga tovon,
Ezib o'tsa, shu ham menga Baxt!



MEN SENI YAXSHI KO'RAMAN!

Yaponiyada kuchli zilziladan so'ng qutqaruvchilar vayronalar ostidan bir ayolni topib olishdi. U cho'k tushib, go'yo sajdaga bosh qo'ygandek ko'rinardi. Qutqaruvchilar boshlig'i bir amallab qo'lini xaroba tirqishlari orasidan tiqib, uni ushlab ko'rdi. Afsuski, ayol allaqachon jon bergen ekan.

Boshliq jamoasini boshqa vayronalar sari boshlarkan, negadir muk tushgan ayol qiyofasi ko'z o'ngidan ketavermad. U ichki sezgiga bo'ysunib, yana o'sha vayronaga qaytdi. Tirqishlardan birini kattaroq ochib, jasadni yaxshilab ko'zdan kechirish uchun qaradi. Qaradi-yu, «Chaqaloq, chaqaloq bor ekan!» deb baqirdi. Jamoa boshlig'ining hayqirig'ini eshitib, hamma u tomon yugurdi. Qutqaruvchilar beton uyumlarini chetga surib, ayol jasadi ostida gulli choyshabga o'rالgan uch oylik chaqaloqni oldilar. Sho'rlik ona uyi qulayotganda zurriyodini o'z gavdasi bilan to'sib qolgan ekan. Chaqaloq barchasidan bexabar, osuda uxlardi.

Shifokorlar go'dak salomatligini tekshirish uchun choyshabni ochganda, uyali aloqa telefonini ko'rdilar. Voqeа guvohi bo'lган odam borki, telefon ekranidagi yozuvni o'qib, beixtiyor yig'ladi. Telefonda shunday so'zlar yozilgandi: «Bolam, agar tirik qolsang, yodingda tut, men seni yaxshi ko'raman!».

Qocholmaymiz biz, qismatga tutqun,
Ko'kka yetsa bas, shu bitta nolam.
Gar tirik qolsang yodingda tutgin,
Men seni yaxshi ko'raman, bolam!

Qismat odamga qo'yilgan tuzoq,
Shu tuzoqqa biz ilindik bu chog'.
Men uchun ham sen yashagin uzoq,
Men seni yaxshi ko'raman, bolam!

Gar tirik qolsang, baxtlarga to'lgin,
Men yetolmagan iqbolim bo'lgin.
Chin inson bo'lgin, zo'r olim bo'lgin,
Men seni yaxshi ko'raman, bolam!

Mensiz ham ko'rgin ko'p e'zoz, uxla
Yig'lama, qilmay e'tiroz, uxla,
Men mangu uxlay, sen biroz uxla,
Men seni yaxshi ko'raman, bolam!

Hech kimim yo'q, deb ayta ko'rmagicin,
Men yoningdaman, qayda bo'lmagicin.
Bunday ofatni qayta ko'rmagicin,
Men seni yaxshi ko'raman, bolam!

Sen quyoshday kul, men oyday botay,
Yangi tong bo'lib seni uyg'otay.
Yaxshi inson bo'l, go'rda tinch yotay,
Men seni yaxshi ko'raman, bolam!



GUL EDIM

Keyingi paytlarda hali balog‘at yoshiga yetmagan qizlarni erta turmushga berib yuborish holatlari tez-tez uchrab turibdi. Buning oqibati chindan ayanchli ekaniga yuzlab misollar keltirish mumkin. Quyida sizlarga havola etmoqchi bo‘lgan she’r otasining qistovi bilan 16 yoshga to‘lib-to‘lmay uzatilgan va oxir-oqibat nobud bo‘lgan qizning nolasi.

Gul edim, bog‘imdan erta uzdilar,
Murg‘ak hayotimning qasrin buzdilar.
Orzu-havaslarim dunyocha edi,
Bo‘g‘zimga nopolklar qo‘lin cho‘zdilar.
Gul edim.

Tonglarni shom qilar nafs bandalari,
Elni badnom qilar nafs bandalari,
Ko‘z yoshni sharobday quyib ichmoqqa –
Kaftini jom qilar nafs bandalari.
Gul edim.

Ona – ortimdagи ovvoraginam,
Yig‘idan ko‘z yoshi favvoraginam,
Taqdirim o‘nglashga ming bor urinib,
Erisha olmagan bechoraginam.
Gul edim.

Men netay, hayotga boqib ulgurmay,
Baxtsizman, baxt shamin yoqib ulgurmay.
Qumloqlarga singib quridi qancha –
Jilg‘alar soy tomon oqib ulgurmay.
Gul edim.

Dilimdan otilib chiqolmas faryod,
Sir bo‘lgan sevgimni qildilar barbod.
Haqli edim, sevgan yorim vasliga,
Yetmadim, yomonlar dastidan ming dod.

Baxtimni sotdingiz, jon otajonim,
Gunohga botdingiz, jon otajonim.
Hayot ato qilib, so‘ng xato qilib –
Qaylarga otdingiz, nomehribonim?
Gul edim.



MING RAHMAT!

Qayg‘u ulashishda hotamtoy Dunyo,
Hali bisotida ko‘pdir sitamlar.
«Bu dunyoda agar» – demish bir daho, –
Chang bo‘lmasa, ming yil yashar odamlar».

Menga kerak emas ming yillik hayot,
Balki ortiqchadir o‘ndan biri ham.
Bo‘lmasam ming yilning bir kunida shod,
O‘n asrga qaydan topaman chidam?!

Boriga shukur-ey, chang-u g‘uborning,
Serg‘alva umrimga qayrab turar tish.
Axir oson emas bevafo yorni
Ming yil unutolmay o‘rtanib yurish.

Ne o‘zgarar ming yil shu tanam savil,
Ruhimga yuk bo‘lib yuraversa jim.
Nega kerak axir g‘animning ming yil
G‘iybat qozonida qaynab yashashim?!

Bu kun qadr-u qimmat bo‘g‘izlangan vaqt,
Yetmish yoshli ota farzandga mazax.
Shu tobda ming yoshni ko‘zlar qay badbaxt
Va kimga kerakdir ming yillik do‘zax?

Ming yoshga kirmoqni baxt desalar, o,
Men voz kechar edim aynan shu baxtdan.
Izzatim borida ketganim a’lo,
Ketgan yaxshi qadrim nurab bitmasdan.

Yaxshiyam, baxtimga mavjud chang-g‘ubor,
Yo‘qsa, holim yana bo‘lar edi tang.
O‘zingga ming qulluq, ey Parvardigor,
Senga ham ming rahmat, barakalla, Chang!

QIZ UZATISH

Ko‘ngildagi eng shirin ahd –
qiz uzatish.

Ahdga yetmoq uchun zo‘r shahd –
qiz uzatish.

Odamzotda intilish bor
orzu sari,
Manglayda bor yana bir naqd –
qiz uzatish.

Inson yashar qancha-qancha
vaqtlar kechib,
Vaqtlar ichra eng go‘zal vaqt –
qiz uzatish.

O‘z ko‘nglingning bog‘i ichra
o‘sib, bir kun,
O‘zga boqqa ko‘char daraxt –
qiz uzatish.

Bu dunyoning taxtin istar
kishi bilsin,
Odam uchun eng baland taxt –
qiz uzatish.

Botir, bag‘ring tark etmog‘i
shart bo‘y yetgach,
Eng, eng, eng, eng og‘riqli baxt –
qiz uzatish.



O'ZGARIB KETDI

Uchrading-u menga bir bor, ey go'zalim,
hayotim o'zgarib ketdi.

Muhabbat madhin aytarda kuy, g'azalim,
bayotim o'zgarib ketdi.

Bir ko'rishda ko'nglim olding yo sehrlab,
yo atay ketding o'g'irlab,
Sening yoningga uchmoqqa xayol otli –
qanotim o'zgarib ketdi.

Yana bir bor uchrashishni zor kutarman,
ko'rmasam qandoq o'tarman,
Kutmoq uchun yo'q bardoshim, netay sabr-u
sabotim o'zgarib ketdi.

Sog'inch bilan noma yozsam jonim berib,
sham misoli erib-erib,
Ko'ngil uchun bir satr ham parim yurmas,
dovotim o'zgarib ketdi.

Hijroningni yengib bu kun Botir bo'ldim,
sevilmoqqa qodir bo'ldim,
Ismingga men g'azal yozib, go'zal, yozib –
savodim o'zgarib ketdi.



NE BAXT...

Ne baxtki, taqdirning qalam
ham qog‘ozi bilanman,
Dil torimni sozlab,
ma’rifatning sozi bilanman.

Adabiyot odobin yod aylamoq
chin maqsudim,
Gohi oshkor, gohi mavhum,
gohi rozi bilanman.

Bu go‘shada jamuljamdir,
zavqi teng katta-kichik,
G‘aflat ayozi bilanmas,
hikmat yozi bilanman.

Navoiyning navosi bor,
Hofizning xonishlari,
Shoh Boburning Hinddan kelar
xush ovozi bilanman.

Fuzuliyning fayzi bunda,
kamtar lutfi-la Lutfiy,
Rumiy kabi asliyatda
ulug‘ qozi bilanman.

Xayyomning bir ruboysi,
ming ayyomga sababdur,
Kitob – qadah, may g‘azaldur,
ishq mijozи bilanman.

Nuqib Mashrab asosi-la
asoslar xalqqa Haqni,
Netay, gohi Mahmudxonday
Balx dorbozi bilanman.

Gyotedan so'z boshlanib,
tugar goho Pushkinda,
Tarixning bir olam nurli
poyandozi bilanman.

Badihalar yozilganda
ustozlarga dil bog'lab,
Erkin Vohid, Abdulloning
sho'x parvozi bilanman.

Bul ijod, Soqiy Hayotning,
boqiy she'riyat uchun –
Aylagan niyozi bo'lsa,
shul niyozi bilanman.



ONA

Ona, ko‘pdir sizni ranjitgan paytim,
Men kabi notavon, sarkashdan uzr.
Goho sizdan aziz bo‘ldi bir baytim,
Goh sizni unutib, izladim huzur.

Taqdir to‘pday tepdi, ayblayman kimni,
Uchib sizdan ancha uzoqqa tushdim.
Sizning poyingizda turgan baxtimni,
O‘z poyimdan izlab tuzoqqa tushdim.

Yo‘lak bo‘lsam arzir yo‘lingizga men,
Ammo koringizga qachon yaradim.
Boshimni silagan qo‘lingizga men,
Dastxatga cho‘zilgan qo‘lday qaradim.

Qishloqda duodan ezgu o‘y qilib,
Poytaxtda baxt qasrim qurib qo‘yibsiz.
Har yil paxta terib, har yil to‘y qilib,
Payg‘ambar yoshiga kirib qo‘yibsiz.

O‘zimcha ko‘chada bekman, to‘raman,
Lek sizdan quvonchni aritgan menman.
O‘zimni judayam yomon ko‘raman,
Ona, sizni erta qaritgan menman.

Nega tiz cho‘kmoqni ko‘rmayapman ep,
Axir sизsиз mening shon-u sha’nim yo‘q.
Yuribsiz, o‘g‘limni el taniydi deb,
Men hali o‘zimni taniganim yo‘q.

Yetar, siz tomonga yurmas qadamning,
Izini tindirib tashlayman, ona.
Yetar, madhiyangizni yozmas qalamni,
Kerakmas, sindirib tashlayman, ona.

EY TONG

Daryo mavji yetsin sohiligacha,
Zuhro yetmoq uchun Tohirigacha.
Ey tong, meni uyg‘otib yubormay tur,
Tushimni ko‘rayin oxirigacha.
Ey tong!

Hayot asli ayriliqdan iborat,
Hech yo‘q tushda quray ishqiy imorat.
Er-yigitning tushi o‘ngga ishorat,
Tushimni ko‘rayin oxirigacha.
Ey tong!

Uyg‘onsam, shu‘langning mayin sasida,
Sandiq qolib ketar suv o‘rtasida.
Ular uchrashsinlar baxt o‘rdasida,
Tushimni ko‘rayin oxirigacha.
Ey tong!

Zuhroni deb, sho‘rlik sandiqda yotir,
Uyg‘otma yoriga yetguncha Tohir.
Qorabotir bo‘lib qolmasin Botir,
Tushimni ko‘rayin oxirigacha.
Ey tong!



O'ZING O'ZGARMASANG – OLAM O'ZGARMAS

Charxi dunyo aylanar o'sha-o'sha,
Manzil tomon shaylanar o'sha-o'sha,
Dilga mos dil saylanar o'sha-o'sha,
Ahvolim o'nglanmas, deb nolima, bas,
O'zing o'zgarmasang, olam o'zgarmas!

Yangilanar har kun bu eski o'lan,
Bir chalpak yog'ilmas ko'kdan, ming tilan!
«Almiysoq»da ahdlashganmiz Haq bilan,
Siyoh qurib bo'lgan, qalam o'zgarmas,
O'zing o'zgarmasang, olam o'zgarmas!

Hayot go'zal, kezay desang kezgulik,
Baxtlar talay, sezay desang sezgulik,
Borar yering yovuzlikmi ezgulik,
Yo'llar ko'pdır, ammo qadam o'zgarmas,
O'zing o'zgarmasang, olam o'zgarmas!

Goho rosting, goh hazil-huzuling bor,
Dunyo shunday goh dard, goh huzuring bor,
Bir o'zingning ming nuqson, qusuring bor,
Kasallik turfa xil, malham o'zgarmas,
O'zing o'zgarmasang, olam o'zgarmas!

Ko'zingni och, mayli, hechdan ko'ra kech,
O'z dilingning tugunlarin o'zing yech!
O'zgartirmoq istama olamni hech,
Deysan, kuyib: – Nega nolam o'zgarmas,
O'zing o'zgarmasang, olam o'zgarmas?!

Mehrli bo'l, bo'lsin ishqidan diling cho'g',
Mehr tekin, muhabbatning narxi yo'q,
Botirmisan, kim bo'lsang ham farqi yo'q,
U-bu dema, u ham, bu ham o'zgarmas,
O'zing o'zgarmasang, olam o'zgarmas!

FASLLAR JANGI...

Kuzning sariq rangin guppa-guppalab,
Tuni bilan oqqa belab chiqar qor.
Qilmasa ham hech kim bu ishni talab,
Kun kelgach, qorni ham eritar bahor.

Bahorni saraton yoqib muttasil,
Kuzga tutar yana olam oltinrang.
To‘rt buyuk sarkarda misol to‘rt fasl,
To qiyomat qadar qilar shunday jang.



TOG'LAR

Bahor kelganida yashnab betinim,
Kuz kelgach, xazonga aylanar bog‘lar.
«Donolar dunyoni kuzatarlar jim»,
Indamay yashaydi donishmand tog‘lar.

Xastalar ingraydi xorman, deb xasdan,
Behad haddan oshar noshukur sog‘lar.
Million yil o‘tsa ham pinak buzmasdan,
Indamay yashaydi donishmand tog‘lar.

Yo‘qsillar tinmaydi bor bo‘lmoq uchun,
Borlar istagancha ko‘nglini chog‘lar.
Qordan bag‘ri butun, seldan bag‘ri xun,
Indamay yashaydi donishmand tog‘lar.

Visoldan, hijrondan o‘rtanar oshiq,
Bulbulga hasadni bas qilmas zog‘lar.
Arslon-u jayronga teng bag‘ri ochiq,
Indamay yashaydi donishmand tog‘lar.

Jilg‘alar qo‘shilgach toshar soy bo‘lib,
Nodonlar jam yerda qazilar chohlar.
Lolaga, yantoqqa birday joy bo‘lib,
Indamay yashaydi donishmand tog‘lar.

Ulardan ibrat ol, qudrat ol har dam,
Botirsan, bir g‘amga chekma ming ohlar.
Boshida chaqmoqlar qilich chopsa ham,
Indamay yashaydi donishmand tog‘lar.



MUHABBAT VA AQL

*Muhabbatning birinchi nafasi
aqlning oxirgi nafasidir.*

Antoni Bred

Kun sal yonboshlasa, xuruj qilar tun,
Qayg‘u paydo bo‘lsa, g‘oyibdir shodlik,
Murosa bor joyga yo‘lamaydi xun,
Xiyonat bor joyda bo‘lmas obodlik.

Bahorning o‘rnini egallaydi Yoz,
Qaroqchi Kuz kutar, Yoz karvonini.
U oltin rangi-la aylasa pardoz,
Qish kelar Kuzakning so‘rab jonini.

Demakki, har nening kushandasibor,
Bular xususinda elda ko‘p naql.
Nafs guli gullasa so‘lar guli or,
Muhabbat tug‘ilsa, o‘ladi Aql.

Bu tuyg‘u hukmron bo‘lgan ko‘ngilda,
Aqlga zarracha qolmaydi toqat.
Bulbulning xayoli hamisha gulda,
Unga telba bo‘lib yashamoq rohat.



KIM BO'LDIM?

O'zingsan azaliy, abadiy borim,
Taqdiring oldida faqat jim bo'ldim.
Marhamating cheksiz, Parvardigorim –
Kecha kim edim-u, bugun kim bo'ldim?

Qancha qilganlarim bo'lgach besamar –
Hatto yaqinlarim hazar qildilar,
Sen nazar qilganding, nazar qildilar
Kecha kim edim-u, bugun kim bo'ldim?

Mehnatim ro'yobga oshib turibdi,
Do'stlar qirg'og'idan toshib turibdi,
Nigohlar men tomon shoshib turibdi,
Kecha kim edim-u, bugun kim bo'ldim?

Tunlar o'tmishimga bo'ylab qolaman,
Goh farzandlarimga so'ylab qolaman,
Yo shirin tushmi, deb o'ylab qolaman,
Kecha kim edim-u, bugun kim bo'ldim?

Qudrating oldida taslimman, qulman,
Himmating oldida bir hovuch kulman,
Sen qo'llab turmasang bir chaqa pulman,
Kecha kim edim-u, bugun kim bo'ldim?

Adashtirib qo'yma to'g'ri yo'limdan,
Doming ushlab yursin ikki qo'limdan,
Shukur, omad berding o'ngu so'limdan,
Kecha kim edim-u, bugun kim bo'ldim?

Sen berding ilkimda tutgan borimni,
Endi dog'lab qo'ymay sha'nim, orimni
Unutib qo'ymayin poydevorimni
Kecha kim edim-u, bugun kim bo'ldim?

Boshim osmondadir, mehrim shu yerga,
Nomardlik xos emas ismiki erga,
Nafim tegib qoldi, ming shukur, elga
Kecha kim edim-u, bugun kim bo'ldim?

Menga hurmat berding, ob qo'ymasang bas,
Hadikda yuraman har zum, har nafas,
Bugun ko'plar menga qilmoqda havas,
Kecha kim edim-u, bugun kim bo'ldim?

Boshimni egaman Sening poyingda,
Bir umr turayin aytgan joyingda,
Mastman bugun shunday baxt saroyingda,
Kecha kim edim-u, bugun kim bo'ldim?

Tangrim manmanlikni mendan uzoq qil,
Ilyonni nafsimga har dam tuzoq qil.
Shu so'zni bir umr menga so'roq qil –
Kecha kim edim-u, bugun kim bo'ldim?



AYOLINGIZ

Do'stlar, kamol tilasangiz,
kamoliningiz – ayolingiz,
Ko'zguga hech boqmang,
asli jamoliningiz – ayolingiz.

Sizga bog'liq uning barcha
achchiq-chuchuk fe'l-atvori,
Gohi mayin shabboda,
goh shamoliningiz – ayolingiz!

Dilingizda ne-ne savol
borki, uning javobi bor,
Lek dunyoda bir bejavob
savoliningiz – ayolingiz!

Ayol – jumboq, bu jumboqni
mardlar yechar sevib-sevib,
Yo'qsa, laziz onlar uvol,
uvoliningiz – ayolingiz.

Esni yig'ing, ko'cha-ko'yda
daydi qilmay xayollarni,
Shu taqdirga ko'ning,
shirin xayoliningiz – ayolingiz.

Alloh chevar, har vujudning
o'ziga mos libos bichgay,
Barcha qilgan yaxshi-yomon
a'moliningiz – ayolingiz!

Ey botirlar, Haq sizga bir
halol ne'mat bergen bo'lsa,
Unutmangiz, o'shal bitta
haloliningiz – ayolingiz!

XABARING YO‘Q

Vasling kuni deb yonsa ham joni omoning bor
 yorim, xabaring yo‘q,
Mushtoq bo‘libon yo‘lingga rangi somoning bor,
 aslo nazaring yo‘q.

Gulgun yuzingga maftun o‘lib qolmadi toqat,
 ko‘nglimda farog‘at,
Desamki, yorit, men kabi zulmat osmoning bor,
 afsus qamarining yo‘q.

Soching torini bog‘lab olib jonima mahkam,
 men oshig‘i bekam,
Yursam shodumon o‘q otdi, qoshi kamoning bor,
 ammo zararing yo‘q.

Kunduz boqayin gul yuzingga desamki takror,
 bo‘lgancha umidvor,
Mundoq qarasam, shoming ayon, ham xuftoning bor,
 nechun saharing yo‘q?

Nozing alami jondan o‘tib qonga ulandi,
 so‘ng ayladi bandi,
G‘amzang mayida jonnii o‘rtovchi nordoning bor,
 qand-u shakaring yo‘q.

Holimni ko‘rib ketsin desang, chiqib jon kabi,
 chaqsang chayon kabi,
Yorim, Botirni o‘ldirmoqqa ming imkoning bor,
 garchi zaharing yo‘q.



FIDOYILIK

Sohibini suyguvchi
qul – fidoyilik,
O‘chog‘idan uchmagan
kul – fidoyilik.

Har kim ham o‘z yerin
obod etavermas,
Chamanini yashnatgan
gul – fidoyilik.

Yo‘qotgach o‘z ko‘zi
ochib ko‘rganini,
Boshqa yorni istamas
tul – fidoyilik.

Isming Botir, bu
fidoyi deganimas,
Jisming botir bo‘lgani
shul – fidoyilik!



BOR BO'LSANG...

Bo'ying Shohimardon tog'iga qiyos,
Ikki qoshing unda sakragan ohu.
Ikki yuzing biri oy, biri quyosh,
Bir ko'zing – Sirdaryo, birisi – Amu.

Kipriging to'riga ilinar har jon,
Dudog'ing bol qaynar chashmaga sohil.
Zulflaring nigohlar o'qiga nishon,
Ipak yo'li misol uzundir kokil.

Ko'ngling tog' havosi kabi musaffo,
Orzuying o'xhashi – beg'ubor oq tong.
Yuraging soatday urar bexato,
Toshkent kurantiday ko'ksingdagi bong.

Qadaming yetgan joy – chamanzor, gulzor,
Xayollarim unda maftun kapalak.
Sen yo'q joylar – sahro, sen yo'q dam – ozor,
Bor bo'lsang falakman, yo'q bo'lsang yo'lak.



XOTIRA

Xotira – qalbimning tor hujrasida
Mudrab yotgan keksa, ulug‘ mo‘ysafid.
Negadir bahorning tong nafasida
Uyg‘onib, borligin qiladi ta’kid.

Nogahon notanish joylardan chiqib,
Tanish qiyofalar uchraydi goho.
Hurlik kelar yoqqa ilhaq, ko‘z tikib,
Intizor turadi Qodiriy bobo.

Yurak tipirchilar, rahmimni yemas,
Sinib ketgudayin ko‘ksim qafasi.
Sho‘x esgan shabboda shabboda emas,
U Usmon Nosirning o‘ksik nafasi.

Xotira – o‘tmishning qaytishi degan –
Nafis tashbehlardan porlaguvchi baxt.
Xotira – tiriklar nishonlaydigan
Va ruhlar shod bo‘lar eng muborak vaqt!



MAQTANAMAN...

Yaratganga deyman shukur, bolasiman shul onaning,
Yuzlаридан taralar nur, bolasiman nur onaning,
Alaflarga yot bo‘lgan ul bolasiman gul onaning,
Ajinlari ko‘zlarimga ko‘ringaydir misli chaman,
Men onamni maqtamayman, onam bilan maqtanaman.

Ma'yus tortsa yuragimga alamlarning tig‘i botar,
Kulganida nigohida eng munavvar tonglar otar,
Duolari ertam uchun dilda umidlar uyg‘otar,
Bag‘ri Vatan, unga tomon uchadirman misli saman,
Men onamni maqtamayman, onam bilan maqtanaman.

Iymoni sof, vijdoni pok, mustahkamdir e’tiqodi,
Avlodga jonkuyar yana unutilmas ajdod yodi,
Onalar bor, tillaridan shodi kirib, chiqar bodi,
Har so‘zining novvotligin o‘zi menga g‘urur-u sha’n,
Men onamni maqtamayman, onam bilan maqtanaman.

Shukri bir on to‘xtamaydi, Haq zikridan bir dam tolmas,
Noshukurlar hasratini o‘chirgaydir, qulq solmas.
Botirlarni tug‘ib qo‘ydim; deb o‘zidan ketib qolmas,
Hamma buni tan oladi, hamma unga bergaydir tan,
Men onamni maqtamayman, onam bilan maqtanaman.



NAVRO'ZDA

Chehrasida quyosh kular
olamning Navro'zda,
Ko'nglida baxt gullaydi
har odamning Navro'zda.

Turfa gul-u ko'chatlarni
orqalab sahardan –
Bog'bonligi tutib ketar
otamning Navro'zda.

Boshginamni silab duo
qilsalar qo'lidan,
Sumalakning isi kelar
onamning Navro'zda.

Bahor vasfin kuylasam gar
qo'limga soz olib,
Avj pardasi ko'tarilgay
nolamning Navro'zda.

O'rik gulin shabbodasi
derazam ochadi,
O'zgaradi ko'rki hovli,
xonamning Navro'zda.

Ogoh bo'lib yashaydi yurt
tinchidan Botirlar,
Ko'zlarida quvonch porlar
bolamning Navro'zda.



O'RTASIDA

Xudo urgan yashaydi
nafs o'rdasida,
Xudo suygan toj bilan
taxt o'rtasida.

Dard o'rtasi dargohidir
hasadgo'yning,
Havas ahlin xonasi
baxt o'rtasida.

Kimdir yuz yil yashab yo'qday
va yo kimdir,
Asrlarga tatir oz
vaqt o'rtasida.

Jon fidolar aro ko'plar
yashar, go'yo
Chirmovuqlar o'sgan
daraxt o'rtasida.

Saxiylikda Hotamga dars
berarlar bor,
Baxillar bor doimo
naqd o'rtasida.

Botirsan, Haq yo'lidan hech
ortga qaytma,
Yurma hadik bilan
karaxt o'rtasida.



AYOL

Qumsiz sahroni hech sahro deb bo‘lmas,
Suv siz daryoni hech daryo deb bo‘lmas,
Dunyo ayol bilan yoqimli, totli –
Ayolsiz dunyoni dunyo deb bo‘lmas.
Ayol degani bu – bog‘ to‘la guldir,
Ayol – aziz ona, opa-singildir.

Jismidan farzandga jon ato etar,
Ro‘zg‘orim – borim, deb jon fido etar,
Yori jonim desin, bolasi onam –
Zahmatni yengmoqqa shu so‘zlar yetar.
Ayol degani bu – gardsiz ko‘ngildir,
Ayol – aziz ona, opa-singildir.

Ayol har yumushni do‘ndirib yashar,
Boshiga baxt qushin qo‘ndirib yashar,
Uni ojiz demang, zaifa demang,
Borni bor, yo‘g‘ini yo‘ndirib yashar.
Ayol degani bu – yorug‘ manzildir,
Ayol – aziz ona, opa-singildir.

Husni kechalarni nurafshon etgan,
Doim sabri bilan murodga yetgan,
Yaralgan bo‘lsa ham qovurg‘amizdan,
Bu kun jonimizga aylanib ketgan.
Ayol bu dunyoda yagona tildir
Ayol – aziz ona, opa-singildir.



MENDAN KEYIN

Nolam shu – chekmasin bolam
ranj-u alam mendan keyin,
Ikki olam to'kmay jolam,
unsin lolam mendan keyin.

Yaratganning hukmin inkor
etib, zinhor bo'lmasin xor,
Uzilmasin hidoyatga
bog'liq tolam mendan keyin.

Hurkak iymon misli jayron,
ketsa ko'ngil uyi vayron,
Tun ko'rmasin bolamdag'i
yorug' xonam mendan keyin.

Obod uyim, ozod kuyim
bo'lmasin bir uyum buyum,
Davom etsa yo'qdir da'vom
o'tli nolam mendan keyin.

Xo'p xavotir yashar Botir
kimki uni qilmas xotir,
Balo emas, bola bo'lzin
barcha bolam mendan keyin.



KELUR

Sadoqat ishq otashida
joni omondan kelur,
Xazon fasli hijronlarda
rangi somondan kelur.

Jononlarga baxt atodir
ul g‘arib jonlar sabab,
Jonlarga ham aslida jon,
o‘shal jonondan kelur.

Oshiq ahli rozi barcha
ishqiy jabr-u sitamga,
Xokisorlik unga yerdan,
kenglik osmondan kelur.

Muhabbatning shevasi hech
millat-u el tanlamas,
Chunki u tillarda paydo emas,
Rahmondan kelur.

Nafs o‘ti qaynatmasa gar,
ilohiy ishq chashmasin,
Oshiqlarga baxt yer-u ko‘k,
ham to‘rt tomondan kelur.

Sevaman deb rost aytmoqlik,
har kima o‘lmas nasib,
Botir, bu so‘z faqat Xudo
suygan zabondan kelur.



UQUBAT

Uqubat solib boshlarga,
Shayton sozini chalar,
Cho‘miladi ko‘z yoshlarga,
Nafsiqa qul kimsalar,
Dardlari pul kimsalar.

Hech qachon rost so‘ylamas,
Ezgulikka bo‘ylamas,
Yurt sha’nini o‘ylamas,
Nafsiqa qul kimsalar,
Dardlari pul kimsalar.

Bahoring xazon aylar,
Sevgingi arzon aylar,
Orzuying armon aylar,
Nafsiqa qul kimsalar,
Dardlari pul kimsalar.

O‘g‘lin qo‘sib qullarga,
Qizin sotib pullarga,
Og‘u separ gullarga,
Nafsiqa qul kimsalar,
Dardlari pul kimsalar.

Aldanma, ilondek chaqar,
Ogoh bo‘l! So‘zlari yoqar,
Odam sotib, bola boqar,
Nafsiqa qul kimsalar,
Dardlari pul kimsalar.

Kechirsa bo‘lar ursa musht,
Odama xos hatto urush,
Odammasdir, odamfurush –
Nafsiqa qul kimsalar,
Dardlari pul kimsalar.

AYOLLAR YOMON

Shirin xayolimni to‘zg‘itar shamol,
shamollar yomon,
Bilmam yorim kimni suradi xayol,
xayollar yomon.

Yangi oy eslatar yorning qoshini,
sho‘x qaroshini,
Uning ikki qoshi ikkita hilol,
hilollar yomon.

Oy yuzin oq bulut to‘sgan kechada,
ko‘rdim ko‘chada,
Yorim yuzlarini to‘sibdi ro‘mol,
ro‘mollar yomon.

Sevasizmi, desam chiqib yo‘lidan,
tutib qo‘lidan,
Qo‘rqaman, javobsiz qolsa bu savol,
savollar yomon.

Ayol ko‘ngli nozik, hajrida har kun,
bo‘lsam bag‘ri xun,
Oshiqligim unga kelmasmi malol,
malollar yomon.

Yor beparvo o‘tsa aylab xavotir,
qo‘rqmagin, Botir,
Jim yurib jonidan sevadi ayol,
ayollar yomon.



EY GULDAHANIM

Ey guldahanim, vasling uchun mayli beray jon,
hech aylamagin noz,
shod bo'lmasin ag'yor,
Bir boqishingga yozib beray g'azal-u doston
ham chalib beray soz,
ham aytayin alyor.

Man oshiq o'lib, oh demadim hijronlaringda
sog'inching ezsa ham,
qadrimga yet, sanam.

Har dam seni deb yer bo'laman, sen esa osmon,
gul yuzingda pardoz,
menda qolmadi or.

Oh, zulflaringning torlariga ilinib qoldi
netayki nigohim,
yo shumi gunohim?

Gar gunoh bo'lsa kechirgin-u, ayla benuqson,
ko'p ko'nglim ichra roz,
senga etay izhor.

Yaxshi bilasan, oshiq dilim chashmayi zilol,
xohlasang ichib yur,
istasang kechib yur.

Ne desang degin, barchasiga roziman, jonon,
qilmayman e'tiroz,
hatto bersang ozor.

Ko'ksimni bosib yuragimda qoldir izlaring,
qadaming menga baxt,
alaming menga baxt.

Bil, Botir uchun sevgi ulug', oshiqlik unvon
mehring aylama oz,

SEVGI NIMA?

Sevgi nima, har kimda turfa javob,
Quyoshning zaminga boqqani – sevgi.
Sevgi nima, qirlarni qilgach tavof,
Jilg‘alarning soyga oqqani – sevgi.

Sevgi nima, udir harorat asli,
Sevgidir har dilga uning yuqqani.
Sevgi nima, sevgi jasorat asli,
Nozik giyoh yerni yorib chiqqani.

Sevgi nima, ko‘ksing ichra pinhona,
Yor, deb urib turgan yurakdir sevgi.
Sevgi nima, sevgi mehribon ona,
Va uning qo‘lida go‘dakdir sevgi.

Sevgi nima, bog‘larga bo‘lib chimmat,
Ko‘zlarimni quvnatgan sevgi – yaproq.
Sevgi nima, sevgi oltindan qimmat,
Kindik qoning to‘kilgan aziz tuproq.

Sevgi nima, sevgi dildagi chaqin,
Sevgi – shirin tuyg‘ularga ibtido.
Sevgi – bizga o‘zimizdan-da yaqin,
Bizni sevib, sevdirgan qodir Xudo!



MEN SENI SEVAMAN

«Men seni sevaman», bu bir jumla, gap,
Uchta so‘zdan hosil qilingan ma’no.
Sanang, o‘n to‘rt harf turibdi saf-saf,
Va uning ortida mingta muammo.

Mingta muammoni hal qilsa bo‘lar,
Baribir ko‘ngilning jomi to‘lmaydi.
«Men seni sevaman» deyilmasa gar,
Ishoning, bu dunyo dunyo bo‘lmaydi.



MALIKALARGA XOS

Dilni yoqishlaring
malikalarga xos,

Qoshlar qoqishlaring
malikalarga xos.

Mani hayronligim
g‘aribga o‘xshaydi,

O‘tli boqishlaring
malikalarga xos.

Sani visolingga
etishmoq osonmas,

Nozli chaqishlaring
malikalarga xos.

Nafis kaftlariningi
xino bilan bezab

Chizgan naqshlaring
malikalarga xos.

Mani xayolimni
to‘ldirib soy kabi,

Mag‘rur oqishlaring
malikalarga xos.

Bosh ustiga bir juft
tovus patlarini,

Gulday taqishlaring
malikalarga xos.

Botirni hajringda
qul bo‘lishin kutding,

Yorim, xohishlaring
malikalarga xos.

AXTARARMISH

Oshiqlar visolga
imkon axtararmish,
Go'yoki oyini
osmon axtararmish.

Jayronning yo'lini
sayyod poylaganday,
Har oshiq ko'ngilni
hijron axtararmish.

Hijrondan bu jonni
bardosh asragaydir,
Sabri yo'q oshiqni
gumon axtararmish.

Gumonlar yurakka
solar o'z g'uborin,
Gard ham o'z-o'ziga
makon axtararmish.

Yorini izlamoq
Odam Atodandir,
Shundan oshiq yorin
hamon axtararmish.

Dardga nishon bo'ldim,
yo'qdir qoshi kamon,
Hanuz nishonini
kamon axtararmish.

Jonlar jononini
istarmish har mahal,
Jonlarni ham har on
jonon axtararmish.

Hijronlar vahmiga
o'tmas Botirliging,
Ular ishq yo'lida
qurban axtararmish.

KOKILLARI TOLIM-TOLIM

Yorim ortga qaytmay, ahididan qaytdi,
Malol kelganimni bemalol aytdi.

Begonamas, onamning yuzi edi,
U tog'dagi tog'amning qizi edi.

O'zim ahmoq, urug'-aymoqni sevdim,
Qaymoq qolib, momaqaymoqni sevdim.

Yorning shunday ahdi ahdsizligidir,
Mensiz topgan baxti baxtsizligidir.

Rosti, meni qildi oyoq osti yor,
Meni oyoq osti qildi, rosti, yor.

Yuzim qaro yor xoliday – holim shu,
Kokillari tolim-tolim – zolim shu.

Ishq bobida o'ta xasis ekan yor,
Xasislikda mutaxassis ekan yor.

Bebahralik bilan men bahramandman,
Balki shunday – bandalik bilan bandman.

Alam minib olgan xayol otimga,
Ega chiqmoqchiday xayolotimga.

Noshukurlikmas, o'smaday o'smadim,
Tarixga tariqcha yolg'on qo'shmadim.

Yorim ortga qaytmay ahididan qaytdi,
Malol kelganimni bemalol aytdi.

BOSHQASI BEKOR

Mani dardimga tabibsanki,
sandan boshqasi bekor,
Malhamingbop bir xastamanki,
mandan boshqasi bekor.

Yor shirin so‘z aytsa oshiqning
tunida tonglar otar,
Talxi hijron oni shirin
suxandan boshqasi bekor.

Bilurman, jonima rohatijondir
dargohing har dam,
Gulsevar bulbul chaman der,
chamandan boshqasi bekor,

Derlar, bulbulga afzaldur
tikon oltin qafaslardan,
Man uchun ham o‘shal san bor
Vatandan boshqasi bekor.

Manga ishq mavjing avj ayla,
to vujudimda jon mavjud,
Jonsiz jasadga bir enlik
kafandan boshqasi bekor.

Botir yurak ham darz ketar,
dars bermasang muhabbatdan,
Muhabbat asli oliv fan,
bu fandan boshqasi bekor.



MUMKIN...

Seni sevib qolmoqlik mumkin,
Yozish mumkin vasfingga g‘azal.
Minglab oshiq hajringda tun-kun,
Bo‘zlamog‘i mumkindir, go‘zal.

Sendan yurish mumkindir yiroq,
Qilmaslik ham mumkindir havas.
Nafratlanish mumkindir, biroq,
E’tiborsiz qoldirib bo‘lmas.



SOG‘INCH NIMA O‘ZI?

Sog‘inch nima o‘zi, ko‘rinmas tog‘mi,
Yelkam uzra menga og‘ir qaraydi?!
Sog‘inch nima o‘zi, o‘tkir taroqmi,
Jon tomirlarimni tirmab taraydi?!

Yurak yo‘q ko‘ksimda urgan yurakday,
Bir kunda qadring ming bilinib qoldi.
Daraxtga ilinib qolgan varrakday,
Chehrang xayolimga ilinib qoldi.

Kelmasang uch kunda bo‘laman abgor,
Sevgilim, holimga boqmagin loqayd.
Sog‘inch – dard, bu dardga bitta chora bor –
Uzoq qolib ketma, yonimga tez qayt!

ATAYLAB

Olis yo'ldan sani, dilbar,
 ko'rgani keldim ataylab,
Zabun holim ila holing
 so'rgani keldim ataylab.

Chimrilar man tomon har dam
 ikki qoshing o'rog'i, yor,
Shu o'rog'-la ishq hosilim
 o'rgani keldim ataylab.

Kun bo'yi baxt porlab, ey voh,
 tolisqa agar tun bo'yi,
Kiprigingda baxt uyqusin
 qo'rgani keldim ataylab.

Noz-u karashmang yarashgay
 ozori manga ma'quldur,
Sabrning kosasi yanglig'
 to'lgani keldim ataylab.

Oshiqlaring ko'pligidan
 olmagaydurman xavotir,
San uchun bir umrlik yor
 bo'lgani keldim ataylab.

Sanga yetmoq uchun, jonon,
 tug'ildim oshiq bo'lib men,
O'ldirsa ishq Botir bo'lib
 o'lgani keldim ataylab.



QOSHI KAMONLARDAN

Oshiq dilim chandig‘i
qoshi kamonlardandir,
Qoshi kamonlar jabri
ancha zamonlardandir.

Orzu bor ekan inson
yashar yetmoq uchun ham,
Manzilgacha bu yo‘llar
faqat armonlardandir.

Manzilga kim munosib,
kimdir undan benasib,
Yetmoqqa umidvorlik
go‘zal iymonlardandir.

Yo‘l zahmati, yor hajri
oshirgay ishq qiymatin,
Demak, baxt qadri yormas,
asli hijronlardandir.

Chin muhabbat tuhfasi
ikki dunyoga yetgay,
Bular Taqdir ko‘targan
baland xirmonlardandir.

Sohibi ishq boshingga
solsa turli sinovlar,
Botir, bosh eg, bu farmon
ulug‘ farmonlardandir.



QIYNOQ

Xayr, orzu, xayr, maqsadlar,
Xayr, mayli, ey ishqiy tug‘yon.
Bizlar bo‘ldik tirik jasadlar,
Kel, loqaydlik, kelaqol, armon.

Kelyapsanmi, do‘stim nadomat,
Xo‘rsiniqni haydab bo‘g‘zimga.
Yelkamga chiq, egilsin qomat,
Kishan sol bu o‘tli so‘zimga.

Afsuslarga butkul g‘arq qilgin,
Baxtni qo‘msab otlangan Dilni.
Hironginam, tig‘ing-la tilgin,
Sevdim degan bu shakkok Tilni.

Azizim, tosh, yuribsan qayda,
Menga zarur bo‘lding bu palla?!
Yuragimni ko‘ksimdan hayda,
Va o‘rnini o‘zing egalla!

Ey qariya Bardosh, alvido,
Paymonang ham to‘lganga o‘xshar.
Shuncha kutdik, bo‘lmadi vafo,
Muhabbat ham o‘lganga o‘xshar.

Bardoshginam, o‘laver, mayli,
Qasd ayladi Sevgi joningga.
Shu badkirdor Sevgim tufayli,
Ishonchim ham borar yoningga.

Loqaydlik, kel, ishingni boshla,
Kulgumga sanch ayamay bigiz.
So‘ng yuzimdan supurib tashla,
O‘rniga muz suratini chiz!

Rahm-shafqat, mendar keting tez,
G‘azab kelar, ko‘tarib to‘qmoq.
Ko‘nglimning keng ko‘chasi shu kez,
Bo‘lmoqdadir xatarli so‘qmoq.

Samimiylit yuzini dog‘lab
Ey Soxtalik, bosing g‘ubor-chang.
Ezgulikning qo‘llarin bog‘lab,
Oyog‘imning tagiga tashlang.

Bevafoning jabri jonomga
Tamt‘a bo‘lib qoldi bosilib.
Ayriliq, kel, mening yonimga,
Kel, bo‘ynimga qolgin osilib.

Kelajak, sen o‘chir beshafqat,
Xotiramning qora husnini.
O‘tmishdan iz qoldirma, faqat
O‘chirma bir Uning ismini.



O'XSHATMASA, UCHRATMAS...

Mag'rur tog'da mag'rur sor,
o'xshatmasa uchratmas,
Menday so'z demaysan, yor,
o'xshatmasa uchratmas.

Yulduzlar ko'z uzmasdan
oyga parvona har tun,
Seni deb men ham bedor,
o'xshatmasa uchratmas.

Daydi shamollar yo'lin
har dam to'sar qoyalar,
Hislar nozingdan bezor
o'xshatmasa uchratmas.

Majnuntol egar boshin
beparvo anhorlarga,
Men ham yo'lingda beor,
o'xshatmasa uchratmas.

Gul yashnaydi chamanda,
fig'onlar chekar bulbul,
Sen shodumon, men abgor,
o'xshatmasa uchratmas.

Oy-quyosh, yulduzlarning
osmoni bor bag'ri keng,
Botir uchun o'zing bor,
o'xshatmasa uchratmas.



QIZG‘ON

Yoqqan yomg‘ir dema osmondan,
Uning asli bahri ummondan.
Do‘stim, rashkni zolimlik dema,
Ko‘ngildagi rashk ham iyondan.

Onangdan ham so‘ralishing bor,
Opangdan ham so‘ralishing bor,
Singlingni ham bo‘sh qo‘yib qo‘yma,
O‘z ipingga o‘ralishing bor.

Vafoli yor so‘ragin doim,
Suluv bo‘lsin, bo‘lsin muloyim,
Iymonga boy shirin qiz so‘ra,
So‘raganing berar Xudoyim.

Onaday pok izingni qizg‘on,
Opang – yorug‘ yuzingni qizg‘on,
Singling – ko‘ngil bog‘ingning guli,
Ayolingni, qizingni qizg‘on!

Boringni har davraga qo‘shma,
Yoringni har davraga qo‘shma,
Qizing yengil-elpi kiymasin,
Oringni har davraga qo‘shma!

Bunga mas’ul etildik bizlar,
Bizdan qolsin pokiza izlar.
Do‘stim, bilib qo‘y, o‘z mahramin
Qizg‘onmaydi faqat to‘ng‘izlar!



OMAD

*Aytishadiki, barvaqt turgan odamning omadi chopadi,
yo 'q, barvaqt turganda kayfiyati yaxshi bo 'lgan
odamning omadi chopadi.*

Marsell ASHAR

Ertalabki soat to 'qqiz,
Qo 'shni uydan ovoz keldi:
— Yotavermay tur, ey ho 'kiz,
O 'liklar ham turib bo 'ldi.

O 'g 'il turar «uf» tortgancha,
Yo 'qsa hali yotar edi.
Shunday o 'tgan kunlar qancha,
Har tong shunday otar edi.

Ishlash uchun hafsal yo 'q,
O 'g 'il sabrin jomi to 'lgan.
Onasiga der urib do 'q:
— Siz tengilar o 'lib bo 'lgan.

Qarg 'ish otli mal 'un so 'zlar
Tutib ketar mahallani.
Bu uyda uyquli ko 'zlar,
Eshitmagan hech allani.

Shu joydadir barcha daydi,
Barakasi yo 'q daromad.
Bu eshikka yo 'lamaydi
Pok dil izlab yurgan Omad.

Dadam turar subhi sodiq,
Bomdod namoziga shoshib.
«Rizq kirar, deb, tursa ochiq»,
Darvozamiz qo 'yar ochib.

Omad degan oljanob,
Chiqishmaydi razil bilan.
Dadam tongdan qilar xitob,
Onamlarga hazil bilan:

— Qani, Sora, menga qara,
O'mingdan tur, buyoqqa yur.
Idishda suv, yuz-qo'ling yuv,
Gapirma ko'p, bo'lasan to'p.

Uyqu qochar shu lahzadan,
Kulgu bilan boshlanar kun.
Balki Omad qildi Vatan,
Uyimizni shuning uchun!

Xudo bergen bu omonat —
Omad yaxshi odamniki.
Meni quchib yurgan Omad,
Asli ota-onamniki.



SO'NGGI SO'ZING

Ko'zlariningni unutib qo'ydim,
Eslab bo'lmay qoldi yuzingni.
Ko'p urinib bag'rimni o'ydim,
Lek unutmam so'nggi so'zingni.

Qoshing qanday, eslay olmayman,
Qaysi rangga bo'yarding labing.
Soching qanday, islay olmayman,
Lek yodimda oxirgi gaping.

Kular eding qanday, hayronman,
Yodimda yo'q nigohlaring ham.
Lek unuta olmay vayronman,
O'sha so'nggi so'zingni, sanam.

Yurishlaring qanday edi-ya,
Ha, aytgancha, isming nimaydi?
Xotiramni shum vaqt yedi-ya,
Biroq so'nggi gaping qiynaydi.

Yodimda yo'q senga tegishli,
Biror narsa yo biror holat.
Ammo hamon chayonday nishli,
O'sha so'zing azoblar faqat.

Aytgan eding: Bevafolik – dard,
Ammo siz bu darddan o'lmaisiz.
Siz men bilan bo'lishingiz shart,
Boshqa bilan baxtli bo'lmaisiz.



Oh, bu gaping qarg‘ishga o‘xshar,
Hadik meni qamchilar tinmay.
«Zahar»laring, ayt, qachon to‘xtar,
Yuragimga tomchilar tinmay.

O‘sha so‘zing kuydirdi meni,
Ilon kabi bag‘rim qildi in.
Unutganim singari seni,
So‘zingni ham unutay, omin.



UCHRAGAYDIR

Ko'kni ko'zlagan uchqur
uchchoqqa uchragaydir,
Pastkash baland olovli
o'choqqa uchragaydir.

Aqli butun zotlarning
rizqi ham to'liq bo'lgay,
Bo'm-bo'sh boshlar mag'zi yo'q
po'choqqa uchragaydir.

Tekin luqma birgina
tuzoqda bo'lgay, inon,
Kimki tekinxo'r, bir kun
tuzoqqa uchragaydir.

Qahri zo'rga do'st erur
qahraton qahrlilar,
Mehri bor qalb mehribon
quchoqqa uchragaydir.

Bahoringda ne eksang,
o'rilgay kuzingda shu,
Bunda yanglishgan o'zi
o'roqqa uchragaydir.

Hisob-kitobli umr
omonat har insonga
Bunda har jon javobgar,
so'roqqa uchragaydir.

Neki ish qilsang, Botir,
bajar o'z vaqtin bilib,
Bevaqt qichqirgan xo'roz
pichoqqa uchragaydir!

ABADIY ARMON

*Sham odamlarga yorug 'lik berib, o 'zi yonib tugaydi
Nosuriddin Rabg'uziy*

Orzularga yostiqdir kunda,
Jallod Armon shimaradi yeng.
Orzularim qo'lsizdir bunda
Armonlarning qulochlari keng.

Qo'lidagi chaqmoqdek qilich,
Talpinadi Orzu joniga.
Yo'qdir biror umid, bir ilinj,
Armon chanqoq uning qoniga.

Behol ingrar pokiza Orzu,
Qismatiga berolmasdan dosh.
Ezgulikning deya holi shu,
Qaltiraydi hattoki Bardosh.

Jon hovuchlab turibdi Yurak,
Qilichning shum isyonlaridan.
Bir zarbada qorayar Falak.
Hur Orzuning oq qonlaridan.

Shahid ketdi Orzuyim sho'rlik,
U Yuragim farzandi edi.
Bepusht Armon qilgancha zo'rlik,
Bechoraning boshini yedi.

Bu Hayotning Armon tufayli,
Yo'qday yurgan bitta Boriman.
Orzu mendan hamisha ayri,
Men Armonning xizmatkoriman.

Manglayimda bitik bu sitam
Va bitilgan yurishlik omon.
Taqdirimning sarlavhasi ham –
Armon, Armon, abadiy Armon.

G‘amdan aslo asramam jonni,
Mayli, bo‘lsin kamu ko‘stlarim.
Men chalg‘itib turay Armonni,
Siz Orzuga yeting do‘stlarim!



SAMIMIY ISTAK

Bir davrada menga qadah uzatildi. Men umuman ichmasligimni aytdim. U inson hayratdan yoqasini ushlagudek bo'lib, «Iye, ichmasdan qanday yozasiz, shoir, ilhom ichganda zo'r keladi, deyishadi-ku?», deb qoldi... «Bo'Imagan gap», dedim, zarda bilan. Ozgina shirakayf bo'lib olgan davradoshimiz, «Botirjon, xafa bo'lmang-u ichmasligingizda, to'g'risi, hayron qoldim. Chunki, shoir desa, xayolimga shisha, shisha desa, shoir keladigan bo'lib qolgan», dedi. Men u insonga haddidan oshayotganligini aytib, chegaradan chiqmasligini eslatdim. U uzr so'radi, ammo dilim g'ashligicha qoldi.

Men she'mni, she'riyatni tuzuk-quruq tushmaydigan bu insondan ranjimadim. Haqiqatga tik qarab aytsak, qaysidir darajada u haq edi.

Habbob bin Arat(r.a) Rasululloh(s.a.v)dan shunday naql etidi: «Ichkilik ichishdan saqlaning. Chunki ichkilikning yomonligi boshqa yomonliklarga manba bo'ladi. Xuddi tokning boshqa daraxtlar ustiga chirmashib chiqib, egallab olganidek».

Hazrat payg'ambarimiz(s.a.v) aytdilar: «Huzurimga Jabroil kelib shunday dedi: «Ey Muhammad, Alloh taolo sharobni, uni siqqanni va siqdirganni, ichganni, tashiganni va unga yordam berganni, sotganni, sotib olganni, ichuvchiga berganni, ichkilik sotiladigan va tarqatiladigan yerlarni (mayxona va shu kabilarni) la'nat etdi».

Shunday ekan, so'z ahlini, ijodkor ustozlarim, aka-ukalarim, do'stlarimni Yaratganning la'natiga qolishlarini zinhor istamayman.

Mast qiladigan ichimliklar hammasi harom!

Bu mening gapimmas, Alloh kalomi,
Mast aylar ichkilik qilindi harom.
U mavjud davralar – shaytonning domi,
U ichilgan onlar – iblisga orom.

Pokiza rizqni ham yesa o'sha chog',
Baribir yuqmaydi yegani, e voh.
Xudoning qaytargan amalin qilmoq –
Unga osiy bo'ldi degani, e voh.

Haqqa osiy bo‘lgan o‘scha holatda,
Kimningki, she’ri-yu qissasi bordir.
Aniq ishonaman, o‘scha ijodda,
Allohma, shaytonning hissasi bordir.

Anglagan uchramas baloyi zarbga,
Buni tushunmagan nafsiga asir.
Yana ishonaman, iymonli qalbga,
Uning yozganlari qilmagay ta’sir.

Xudo u asardan fayzni ko‘tarar,
Ko‘p o’tmay «soviedy», qolar «muz»likda.
Asli nopoklikdan ko‘rsa ham «zarar»,
Lek, xalqni ayblar savodsizlikda.

Bizga so‘z san’ati ayladi-nasib,
So‘zbonlikni berdi so‘zning Sohibi.
Demak, mayxo‘rlikni qilmaylik kasb,
So‘zdan uzilmasin iymonning ipi.

Tan-u jonga bo‘lsin taqvomiz malham,
Mastu alastlikning tushmasin dog‘i.
Daryo-daryo qilib ichganlarning ham,
Ko‘rdik, birortasin chiqmadi shoxi.

G‘amga yetaklaydi nopoklik nuqul,
Qalam ahlin Haq deb yursin qadami.
Odob doirasida yurgani ma’qul,
Adabiyot shaxsi, adab odami.

Taqdirdoshlarimga so‘rayin panoh,
Tilay, ikki dunyo yursinlar omon.
Ichkilikdan qaytsin, astag‘firulloh,
Xudo ursa yomon, so‘z ursa yomon!

SHOIR

Do'stim, qulog'ingga aytar gapim bor,
O'zingga do'stni sen shoirdan izla.
Senlasang, o'zingni senlagin takror,
Va lekin shoirni e'zozla, sizla.

Ey go'zal, qarama, shart emas ko'zgu,
Shoir bag'ishlovin bir bor o'qib ber!
So'z bilan rasmningni shunday chizgan u,
Asli eng chiroyli surating – shu she'r.

Yonidan o'tmagin beparvo, loqayd,
U sening eng aziz hamdam, habibing.
Dardingni tortinmay, borib unga ayt,
Davoying o'shanda, o'sha tabibing.

Shul sabab bunchalar bo'lmay takabbur,
She'r bilan nafas ol, she'r bilan yutin.
Umringdan topayin desang gar huzur,
Shoирга do'st bo'lgin, she'rga do'st tutin.

Majnunshior shoir Haqqa yolborar,
Layli – ilhom pari unga doyadir.
Yozayotgan mahal yuksalib borar –
She'rning har bir satri pillapoyadir.

Shu ham ishmi, deya boqma bepisand,
Shoirlik bo'lmasin senga kulgilik.
Shoir qalb elining dardi bilan band,
Har she'ri u uchun bitta ko'rgulik.





ZAHMAT TUG‘ILADI...

Istehzolar – soxta, kibor janoblar,
 Mazax bilan banddir o‘ttiz ikki tish.
 Bunda chidamlarga o‘zini toblar,
 Zahmatga homilador qizg‘in – ona Ish.

Zahmat tug‘iladi hali, hademay,
 Parvarish qiladi uni ming dardlar.
 Kurashar bir bora toliqdim demay,
 Majnun – mashaqqatlar, Layli – mehnatlar.

Zahmat tug‘iladi, g‘animlar, do‘srlar,
 Tug‘ilgan ondayoq chiqar so‘zları.
 Ochilar yo‘rgakdan har kurtak ko‘zlar,
 Ular – haqiqatning olmos ko‘zları.

Bu Yurak – Tashvishgoh, oling xavotir,
 Sizning tashvishingiz bir chetda qolar.
 Baribir tug‘ilar bu Zahmat – botir,
 Ishoning, ishyoqmas, ey Istehzolar!



YETAR...

*Muruvvat barcha bermakdir, yemak yo 'q,
Futuvvat barcha qilmakdir, demak yo 'q.
Alisher NAVOIY*

Yetar, Botir, kam gapir, o't amalga,
Ish girdini qamrabon ol qamalga.

Ko'p gaping ko'rsatib qo'ygay puchingni,
Mehnat bilan namoyon et kuchingni.

«Quruq qoshiq og'iz yirtar» bu haq gap,
Faqat so'zlab zahmatga bermagin chap.

Bo'g'zingdan olmasin gaping ishqilib,
Biroq, odam o'lgan emas ish qilib.

Senda ko'p jonzotda yo'g'i – aql bor,
«Ko'p gap eshakka yuk» degan naql bor.

Gapdan qorin to'ymagaydir hech qachon,
Lekin jondan to'ydirgaydir begumon.

Oson o'sgan neki bor, u tez so'lar,
Jon koyitsang, umring xayrli bo'lar.

Oq qog'ozning ko'rki husnixat bilan,
Odamzotning hurmati mehnat bilan.

Tilim uzun bo'lsin desang shuni bil,
Qayda bo'lma, gapingni kaltaroq qil!

Hamma bilar – ikki karra ikki to'rt,
Gapni bas qil, tez amaliy ishga o't!

TILAK...

Bir qashshoq ro'zg'orning jon ipi
Yana ham tortildi beomon.
Chunki bu xonadon sohibi,
Hayotdan ko'z yumdi nogahon.

Ayoli qismatga berib tan,
Eriga jannatdan joy so'rar.
Besh yashar bolasi onadan
Zorlanib, non so'rar, choy so'rar.

– Onajon, u jannat qanday joy,
Qiyinlik qilmasmi dadamga?
– Toychog'im, u yerda hamma boy,
Ochlik xavf solmaydi odamga.

– Rostdanmi, ochmasmi hech qorni,
U yerda yurarmi tippa-tik?
Jannatda rosa ko'p non bormi,
Non bo'lsa, bizlar ham o'laylik?!

– Jon bolam, o'limagin, mingga kir,
Ulg'aygin, sen tezroq bo'l katta!
Zo'r inson bo'lsang gar benazir,
Yaxshi kun keladi albatta.

Haloldan badavlat bo'lsang gar,
Sho'x bo'lar so'ng g'amgin kuyimiz.
Beqiyos baxtlarga to'lsang gar,
Jannatga aylanar uyimiz!

O'tinchim – kuymagin hech mandek,
Bolangning otasi o'lmasin!
Farzandim nonga zor bo'lgandek,
Farzanding nonga zor bo'lmisin!

OMONIM BAHOR

Kurtakko‘zlar bilan boqar shirin xayolli,
Qish bag‘ridan omon chiqqan omonim bahor.
Astagina nozlar bilan bulutro‘molli –
Quyosh bo‘lib yuzin ochar jononim bahor,
Qish bag‘ridan omon chiqqan omonim bahor.

Turfa chechaklarga burkar ariq labini,
Sezgan kabi oshiqlarning nozik ta’bini.
Gohi sharros yomg‘ir bo‘lib aytar gapini,
Majnuntolli ko‘rkam, yashil ayvonim bahor,
Qish bag‘ridan omon chiqqan omonim bahor.

Yaproq yozgan novda misol yashnaydi dillar,
Dil yashnagach go‘zal bo‘lar barcha manzillar.
Tog‘ – boshidan qor arimay, bag‘rida gullar,
Chaman-chaman so‘zli, shirin zabonim bahor,
Qish bag‘ridan omon chiqqan omonim bahor.

Ona yurtim, ota yurtim jamolidir bu,
Yel misoli sho‘x farzandlar kamolidir bu,
Ko‘ngli ko‘klam elning haqqi halolidir bu,
Poyandozim, vale qadri osmonim bahor,
Qish bag‘ridan omon chiqqan omonim bahor.

Uyg‘on, dilim, uyg‘on, tilim, uyg‘ongin, nolam,
Uyg‘on, yurak, uyg‘on, tilak, uyg‘ondi olam,
Uyg‘ondi tog‘, ko‘z ochdi bog‘, mudrama, bolam,
Bolalikday qisqa davru davronim bahor,
Qish bag‘ridan omon chiqqan omonim bahor.



UMRIM KITOBİ

Varaq-varaq o'tadi har kun,
Umrim – kitob, har bobি yilim.
Kunlarimdan yorishmas nechun,
Vujudimning oftobi dilim?

Hayotimdan topolmay ma'no,
Chiqib ketgim keladi jonday.
Anvarman deb chaqirsam, Ra'no –
Mehrobimdan chiqar chayonday.

Umr nadir, yashamoq nadir,
Turfadir har kimning javobi.
O'qilmasdan titilmoqdadir,
Xudo yozgan – umrim kitobi.



O'ZIM HAQIMDA...

Zahmatlarda sha'nimni,
Yillab yiqqan Odamman.
Gapi rostdir g'animing –
Changdan chiqqan Odamman.

Qo'ymasa ham shum armon,
Oxir topdim shuhrat-shon,
Asli yuzi za'faron –
Rangdan chiqqan Odamman.

Tortmay hech kimning ta'bi,
Joyim edi jar labi.
Keraksiz buyum kabi –
Zangdan chiqqan Odamman.

Kecha edim yolg'iz, toq,
Bugun har yonim o'rtoq,
Men bir qismati cho'loq –
Langdan chiqqan Odamman.

Baxt sabrimga berdi tan,
Omadlar aytdi o'lan,
Tinmay yo'qchilik bilan,
Jangdan chiqqan Odamman.

Mening kechgan umrim shu,
Endi kenglik davrim bu,
Botir bo'lsam ham tor-u –
Tangdan chiqqan Odamman.



TILAGIM SHUDIR

Bolalarimning onasiga

Kim uchundir bu dunyo rohat, kimga qayg‘udir,
G‘am ko‘rmadim hech, buni, mayli, butun el bilsin.
Shu hayotda sen bilan yashab, tilagim shudir –
Seni menga tanishtirganlar jannatga kirsin.

Sen-la o‘tgan har lahzamda xush – navodadirman,
Men faqat baxtli inson yashar dunyodadirman,
Sochlaringni silab har kuni duodadirman –
Seni menga tanishtirganlar jannatga kirsin.

Quvonaman senday dildorga yor bo‘lganimdan,
Yana seni gul hayotingda bor bo‘lganimdan,
Kuymam endi o‘z sevganimga zor bo‘lganimdan,
Seni menga tanishtirganlar jannatga kirsin.

Taqdiridan kim rozi bo‘lsa – o‘sha men, yorim,
Kimning baxtdan pardozi bo‘lsa – o‘sha sen, yorim,
Ko‘zlaringga qarab aytaman, so‘nggi iqrорим –
Seni menga tanishtirganlar jannatga kirsin.



YOLG‘IZ AYOLLAR

Hech kim o‘z joniga yomonlikni ravo ko‘rmaydi, ammo bilibmi, bilmaymi, o‘zlarini azoblar qa’riga otayotganlar ham talaygina. Ayol – bu mashaqqatlar chigilini yechuvchi, kerak bo‘lsa, bu yo‘lda jordan kechuvchi ulkan matonat egasidir. Biroq shunday muqaddas nomni xiralashtirayotgan, bir arning ko‘ngliga yo‘l topa olmay, qaynona-qaynotaning kelinim ham qizim-ku, deb bergen tanbehini «hazm» qila olmay, jordan aziz oilasidan, turmushidan, shirin-shirin farzandlar oromidan kechib, o‘z ko‘nglining ko‘chasida yurgan ayollar har qadamda uchrab turibdi. Ularning biriga aka, biriga uka, yana boshqasiga do‘sit sifatida insof so‘rab aytaman... Ko‘zingizni oching, yaxshi kuningizni oldindan izlamang, uni ortda qoldirib ketyapsiz. Tez ortingizga... Oilangizga... Farzandlaringizga qayting.

Unutmang, yot, begona sherdan, yomon er afzal.

Qalbimni cho‘qiydi quzg‘un – savollar
Nahotki, sizda yo‘q shirin xayollar
Chaqinning umricha dunyoda sizga –
Yolg‘izlik yaxshimi, yolg‘iz ayollar!?

Oyday chiroyingiz dardlarga malham
Lek unga quvonib yurmang sira ham
Me’yoridan oshsa yoqmas shira ham
Yolg‘izlik yaxshimi, yolg‘iz ayollar!?

Sizlar asli baxtning poydevorisiz
Butun bir millatning sha’ni, orisiz
Nechun dilingizning dilozorisiz
Yolg‘izlik yaxshimi, yolg‘iz ayollar!?

Hamma ro‘zg‘orda ham kam-u ko‘st bo‘lar
Shul dam dono ayol – shirin so‘z bo‘lar
Shunda baxt sizlarga doim do‘sit bo‘lar
Yolg‘izlik yaxshimi, yolg‘iz ayollar!?

Erni er qilguvchi, mushfiq yor bo'ling,
Biroz og'ir bo'ling, xokisor bo'ling,
Umringiz o'tmoqda tez, hushyor bo'ling
Yolg'izlik yaxshimi, yolg'iz ayollar!?

Atrofga bir boqing naqd ko'rinati,
Turmushli ayolda ahd ko'rinati,
Yig'lasa yoshida baxt ko'rinati,
Yolg'izlik yaxshimi, yolg'iz ayollar!?

O'zingiz bir yonda, yoringiz bir yon,
Aro yo'lida qolgan farzandlar giryon,
Hatto yolg'izlikni suymaydi chayon,
Yolg'izlik yaxshimi, yolg'iz ayollar!?

Yolg'izlik birgina – Yaratganga xos,
Sizdan qizingizga baxt bo'lsin meros,
Yolg'izlikka ko'nib qolmang, iltimos,
Yolg'izlik yaxshimi, yolg'iz ayollar!?

Hech yoqmadni, demang yozgan bu bayting,
Turmush deb atalgan baxt tomon qayting!
Ko'zlarimga qarab rostini aying,
Yolg'izlik yaxshimi, yolg'iz ayollar?!

Yolg'izlik yaxshimas, aziz ayollar!



VATAN NIMA?

Vatan nima, ko‘ngilning shu savoli ham Vatan,
Javob uchun har yon uchgan xayoli ham Vatan.

Vatanlardan bir lahzaga uzr so‘rab aytay,
Bu Vatanning esib turgan shamoli ham Vatan.

Vatan desa, yer maydoni ko‘rinmasin ko‘zga,
Uning fayzi, uning ko‘rku jamoli ham Vatan.

Bu Vatanda inson uchun jondan shirin ne bor?
Jondan shirin farzandlarning kamoli ham Vatan.

O‘g‘lim Temur bobosiday mard bo‘lsa, Vatani tinch,
Qizginamning onam bergen ro‘moli ham Vatan.

Bu bog‘larni bog‘ qilguncha shaftoliday pishdik,
Tosh otmasdan toting uni, zardoli ham Vatan.

Botir, hurlik peshonamiz terlaridan bunyod,
Shunday ekan, halol elning haloli ham Vatan.

Darbadarki navnihol hatto joni uvol,
Aslida eng uvollarning uvoli ham Vatan.



SHIFOKORLARGA...

Qaysidir zo'ravon qonatdi burning,
Yana bir mushtumzo'r ko'r qildi ko'zing.
Qolmay borayotgan edi o'z o'rning,
O'tmayotgan edi hech kimga so'zing.

Og'zida tili bor har qanaqa kas
Seni istagancha qildi haqorat.
Bilardim bu qilmish o'rinli emas,
Bilardim, toptalar ediadolat.

Ohi tutar bag'ri kuyuk zotlarning,
El boshiga keldi bir «tojdor balo».
Ibn Sino kabi buyuk zotlarning,
Avlodin xo'rlatib qo'ymaydi Xudo.

Bu kun senday aziz, senday ulug'vor –
Biror bir inson yo'q yer yuzida, rost.
Butun bashariyat sendan umidvor,
Bu darddan sen sabab bo'lgaydir xalos.

Har zumda o'zingni xavfga qo'yibon,
Yuqumli yog'iyya chiqyapsan qarshi!
Sen elga o'zingni qalqon qilgan on,
Senga qalqon bo'lzin Allohning arshi!

Zambarakka ko'ksin tutgan mard kabi,
Yonidan jilmaysan og'ir bemorning.
Har bir dardmandingning pichirlar labi:
«Sizlar ne'matisiz Parvardigorning».

Haq gap, bu ta'rifni olgaydirman tan
Sen sodiq, sen sobit, sen eng vafodor.
Alloh marhamati erursan chindan,
Ey, sen ulug' dardkash, buyuk shifokor!

Joning ayamaysan, berasan boring,
Mehring malham bo'lib dardlarga yetsin!
Do'st-dushman oldida barcha bemoring,
Yuzing yorug' aylab tuzalib ketsin!

Jimjitlik qabriston ichra yarashar,
Yana ko'cha-ko'yga chiqsin odamlar.
Farzandlar oynadan intiq qarashar,
Bo'm-bo'sh maktablarga qaytsin qadamlar.

Daf bo'lsin zaminni qamragan qutqu,
Yo'qolsin jonlarga qasd qilgan bu dard,
Jam bo'lish baxt ekan, qalblarda qayg'u,
Yana masjidlarga to'lsin jamoat.

Elning bir bo'lgani – yovning o'lgani,
Ko'pning duosida xayru hikmat bor!
Sen borsan – shu asli ko'ngil to'lgani,
Ey, sen ulug' dardkash, buyuk shifokor!



BIZLARNI AFV ET!

Biz qudrating oldida bechoramiz, rost,
Kutilmagan ko‘rinmas baloni daf et!
Sonsiz gunohlar uchun olmagin qasos,
Bizni afv et, Yagonam, bizlarni afv et!

Toj-u taxt, dunyotalash odamzot uchun,
Baloning ham tojdarin yubording bu kun.
Ahvolimiz ayanchli, holimiz yupun,
Bizni afv et, Yagonam, bizlarni afv et!

Osiylarga yuborgan ajdaringmi bu,
Yo g‘ofil qalbga sanchgan hanjaringmi bu,
Nopoklikka qarshi yo lashkaringmi bu,
Bizni afv et, Yagonam, bizlarni afv et!

Chigal dunyo ishlarin yecholmas bir bek,
Davosiz dardga sensiz qo‘yolmaydi chek,
To‘g‘ri, ajaldan aslo qochib bo‘lmas, lek,
Bizni afv et, Yagonam, bizlarni afv et!

Yerda ulovlar, ko‘kda uchoqlar qani,
To‘y-bayramga atalgan o‘choqlar qani,
Mehr bilan ochilgan quchoqlar qani
Bizni afv et, Yagonam, bizlarni afv et

Afsus, Seni unutib, shodon bandangmiz,
Biz notavon, biz noshud, nodon bandangmiz,
Faqat g‘amda eslovchi – yomon bandangmiz,
Bizni afv et, Yagonam, bizlarni afv et!

Tushda maktabin ko‘rib bolam uxlaydi,
Onajonim bag‘rimda bag‘rin tig‘laydi,
Ko‘ngli masjid kabi bo‘shtotam yig‘laydi,
Bizni afv et, Yagonam, bizlarni afv et!

Buni sensiz eplolmas mohirlaring ham,
Taqdir deb jim, har nega qodirlaring ham,
Botirligin unutdi botirlaring ham,
Bizni afv et, Yagonam, bizlarni afv et!

Dardlar yosharib borar, orzular qarib,
Bu kun suratlar go'zal, siyratlar g'arib,
Huzuringga bosh urdik, najot axtarib,
Bizni afv et, Yagonam, bizlarni afv et!



RAHMAT AYTIB YASHAGIN, BOLAM!

Yaratganimiz biz bandalarini yaratib, rizqini ham turli yoqlarga sochib yuborgan ekan. O'sha sochilgan rizqimizni terib, yashab yuribmiz, O'ziga shukur!

Oilada to'qqiz farzandmiz – olti o'g'il, uch qiz. Katta akam va bir ukam tug'ilib o'sgan qishlog'imizda – Farg'ona viloyati, Beshariq tumanidagi Qashqar qishlog'ida ota-onam bilan birga turishadi. Eng katta opam ittifoq paytida Beshariq tumaniga shundoq qo'shni bo'lgan Tojikiston Respublikasining So'g'd viloyati Konibodom tumaniga turmushga chiqib, mustaqillikdan keyin turmush o'rtog'i va ikki nafar farzandi bilan Rossiya Federatsiyasi fuqaroligini qabul qilgan. Hozir Tyumenda istiqomat qilishadi. Men, bir ukam bilan Toshkent viloyati Zangiota tumanida yashaymiz. Opam bilan singlim Toshkentda bir xonadonga kelin bo'lishgan – ovsin. Shokirjon ismli ukam 1997-yil Chirchiq shahridagi harbiy qismlarning birida xizmat vaqtida 18 yoshida olamdan o'tgan. Demak, eng kichigimiz kenjatoy ukam Bahodir qoldi. Hayron bo'layotgandirsiz, nega yaqinlari haqida gapirib qoldi, deb.

«Sardoba» suv ombori fojeasi sabab xavfsiz hududlarga ko'chirilgan oilalar ichida mening kenja ukam Bahodirning oilasi ham bor. Uch nafar voyaga yetmagan farzandi bilan Sirdaryo viloyati Oqoltin tumanidan Jizzax viloyatining Gagarin shahriga evakuatsiya qilindi. Oradan hech qancha vaqt o'tmay, u yer ham xatardan xoli emasligi oydinlashgach, Jizzax viloyati Zomin tumani bilan aylanib, Sirdaryo viloyatining Yangiyer tumani orqali uyimga chaqirib oldim. Ularni kutib oldik. Uch farzandining ko'zidagi qo'rquvni ko'rib, ochig'i, chidolmadim.

Darhol farzandlarim ta'lif oladigan Zangiota tumanidagi 41-o'rta maktab o'qituvchisi Saodat opaga qo'ng'iroq qilib, «dardim»ni aytdim. Ishoning, uch nafar jiyanim bir daqiqada 41-maktabning onlayn darslarida bemalol o'qiyveradigan o'quvchilariga aylanishdi.

Bu voqealarni ota-onamga bildirmadik. Iloji bo'lsa, televizoring tagida o'tir, Axborotni vaqtincha ko'rsatmay, Navo-pavoga qo'yib tur, Sardoba haqida eshitib, kenjatoyining oromi buzilganini

bilib qolishmasin, deb qishloqdag'i ukamga va uning to'ng'ich o'g'liga qattiq tayinladik.

Kenja ukam bilan kelinimning mung'ayib qolganini ko'rib, to'g'risi, qanday ovutishni bilmayman. «Ha, tashvishlanaverma, uzog'i bilan bir haftada hammasi iziga tushib ketadi», degan gapni qaytaraverib, siyqasini chiqardim.

Yaxshi gapga ham, yomon gapga ham farishta «omin», deydi. Mana bugun oradan to'rt kun ham o'tmay, ular yashaydigan hudud obod qilinib, hamma uy-uyiga qaytayotganining xushxabari keldi va ukam oilasi bilan uylariga qaytishdi.

Ketar paytida farzandlariga qiziqarli badiiy kitoblar berib, xayrashar ekanman, ularning ko'zlariga qaradim. Birinchi kundagi dahshatli qo'rquvdan asar ham qolmagandi.

Yaratganga beedad shukurlar bo'lsin! Yurt otasiga ming rahmat, million rahmat! Biz o'ylagandan ham tezroq fursatlarda jabrdiydalarning mushkulini oson qilishga kirishildi. Yana oz vaqtlar ichida muammolar butunlay bartaraf etilib, ofatdan aziyat chekkan yurtdoshlarimiz ham ukam singari o'z uylariga qaytishadi. Xalqimiz bejizga aytmagan «Qushning ham ini buzilmasin», deb.

Bolajonim, ko'zlaridan aylanayin,
Doim shunday chaqnab turgin, porlab turgin.
Qo'rquv nima, bilmay yasha bundan keyin,
Uylaringga doim bizni chorlab turgin!

Boringlar, deb aytganing rost bo'lsin, bolam,
Karantinlar tugayversin, boramiz, bas.
O'z uyingga qaytganing rost bo'lsin, bolam,
Biladirman, mening uyim uylik qilmas.

Xalq birlashdi, ko'rding, borin ko'rdi baham,
Qara, xayr-u saxovatning ko'pligini!
Hamma yoqni vayron qilgan toshqinlar ham
Buza olmas, mehr-shafqat ko'prigini.

Vatan uchun xizmat qilgin yona-yona,
Ko‘rmaganing – ofatlardan ogoh bo‘lding!
Har bir ishda bir hikmat bor, shu bahona,
Xalqimizning mardligiga guvoh bo‘lding!

Ko‘rding mana, qaytmoqdasiz uch kundayoq,
Ta’m kirmasdan qoldi shukr, yov oshiga.
Bolajonim, yuzga kir, g‘am ko‘rmay har chog‘,
Rahmat aytib yasha g‘amxo‘r Yurtboshiga!



IKKI MING YIGIRMA...

Ikki ming yigirma, eh, sichqon yili,
Dillarni kemirib tashlading juda.
Balki uzaygandir kimningdir tili,
Bunda do'stlar ko'nglin g'ashlading juda.

«Yigirma-yigirma» chiroyli raqam,
Ko'rinishdan go'zal, xush edi tusing.
Huzurimiz sari qo'yding bir qadam
Va har yonga yuqdi tojdor virusing.

Ko'zimizni ochdi qirq kunlik – chilli,
Uyga qamab qo'yding bashariyatni.
Hayot go'zal bo'lar faqat pok dil-la,
Unga jo aylasak ezgu niyatni.

Qancha iqtisodi yuksak davlatni
Ko'rdik, necha jonni etdilar uvol.
Anglamoqda, poklik yengar bu dardni,
Uni qira olmas biror bir quro.

Ikki ming yigirma – ey, serg'alva yil,
Bahoring ham bu gal bahor bo'ljadi.
Bo'ldi sabrimizning kosasi chil-chil,
Biroq, sening jabring jomi to'ljadi.

Ko'pdir sal tashvishdan singuvchi ellar,
Sinmas xalqmiz, garchi turfa «yov» keldi.
Virusing daf bo'lmay, bo'ronu sellar
Va toshqin atalmish shum sinov keldi.

Yetar, yarim yiling barbod bo'lgani,
Baribir bu holga topamiz iloj.
Davring iboratmi darddan, baxt qani,
Qolgan vaqting ichra kel, chehrangni och!

Baribir yengamiz har qanday dardni,
Chunki Olloh biz-la, biz ham U tomon.
Har qanday xafv-xatar yengolmas mardni,
Har qanday sinovdan o'tarmiz omon.

Dard tortgan har bitta fuqarosiga,
Mehrin to'shamoqda borib Yurtboshi.
Ofatdan g'am chekkan xalq orasiga
Birga yashamoqda borib Yurtboshi.

Bir-biriga bag'ri kuyuk ekanin,
Xalqimiz ko'rsatdi bani odamga.
Buyuk ajdodlardek buyuk ekanin,
Bu kun isbot etdi butun olamga.

Faxr etib aytaman, bor shunday xalqim,
Olijanobligi tahsinga loyiq!
Qanday bo'lsa, shunday qilaman talqin,
Biz ulug' xalq bo'ldik – ulug' xaloyiq!

Baralla aytishdan charchamas tilim,
Ezgulik jomining kuloli xalqim!
Uning fe'li bilan bir mening fe'lim,
Yurtimning «yadroviy quroli» xalqim!

Ikki ming yigirma – yarim xulosa,
Sho'ring qurg'ur, biroz ko'paydi tuzing!
Bir yuzing tun bo'ldi, Xudo xohlasa,
Nurlarga to'lgayadir ikkinchi yuzing!



GO‘ZAL HAYOT

Tashvish kelsa, birdam, birdona xalqmiz,
Haq deb yashar fe’li durdona xalqmiz.
Ey, yurtdoshlar, qadni mag‘rur tutaylik,
Zahmatlarni yenggan mardona xalqmiz!

O‘tar bu kun yomon tushga aylanib,
Qolmas sira bahor qishga aylanib,
Birlashaylik ko‘rinmas yovga qarshi,
Har birimiz Alpomishga aylanib.

Go‘zal hayot davom etmog‘i uchun,
Yurt otasin elga da’vati bugun.
Azizlarim, bizdan temir intizom,
Tonglarimiz shunda aslo bo‘lmas shom!

Duo qilar tinmay ota-onalar,
Bu kun rostga aylandi afsonalar.
Tez kunda qad rostlar ayting, qay yurtda,
Biznikiday ulkan shifoxonalar?!

Sabr kuchin ko‘rsating uyda qolib,
Bu dardlardan shunda bo‘lgaymiz g‘olib.
Mehnatdadir shifokorlar tunu kun,
Yurtboshining mehridan quvvat olib.

Dilda vafo, sadoqatlar ko‘paydi,
Muruvvatlar, saxovatlar ko‘paydi.
Xasta jonlar tuzalmoqda kun sayin,
Umidbaxsh zo‘r jasoratlar ko‘paydi.

Qutlug‘ yo‘llar yorug‘ manzilga boshlar,
Ajdodlardan meros buyuk bardoshlar,
Bir musht bo‘lib, bitta maqsad yo‘lida,
Irodamiz ko‘rsataylik, yurtdoshlar!

Sinovlardan faqat nodon qochgaydir,
Dono hikmat eshiklarin ochgaydir,
Asil mard el og‘ir kunda sinalgay,
Mardga Olloh rahmat nurin sochgaydir!

Go‘zal hayot davom etmog‘i uchun,
Yurt otasin elga da’vati bugun.
Azizlarim, bizdan temir intizom,
Tonglarimiz shunda aslo bo‘lmas shom!

Go‘zal hayot davom etmog‘i uchun,
Sabru sabot ko‘rsatar xalqning kuchin.



UYG‘ON, O‘G‘LIM, TUR, O‘G‘LIM!

Ozod o‘g‘lim, hur o‘g‘lim,
Har oning huzur, o‘g‘lim.
Shahdingdan kun yorishsin,
Yuzi yorug‘ nur, o‘g‘lim,
Uyg‘on, o‘g‘lim, tur, o‘g‘lim!

El bo‘lsa yigit joni,
Sel kabi jo‘shar qoni,
Vatan, desa dunyoni
Ikki chetga sur, o‘g‘lim,
Uyg‘on, o‘g‘lim, tur, o‘g‘lim!

Avlodning baxtga mosi,
Ajdodlarga eng xosi.
Bibixonim momosi –
Bobosi Temur, o‘g‘lim,
Uyg‘on, o‘g‘lim, tur, o‘g‘lim!

Nafs ipin uzar bo‘lsang,
Baxt ichra suzar bo‘lsang,
Bir esking buzar bo‘lsang,
Avval o‘nta qur, o‘g‘lim,
Uyg‘on, o‘g‘lim, tur, o‘g‘lim!

Bizning ilm maktabi,
Bo‘lgan dunyo matlabi.
Buxoriy bobong kabi
Qilgin tafakkur, o‘g‘lim,
Uyg‘on, o‘g‘lim, tur, o‘g‘lim!

Ulug‘bek osmonidan,
Yulduz bo‘l oy yonida.
Beruniy ummonida
Bo‘l marvarid, dur, o‘g‘lim,
Uyg‘on, o‘g‘lim, tur, o‘g‘lim!

El koriga bo‘lsang shay,
Seni kaftimda tutay.
Bobong Manguberdiday,
O‘zni tut mag‘rur, o‘g‘lim,
Uyg‘on, o‘g‘lim, tur, o‘g‘lim!

Yurtboshimizdek yonib,
Har kundan yasha qonib,
Yo‘llaringni uyg‘onib,
Yuksaklikka bur, o‘g‘lim,
Uyg‘on, o‘g‘lim, tur, o‘g‘lim!

Boq, yurtning bog‘-cho‘lida,
Barcha bir o‘ng-so‘lida,
Ezgulikning yo‘lida,
El ortidan yur, o‘g‘lim,
Uyg‘on, o‘g‘lim, tur, o‘g‘lim!

Yasha yurtni sha’nim, deb,
Har yerin chamanim, deb,
Hayqirib Vatanim, deb,
Et faxru g‘urur, o‘g‘lim,
Uyg‘on, o‘g‘lim, tur, o‘g‘lim!

Har kuning bir imorat,
Bo‘lsin baxtdan iborat,
Poydevoriadolat –
Bo‘lsa, qanding ur, o‘g‘lim,
Uyg‘on, o‘g‘lim, tur, o‘g‘lim!

Biz – o‘tmish, sen – kelajak,
Umring baxtga to‘lajak.
O‘zginamning bo‘lajak –
Navoiy, Bobur o‘g‘lim,
Uyg‘on, o‘g‘lim, tur, o‘g‘lim!

INSON HISSIYOTI

Buzildimi yozning ham ta'bi,
Harorati buncha bejilov?
Ko'kda quyosh ajdaho kabi,
Ufurmoqda tinimsiz olov.

Biroq ko'nglim sarhadlari muz,
Qahratonga bo'yar qonimni.
Hijron otli shum Ayamajuz,
Qorbo'ronga tutar jonimni.

Ko'chaga o't qo'yar saraton,
Sal kam ellik daraja issiq.
Juda qiziq jonzot-da Inson,
Hissiyoti undan ham qiziq.

O'nta quyosh o't sochsin agar,
Arimaydi ko'nglimning qishi.
Yuragimdan muzni eritar,
Faqat yorning bir jilmayishi.



SEVAMAN

Sening nurli yuzingdan
oftoblanib sevaman,
Bu oftobing zabitidan
xo‘p toblanib sevaman.

Ishqimning ishkomida
pishdi uzum orzular,
Uzum – sharob, qonimdir,
sharoblanib sevaman.

Inonmassan so‘zimga,
sevgimga ishonmassan,
Sening nazdingda balkim
saroblanib sevaman.

Mening har onim g‘azal,
dostondir har soniyam,
Har kuni boplab boblab –
kitoblanib sevaman.

Tik boqqancha qalbimni
tutadirsan savolga,
Ko‘zingga dosh bermay, jim
javoblanib sevaman.

Darddan Botirman, go‘zal,
shodon seva olmayman,
Bil, seni jon-jonimdan
azoblanib sevaman.



TO'RTLILKLAR

Bemaqsadning yurgan yo‘li chuvalgan ipday,
U yo‘llarga bizning qadam to‘g‘ri kelmaydi.
Egri joylar bukrilarga bo‘lar qolipday,
Qiyshiq joyga to‘g‘ri odam to‘g‘ri kelmaydi.

Soydan suv sachragaydir, seldan loy bo‘lur ato,
Donolardan zakovat, nodondan faqat xato.
Har kimning o‘z ilkida pok-nopok yashamog‘i,
Yo paytava, yo salsa bo‘lganiday bir mato.

Shamolga tik boqma, ko‘zlariningni yum,
Yo‘qsa, ko‘zlaringga sochilgaydir qum.
Har yerda har so‘zga og‘iz ochmagin –
O‘z so‘zing – o‘zingga o‘qilgan hukm!

Biz butun bir yer shariga aylanamiz, deb,
Tuproq zarrasi bir jon, bir tan bo‘lgandir.
Shu zaminning ko‘rkiga bo‘lib oro, zeb,
Gullar gul sha’ni uchun «Gulshan» bo‘lgandir.

Osmon jim-jit, depsinadi yer,
Biri cho‘kar, biri yuksalar.
Yoshlar tezroq vaqt o‘tsaydi, der,
Vaqt o‘tmasa, deydi keksalar.

O‘chib qoldi yuragimda umid degan sham,
Visolining chorasi ko‘rsatmay ketdi.
Ahdu paymonining to‘lib paymonasi ham,
Oppog‘oyim qorasini ko‘rsatmay ketdi.

Bolalikda juda sho'x edik,
Dod, dod, dod, dod, derdi onam.
Tunlari ham o'chmas cho'g' edik,
Yot, yot, yot, yot, yot, derdi onam.
Yot bo'lib ketdik.

Ishq burguti dil ovich turar eki isay,
Xayollarim senga ketgach, so'ng kelib qolding.
Ishq burguti tilgan dilga shifolar tilab,
Chap ko'ksimning hislariga o'ng kelib qolding.

Oppoq etagini tutmoqda qog'oz,
Qalam-la ko'nglingni to'kkin, u to'lzin!
She'r yozsang, dildan ming parchalanib yoz,
O'qib, parchalangan dillar but bo'lzin!

Ta'magirning mehri ziyofatgacha,
Xoinning do'stligi xiyonatgacha.
Nimagadir haqgo'y uzoqqa bormas,
Nohaqlikning umri qiyomatgacha.



МУНДАРИЖА

Ботир байтларнинг озод оҳанглари	3
Мендириман ўшал.....	8
Менинг дўстим – шу Ватан!.....	9
Она тилим	11
Оролим	12
Чегарачи аскар мактуби.....	13
Айтиб бер!	15
Дил изҳорим	17
Мудҳиш манзара.....	18
Уруш ва ғалаба	20
Қалқон болам	21
Деҳқонларим	23
Темирийўлчилар.....	24
Фавворалар	25
Болалар уий	26
Китобга бегона бўлганлар.....	28
Ибрат олгин	29
Сўнгги қўнғироқ.....	30
Она ер	31
Болалик	33
Ота ҳасрати	34
Она ҳасрати.....	36
Ёшлигим.....	38
Гар нолисак.....	40
Меҳнат.....	42
Билганлар	43
Баҳт	44
Мен сени яхши кўраман!.....	46
Гул эдим	48
Минг раҳмат!	50
Қиз узатиш	51
Ўзгариб кетди	52

Не бахт.....	53
Она.....	55
Эй тонг!	56
Ўзинг ўзгармасанг – олам ўзгармас	57
Фасллар жанги.....	58
Тоғлар	59
Мұхаббат ва ақл	60
Ким бўлдим?.....	61
Аёлингиз	63
Хабаринг йўқ.....	64
Фидойилик.....	65
Бор бўлсанг.....	66
Хотира	67
Мақтанаман.....	68
Наврўзда.....	69
Ўртасида	70
Аёл.....	71
Мендан кейин	72
Келур	73
Укубат	74
Аёллар ёмон.....	75
Эй гулдаҳаним	76
Севги нима?	77
Мен сени севаман.....	78
Маликаларга хос	79
Ахтарармиш.....	80
Кокиллари толим-толим	81
Бошқаси бекор	82
Мумкин.....	83
Согинч нима ўзи?	83
Атайлаб	84
Қоши камонлардан.....	85
Қийноқ.....	86
Ўхшатмаса, учратмас.....	88
Қизғон	89
Омад	90
Сўнгги сўзинг	92
Учрагайдир	93
Абадий армон	94
Самимий истак	96

Шоир	98
Захмат тугилади....	99
Етар.....	100
Тилак.....	101
Омоним баҳор	102
Умрим китоби.....	103
Ўзим ҳақимда.....	104
Тилагим шудир.....	105
Ёлғиз аёллар	106
Шифокорларга.....	109
Бизларни афв эт!	111
Раҳмат айтиб яшагин, болам!	113
Икки минг йигирма.....	116
Гўзал ҳаёт.....	118
Уйғон, ўғлим, тур, ўғлим!	120
Инсон ҳиссиёти	122
Севаман	123
Тўртликлар.....	124

MUNDARIJA

Botir baytlarning ozod ohanglari	128
Mendirman o'shal	133
Mening do'stim – shu Vatan!	134
Ona tilim	136
Orolim	137
Chegarachi askar maktubi	138
Aytib ber!	140
Dil izhorim	142
Mudhish manzara	143
Urush va g'alaba	144
Qalqon bolam	145
Dehqonlarim	146
Temiryo'lchilar	147
Favvoralar	148
Bolalar uyi	149
Kitobga begona bo'lganlar	151
Ibrat olgin	152
So'nggi qo'ng'iroq	153
Ona yer	154
Bolalik	156
Ota hasrati	157
Ona hasrati	159
Yoshligim	161
Gar nolisak	163
Mehnat	165
Bilganlar	166
Baxt	167
Men seni yaxshi ko'raman!	169
Gul edim	171
Ming rahmat!	173
Qiz uzatish	174
O'zgarib ketdi	175

Ne baxt.....	176
Ona.....	178
Ey tong.....	179
O'zing o'zgarmasang – olam o'zgarmas	180
Fasllar jangi.....	181
Tog'lar.....	182
Muhabbat va aql	183
Kim bo'ldim?	184
Ayolningiz.....	186
Xabaring yo'q	187
Fidoyilik	188
Bor bo'lsang.....	189
Xotira	190
Maqtanaman.....	191
Navro'zda.....	192
O'rtasida.....	193
Ayol.....	194
Menden keyin.....	195
Kelur	196
Uqubat.....	197
Ayollar yomon.....	198
Ey guldahanim	199
Sevgi nima?.....	200
Men seni sevaman.....	201
Malikalarga xos.....	202
Axtararmish.....	203
Kokillari tolim-tolim	204
Boshqasi bekor.....	205
Mumkin.....	206
Sog'inch nima o'zi?	206
Ataylab	207
Qoshi kamonlardan	208
Qiynoq.....	209
O'xshatmasa, uchratmas.....	211
Qizg'on	212
Omad.....	213
So'nggi so'zing	215
Uchragaydir.....	217
Abadiy armon.....	218
Samimiyl istak.....	220

Shoir	222
Zahmat tug‘iladi.....	223
Yetar.....	224
Tilak.....	225
Omonim bahor	226
Umrim kitobi.....	227
O‘zim haqimda.....	228
Tilagim shudir.....	229
Yolg‘iz ayollar.....	230
Vatan nima?	232
Shifokorlarga.....	233
Bizlarni afv et!	235
Rahmat aytib yashagin, bolam!.....	237
Ikki ming yigirma.....	240
Go‘zal hayot.....	242
Uyg‘on, o‘g‘lim, tur, o‘g‘lim!.....	244
Inson hissiyoti	246
Sevaman.....	247
To‘rtliklar	248

Ботиржон ЭРГАШЕВ

**МЕНДИРМАН
ЎШАЛ...**

Мухаррир
Бадиий мухаррир
Техник мухаррир
Кичик мухаррир
Мусаххих
Саҳифаловчи

*Дилдора Арзикулова
Шавкат Илҳомов
Умида Яҳшибоева
Зилола Маҳкамова
Тўхтамурод Ҳасанбоев
Зарнигор Тўхтамуродова*

Лицензия раками № 4642. 22.07.2020.

Босишига 2020 йил 15 декабрда рухсат этилди.

Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. Офсет қозози. «Times New Roman» гарнетураси.

Шартли босма табори 13,44. Нашр табори 7,95. Адади 3000 нусха.

Шартнома №13-2020. Буюртма № 9.

Оригинал макет Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлигининг «O'zbekiston nashriyoti» ДУКда
тайёрланди. 100011, Тошкент, Навоий кӯчаси, 30.
Телефон: (71) 244-34-38. Факс: (71) 244-24-91.

“Yoshlar maʼbuoti” МЧЖда чоп этилди.
100113, Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол-60.